

Тоң Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Жабагча таълим муассасаси раҳбар ходимларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича  
Республика ўқув-методик Маркази



*Туғилган кундан бир ёшгача  
бўлган фарзандлар  
тарбияси*

(Оналар учун услубий қўлланма)



TOSHKENT - 2004

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**

**Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича  
Республика ўкув-методик Маркази**

**Туғилган кундан бир ёшгача бўлган  
фарзандлар тарбияси**

**(Оналар учун услубий қўлланма)**

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тӯғрисида"ти қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш мислий дастурига мувофиқ болаларни мактаб таълимига тайёрлаш мактабгача таълим муассасалари билан бир қаторда оиланинг ўзида ота-оналар томонидан амалга оширилади. Мактаб таълими ёшига етган ҳар бир бола "Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари"да белтиланган талабларни бажара оладиган даражада таълим-тарбия олган бўлиши керак. Бунинг учун болани парваришилаш, унга таълим-тарбия бериш "Учингчи мингийилликнинг боласи" болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури асосида туғилган кунидан бошлаб мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб борилиши лозим.

Давлат талаблари ва таянч дастур асосида яратилган ушбу китоб болани туғилган кунидан бошлаб икки ёшга етгунча бўлган даврда тарбиялашда ота-оналарга маслаҳатчи вазифасини бажаради.

*Китоб "Она ва бола" Давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва "соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамкорлигига яратилган*

Тузувчилар:

Манзура СОЛИҲОВА  
Муқаддам ФАЙБУЛЛАЕВА

Нашр учун масъул:

Ш.Ш. Шомансуров

Муҳаррир:

М. Ш. Ҳайдарова

Мусаҳҳих:

Н. Орирова

Дизайн ва саҳифаланг:

М. М. Яҳёев  
Д. Мавлонов  
Д. Шомансуров

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим муассаса раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика ўқув-методика Маркази қошида ташкил этилган илмий-методик кенгашнинг 1-сонли қарорига биноан нашрга тавсия этилди. Тошкент шаҳри 06.05.03 йил.

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ "Муаллифлик қўлёзмаларини нашрга тайёрлаш бўлими" - дизайн, компьютерда саҳифалаш -2004.

Ушбу дастурдан нусха кўчириш ва кўпайтириш фақат таҳририят-рухсати билан амалга оширилади.

## СҮЗ БОШИ

Фарзанд ҳаётининг биринчи йиллари... Биринчи табассум, биринчи қадам, биринчи сўз... Болани чақалоқлик даврида парваришилаш, тарбиялаш шак-шубҳасиз машаққатли меҳнатдир, бу давр ота-она хотириасида ёрқин из қолдиради. Ота-она ва бошқа катта ёшдагилар чақалоқнинг кимга кўпроқ ўхшатиш ҳақида баҳс юритадилар, унинг хатти-ҳаракатини кузатадилар. Чақалоқ нима ҳақида ўйлаяпти, нимани ҳис қиляпти, катталарнинг хатти-ҳаракатини қандай қабул қиляпти? Унга нима ёқади? Нима учун у йиглайди? Нималар уни хурсанд қилади?... Буларнинг барчаси боланинг бутун бир ички дунёсидир.

Кўпгина ота-оналар бола тарбиясида бош масала деб, асосан уни вақтида овқатлантириш, ухлатиш, шамолиаб қолищдан эҳтиёт қилиш, тозаликка риоя қилиш кабиларни тушунадилар. Албатта, булар гўдакни парваришилашда энг муҳим вазифалардандир. Булардан ташқари, чақалоқлик даври - бу инсон шахсининг фаол ва тез шаклланадиган даври.

Чақалоқлик даври катталар учун қисқа муддат бўлса-да, аслида гўдакнинг жисмонан ривожланишида ва шахс сифатида шакллана боришида узоқ давр ҳисобланади. Бу даврда чақалоқ дунёга назар ташлай бошлайди, атрофидаги нарсаларни англай бошлайди, катталар билан муносабатда бўла бошлайди. Чақалоқлик даври ҳар бир инсоннинг шахсий сифати ва қобилияти шакллана борадиган даврdir. Чақалоқлик даврида бола нимани ололмаган бўлса, кейинчалик уни олиши қийин ёки умуман ололмайди. Шунинг учун бола тарбиясида чақалоқлик даври ниҳоятда муҳим ва масъулиятли босқич бўлиб, у инсоннинг кейинги ривожланишини белгилаб беради. Бола ўсиб катта бўлганида қандай бўлади - бу сизга, унинг атрофидаги катталарга боғлиқдир.

Гўдакни тўғри парваришилаш ва тарбиялаш учун унинг икки дунёсини, психологиясини билиш ва тушуниш керак. Чақалоқ туғилган кунидан бошлаб у билан қандай муносабатда бўлиш керак, унинг учун нима зарур ва нима зарур эмас, унга қандай ўйинлар ва ўйинчоқлар ёқади, унинг фикрлаш қобилияти қандай ривожланирилади, унинг ривожланишига нималар ҳалақит беради?...

Хозирги ёш оиласар бу каби масалаларга мантиқан ёндошган ҳолда фарзандтарини тарбиялашда кўплаб қийинчилкларга дуч келишари табиий ҳолдир. Ушбу китобнинг мақсади дунёга келган фарзандининг биринчи кунидан бошлаб уни қандай парваришилаш ва тарбиялашда ёш оиласарга яқин маслаҳатчи бўлиб хизмат қилишдир.

## **Болалар ҳаётининг дастлабки ойларидан бошлабоқ тарбиялаб боришнинг зарурлиги**

Ҳаётининг биринчи уч йили инсоннинг жуда тез ривожланиб борадиган давридир. Бола ҳаётининг кейинги даврларида ҳеч қачон дастлабки йилларидек кўп нарсани қабул қилиб ололмайди.

Чақалоқ бола жисмонан ночор бўлади: ўзининг ҳаракатини бошқара олмайди. Боланинг кейинги ривожланиши унинг түфма ирсиятига боғлиқ деган фикр унчалик эмас. Чашлоқ бола бир қанча реакциялар заҳираси (рефлекслар) билан туғиладики, ташки таассуротларга шу реакциялари билан жавоб бериб боради. Бола организми наслдан-наслга ўтиб келадиган муайян биологик хоссалари билан туғилади. Асосий нерв жараёнларининг хусусиятлари (кучи, мувозанатланганлиги ва ҳаракатчанлиги) ҳам түфма бўлади. Очлик, оғриқ ва бошқа таассуротларга кўрсатиладиган реакцияларнинг ҳар хил бўлиши болалар нерв системаси қўзғалувчанлигининг бир хилда эмаслигидан дарак беради. Мана шу түфма хусусиятларнинг ҳаммаси бола ривожланишининг кейинги даврига муайян таъсири кўрсатиб боради. Боланинг ривожланиши марказий нерв системасининг нечоғлик "етилганлигига" ҳам боғлиқ. Бола миясининг тегишли бўлимлари ривожланмаса, у юриш, гапиришни уddaрай олмайди.

Бола туғилганидан бошлаб унинг организмида мавжуд бўладиган биологик хусусиятларнинг ҳаммаси жисмоний ва руҳий ривожланишга имконият яратиб беради, улар шарт-шароит бўлиб ҳисобланса-да, кейинги ривожланишининг табиати билан даражасини белтилаб беролмайди. Түфма хусусиятлар боланинг руҳий фаолиятини ривожлантирумайди. Бола атрофидаги муҳит ҳаётининг биринчи кунларидан бошлабоқ түфма хусусиятларига катта таъсири кўрсатса бошлайди. Тегишли турмуш шароитларини яратиш, муҳитни ташкил этиш билан организмнинг баъзи физиологик хусусиятларини ўзгартириш фаолиятининг типологик хусусиятларига ҳам таъсири кўрсатиши ҳам мумкин.

Органларнинг етилиш жараёни муҳит таъсирига ҳам боғлиқдир.

Болада түфма рефлексларнинг бўлиши билан бирга, унинг феълатворидаги ҳал қилувчи реакциялар түфма бўлмай, индивидуумнинг шахсий ҳаётида шаклланиб борадиган реакциялар бўлиб ҳисобланади.

Мия ярим шарлари пўстлоғининг функциялари наслдан-наслга ҳамиша ўзгартмасдан, бир хилда ўтавермайди, балки, индивидуал ҳаёт давомида рецепторлар идрок этадиган ташки ва ички таассуротлар таъсири остида ривожланиб бориши ҳам исботланган. "Агар ташки

таассуротлар бўлмаса ёки улар етишмай қолса, пўстлоқнинг ривожланиши нотўри боради ёки тўхтаб қолади" (Н.М.Шчелованов - физиолог, гўдак болалар илмий педагогикасининг асосчиси).

Туғма хусусиятларга эга бўлган бола организми билан атрофдаги мұхит ўртасида тўхтовсиз ўзаро таъсир бўлиб турадики, шунинг натижасида янгидан-янги нерв ва руҳий жараёнлар шаклланаб боради. Қатор олимлар томонидан аниқланганидек, мана шу ўзаро таъсир бола ҳаётининг биринчи кунларидан бошланади.

Бола: 1) атрофидаги катта ёшли одамларнинг (ота-оналар, мураббиялар) бевосита таъсир кўрсатиши, таълим-тарбия жараёнида 2) ўзининг мустақил фаолияти 3) атрофдаги ижтимоий ва моддий мұхитдан бола миясига келиб турадиган ахборотлар таъсири остида ривожланиб боради.

Боланинг турли ёшида бу омиллар унинг ривожланишида ҳар хил аҳамиятга эга бўлади, бироқ гўдакликнинг бошдан охиригача боланинг ривожланиши ва эмоционал ҳолатида катталар (ота-она, тарбиячи)нинг болага бевосита кўрсатадиган таъсири ҳал қылувчи ўрин тутади. Бола қанчалик ёш бўлса, унинг ривожланишида катта ёшдагиларнинг роли шунча кўп бўлади. Катта ёшдаги одамларнинг (ота-оналар, тарбиячилар) бевосита таъсир кўрсатиши натижаси ўлароқ, боланинг биринчи табассуми, буюмлар билан қиласиган биринчи ҳаркатлари пайдо бўлиб, нутқи, конструклик ва ихтирочилик фаолияти ривожланиб боради ва ҳоказо.

Бола ёши катта бўлган сайин катталарга тақлид қиласиган ҳолда ўзи мустақил бажарадиган фаолияти ортиб боради. Масалан, бола ўтириш, туриш (агар ушлаб, таяниб оладиган бирор нарса бўлса), тепаликка чиқиш ва ундан тушишга (агар хонада шундай тепалик бўлса) ўрганиб олади.

Атрофдаги болаларнинг юриш-туриши гўдакнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

1-йилнинг охирига келибоқ, болалар бир-бирининг хатти-ҳаракатларига тақлид кила бошлайдилар. Кичик болалар (2 ёшга қадам қўйган болалар)нинг каттароқ болалар (3 ёшга қадам қўйган болалар) билан бирга бўлиши кичик болаларда нутқнинг яхшироқ ривожланишига ёрдам беради.

Бироқ боланинг ривожланишини белгилаб берадиган асосий омил катталарнинг маълум мақсад билан фаол таъсир кўрсатиб боришидир.

Таникли руҳшуннос олим Л.С.Виготский томонидан исботланган боланинг руҳий жиҳатдан ривожланишида таълим беришнинг етакчи аҳамиятга эгалиги ҳақидаги қоидани ҳаётининг дастлабки уч йилини

яшаб келаётган болаларда ҳам синашга тұғри келади. Катта ёшли одамлар бевосита таъсир күрсатып турмас экан, гұдак боланинг янги ривожланиши даврига кириши мумкин эмас.

### **Боланинг ривожланиши унга, берилган таълим-тарбияга боғлиқ.**

Таълим ва тарбия бериш натижасида бола жисмоний ва рухий жиҳатдан тез ривожланиб боради. Боланинг бүйи билан оғирлиги ҳаётининг бошқа даврларидан күра гүдаклигига тезроқ ортиб боради. Бола организмининг ҳамма функциялари, жумладан, бош мия катта ярим шарлари пүстлоғининг функциялари, олий нерв фаолияти тез ривожланиб боради. Боланинг руҳий ривожланишида - сезиглари, идроки, хотираси, диққат-эътибори, тафакқури ва бошқа жиҳатлари тез тараққий этиб боради. Айниңса, нутқда құлға киритиладиган ютуқлар жуда катта бұлади. 1-йилнинг охирига келганда дастлабки сўзларни айта бошлаган бола уч ёшга кирганда мураккаб жумлалар тұза олади. Каттагина сўз бойлигига эга бўлади.

Боланинг ривожланиши асосан катталарнинг таъсирига боғлиқ бўлгани учун таълим ва тарбия ишларини дастлабки ойларданоқ бошлаш керак. Болани чақалоқлик давридан тұғри тарбиялай бошлаш унинг эмоционал ҳолатининг тетик, жисмоний жиҳатдан бекаму кўст, руҳий жиҳатдан тұғри ривожланиб боришини, ҳаётининг биринчи йиллари мазмунли ўтишини таъминлаб беради. Келгусида яхши ўсиб-унишига йўл очади, ёмон хулқ-атвор кўринишларининг пайдо бўлиши ҳамда мустаҳкамланиб қолишига имкон бермайди, кейинги ёш даврлардаги тарбиясини анча енгиллаширади.

Болалар билан бевосита муносабатда бўладиган ота-оналар ва болалар муассасаларининг ходимлари гүдак бола олий нерв фаолияти ва руҳиятининг хусусиятларини билиши керак.

### **Гұдак болалар олий нерв фаолиятининг асосий хусусиятлари**

Гұдаклик вақтида бола жисмоний жиҳатдан тез ўсиб бориши билан бир қаторга бош мияси - катта ярим шарлар пүстлоғи билан пүстлоқ ости бўлимларининг функциялари ҳам худди шундай тез ривожланиб боради. Бош мияда бу иккала бўлимнинг бирлашиб ишлашини И.П.Павлов олий нерв фаолияти деб атаган эди.

Бола структура жиҳатдан шаклланиб қолган бош мия билан турилади, бироқ мия пүстлоғининг функциялари туғилгандан кейин ташқи ва ички таъсиrlар остида ривожланиб боради. Тегишли рецепторлар томонидан идрок этиладиган таъсиrlар организмнинг қандай бўлмасин бирор жавоб реакциясини келтириб чиқаради, шунинг натижасида организм билан атрофдаги мухит ўртасида ўзаро

таъсир қарор топади ва у ҳаётининг дастлабки кунларида тайёр туғма реакциялар асосида, яъни шартли рефлексларсиз юзага чиқади. Қатор олимларнинг маҳсус текширишларида аниқланганидек, мана шу таъсир ҳаётининг биринчи кунларидан бошланади. Ҷақалоқ бола эшитади, кўради, оғриқни, иссиқни, совуқни сезади, хид-исларни ва ҳар хил таъм, таъсирларни идрок этади.

Бола туғилиш вақтига келиб бир қанча шартсиз рефлексларга эга бўлиб қолади, у худди шу рефлекслардан фойдаланиб, турли таъсирларга реакция кўрсатади. Чунончи, кўз қовоғига, киприкларига кўл тегиши ўша заҳоти кўзларининг юмилишига сабаб бўлади. Оғриқ таъсирига жавобан бола чирқиллаб йиглайди, қаттиқ товушдан чўчиб тушади. Равшан ёруғлиқда бола кўзини юмиб олади, қандай бўлмасин бирор ўтқир ҳидди модда таъсир эттирилганда аксиради, оғзига аччиқ ёки шўр нарса тушса, афтини буриширади, туфлаб ташлашга уринади ва ҳоказо. Мана шу реакцияларнинг хаммаси туғма шартсиз рефлекслар бўлиб, миянинг пўстлоқ ости бўлимлари туфайли юзага чиқади. Оддий шартсиз рефлекслар билан бир қаторда бола туғилган пайтда унда овқатланишига алоқадор бир мунча мураккаб шартсиз рефлекс ҳам бўладики, бу рефлекс оғиз шиллиқ пардасининг таъсирланишига жавобан юзага чиқадиган ва овқатни ютишга қаратилган мураккаб ҳаракатлар билан ифодаланади. Боланинг лабига бирор нарса тесга бас, шунда у дарров эмиш ҳаракатларини қиласди. 1-ойнинг ўзидаёқ ориентировка рефлекси деган рефлекс вужудга келади. Эшитилган овоз ёки кўрув майдонида пайдо бўлган бирор нарсага жавобан бола бир лаҳза ҳаракатдан тўхтаб, қимирламай қолади, яъни И.П. Павлов айттанидек "бу нима?" реакцияси юз бериб, бола гўё эътибор билан қулок солади, дикқат билан қараб туради. Бу рефлекс катта аҳамиятга эгадир. Шу рефлекс асосида кейинчалик ҳар бир нарсага қизиқиш, ҳар бир янгиликка дикқат билан қарашлаёқати ривожланиб боради.

Маҳсус текширишлардан маълум бўлганидек, шартсиз рефлекслар асосида дастлабки шартли рефлекслар пайдо бўлиб боради. 1-ойнинг охири, 2-ойнинг бошига келибоқ, кўрув (2-ҳафтанинг охирида) ва эшитув (3-ҳафтанинг охирида) таъсирларига дикқат билан жалб қилиш лаёқати вужудга келиши муносабати билан кўрув ва эшитув таъсирларига жавобан шартли рефлекслар ҳосил бўлиши мумкин. Бола улғая борган сари хилма-хил ташқи таъсирларга жавобан шартли рефлекслар шакллана бошлайди. Масалан: бола соат 12да овқатлантириладиган бўлса, шу вақтга келиб унинг кўнгли овқат истайди, демак вақт шартли сигнал бўлиб қолади. Ащула айтиб, айни вақтда қайта-қайта рақс ҳаракатлари қилиб борилган бўлса, 7-8 ойлик

бода таниш оқанғни әшилтган замони шундай ҳаракатларни қиладиган бұлиб қолади. Мазкур ҳолда мұайян товуш таъсири шартлы сигнал үрнини босади. Янти ҳосил бұлған шартлы рефлекс дастлабки пайтда турғун бўлмайди ва тез йўқолиб кетади. Бола тарбиясида ана шу қоидаларни ҳисобга олмоқ лозим.

Шартли рефлексларнинг нечоғли тез ҳосил бўлиши ва турғунылиги бир қанча шарт-шароитларга боғлиқдир. Булар:

- а) бола соғлиғининг ахволига;
- б) бола бош мия ярим шарлари пўстлоғининг нечоғли қўзғалувчанлигига;
- в) бир нечта анализаторга бир йўла таъсир кўрсатилишига;
- г) ўша шартли рефлекснинг қай тариқа мустаҳкамланиб боришига боғлиқдир.

Демак, олий нерв фаолиятининг ривожланиши тарбия ишлари қулай шароитда олиб борилғандагина жуда тез боради. Бироқ, гўдак болаларнинг олий нерв фаолияти ўз хусусиятларига эга, болаларни тарбиялашда шуларни эътиборга олмоқ керак.

Бу хусусиятлар қўйидагилардир.

1. Шартли рефлекслар бир қадар тез ҳосил бўлади, лекин уларнинг мустаҳкамланиши секинлик билан боради. Кўпгина шартли рефлекслар бола уч ёшга тўлганида ҳам етарлича барқарор бўлмайди. Уч ёшда ҳосил қилингандай талайгина ўрганишлар, малакалар мустаҳкамланиб борилмаса, кейинчалик йўқ бўлиб кетиши мумкин.

2. Бола ҳаётининг биринчи уч йилида, хусусан дастлабки икки йилида нерв тизимининг иш қобилияти тез зўрайиб боради, бироқ бирмунча каттароқ ёщдаги болаларга қараганда уч ёшга қадам қўйган болаларнинг иш қобилияти камроқ бўлади, шунга кўра улар тезроқ чарчаб қоладилар.

3. Боланинг нерв тизими бирмунча заиф бўлади. Бола бир хилдаги таъсирнинг узоқ таъсир этиб туришидан тез чарчаб қолади ва кучли таъсирларга бардош беролмайди. 2-3 яшар бола 5-6 соат тетик юра оладиган бўлишига қарамасдан, бир хилдаги машгулот билан узоқ шуғуллана олмайди. Машгулот узоқ давом этганда дарров ҳимоя тормозланиши бошланиб, бола гапга қулоқ солмай, ҳадеб чалгийверади. Узоқ давом этадиган қаттиқ шовқинлар ўта қўзғалишга, чарчаб қолишга олиб келади. Бола бир хилдаги вазиятни узоқ сақлаб туролмайди (масалан, қимирламасдан тинч ўтира олмайди) ёки битта иш ҳаракатни қайта-қайта такрорлай олмайди. У онасининг қўлидан ушлаб бир томонга қараб юраверадиган бўлса, тез чарчаб қолади.

4. Гўдак болалар олий нерв жараёнларининг мувозанатлашмаганлиги билан характерланади: қўзғалиш жараёнлари

тормозланиш жараёнларидан устун туради, шу муносабат билан мусбат шартли рефлекслар тормозловчи рефлексларга қараганда тезроқ ҳосил бўлади. Кичик болани истаган иш ҳаракатидан қайтариб туришдан кўра, бирор нарса қилишга ўргатиш осон.

5. Ёши улғайиб борган сайин болаларнинг реакциялари кўпроқ локал ҳарактерга эга бўлиб, ортиқча ҳаракатлар камайиб борсада, кенг ёйиладиган иррадиацияланадиган реакциялар ҳар қалай кўп бўлади. Масалан, боланинг шодлиги фақат илжайиш билангина ифодаланмасдан, кўпинча қаттиқ бақириш, чапак чалиш, тез-тез умумий ҳаракатлар қилиш билан давом этади. Салбий эмоционал ҳолат ҳам фақат йиги билан эмас, балки қўл ва оёқларининг ҳаракатлари билан ҳам ифодаланади. Бола эндиғина юришга бошлар экан, кўлларини олдинга узатади, баъзида тилини ҳам чиқариб олади. Ўйинда, маҳсус машғулотларда буюмлар билан қайта ҳаракат қиласвериш натижасида уйғунлашган, аниқ ҳаракатлар секин-аста шаклланиб боради, реакциялар анча локал бўлиб қолади.

6. Боланинг бутун юриш-туриши ҳаётининг биринчи кунларидан боштабоқ бош мия пўстлоғининг иштироки билан юзага чиқади, бош мия пўстлоғи миянинг пўстлоқ ости бўлимларига ҳам бошқарувчи таъсир кўрсатиб боради. Масалан, бирорта жуда қизиқ нарсага дикқатини жалб қилган бола укол оғригини билмаслиги мумкин ва ҳоказо. Шунга қарамасдан, гўдак боланинг хулқ-атворига мия пўстлоқ ости бўлимларининг ахволи ва фаолияти катта таъсир кўрсатади, бола нечоғли ёш бўлса, бу таъсир шунчалик кучли бўлади.

7. Бола олий нерв фаолиятининг хусусиятлари жумласига нерв жараёнларининг бир мунча суст, ҳаракатчан бўлиши киради. Янги ёки яқиндагина шаклланиб борган реакциялар узоқ яширин даврга эга бўлади. Бола қандай бўлмасин бирор ҳаракатга тез жавоб беролмайди ёки уни тез тўхтатиб кўя олмайди. Шу муносабат билан бошлаган ҳаракатини тез тўхтатишни ёки бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатта тезда кўчишни улардан талаб қилиб бўлмайди.

8. Болада ташки тормозланиш осон юзага келади. Масалан, бола овқатланётган вақтида бирор ўйинчоқقا ёки учиб юрган күнги тушиб қолса, овқатланишдан осон чалғийди, расмни кўздан кечириш вақтида хонада болани қизиқтирадиган бирор ҳаракат бўладиган бўлса, бола дикқатини бир жойга йигишга қийналади. Дикқатни тўплаш қобилиятининг ривожланиши кўп жиҳатдан тарбия шароитларига боғлиқ. Дикқат билан ишлаш учун қулай шароитлар яратилиб, ота-она, мураббия тўғри усусларни кўллайдиган бўлса, дикқатни бир жойга қўйиб ўйнаш, шуғулланиш қобилияти тез ривожланиб боради.

9. Гұдак болалар жуда құзғалувчан бұлади. Нерв тизимининг құзғалувчанлиги күпинча арзимас сабаблардан ҳам тезгина үзгариб қолади. Мувозанатлашган тетик ҳолат осонлик билан ортиқча құзғалған ёки бұшашган ҳолат билан алмашиниши мумкин.

10. Кичкина бола ҳиссиятта тез бериладиган, эмоционал бұлади: сезгилар унинг ҳәетида катта ўрин тутади. Унинг хулқ-авторидаги күп томонлари бирор нарсани истар-истамаслигига, үша нарсага қандай муносабатда бўлишига күп жиҳатдан боғлик. Масалан, 2-2,5 яшар болани 2-3 дақиқа тинч үтиришга мажбур қилиш қийин, агар уни қизиқтирадиган иш бўлса, шу иш билан 15-20 дақиқа машғул бўлиши мумкин. Бироқ эмоционал ҳолат ҳам ижобий эмоционал ҳолатни ишдан чиқариши ёки боланинг йиғлашига сабаб бўлиши мумкин. Кичкина бола атрофдагиларнинг ўзига нисбатан қилинаётган эмоционал муомаласини аниқ идрок этади ва сўз таъсирига жуда берилувчан бұлади, эмадиган болалар хонасида болалардан бирортаси йиғлаб қолса бас, бошқалари ҳам албатта йиғлашига тушади. Боланинг онаси ёки мураббияси бирор нарсадан ранжиган бўлса, бу боланинг хулқ-авторига таъсир этади. Онаси бирор жойга шошилиб, болани тезроқ ухлатиб кетадиган бўлса, бола "гўё жўрттага қилгандек" ухлайвермайди, чунки одатдагидан кўра шошилиб қилинаётган ҳаракатлар болани бесаранжом қилиб қўяди.

11. Гўдаклик даври 2-сигнал системаси ривожлана бошлайдиган даврdir. З ёшгача бўлган болаларда 2-сигнал системаси ҳали етарли ривожланмаганлиги туфайли 1-сигналлар ўрнини босадиган таъсиrlар, яъни кўргазмали образлар асосий аҳамиятта эга бұлади. Масалан, 2-2,5 яшар қизчага "Мана, опанг сенга чиройли қўғирчиқ олиб келибди" деб онаси олиб келган совфани беришади. Лекин шу боладан: "қўғирчиқни сенга ким совфа қилди?" деб сўрашганда, қизча шу қўғирчиқни унга келтириб берган бувисининг номини айтади. Гўдак болаларни тарбиялашда олий нерв фаолиятининг юқорида кўрсатиб үтилган ҳамма хусусиятларини ҳисобга олмоқ зарур. И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти организм билан атрофдаги муҳит ұртасида қандай ўзаро таъсир қарор топиб боришини тушуниб етишга имкон беради. Бу тарбиянинг физиологик асоси бўлиб ҳисобланади, улар аввало боланинг хулқ-автори, атрофдаги муҳит таъсири остида индивидуал ҳәёт жараённан шаклтаниб боришини ва болани ҳәётининг дастлабки кунларидан бошлаб тўғри тарбиялаб бориш зарурлигини исбот этади. Бироқ, олий нерв фаолияти физиологиясига доир маълумотлар боланинг имкониятларини аниқлаб, қандай бўлмасин бирор малака, ўрганишларни тарбиялашнинг йўлларини кўрсатиб беради, холос.

Болаларда одат ва ўрганишларнинг қайси бирини тарбиялаб бориши керак? -деган саволга физиология жавоб бермайди. Болаларда қандай алоқалар, ўрганишлар, одатлар, характер ва шахс хусусиятларининг шаклланиши муҳитга, аввало ижтимоий муҳитга, асосан атрофдаги катта ёшли одамларнинг болага бевосита кўрсатадиган таъсирлари характеристига, яъни таълим ва тарбияга боғлиқдир.

### **Гўдак болалар тарбиясининг вазифаси ва услублари**

Гўдак болалар тарбияси ҳам каттароқ ёшдаги болалар тарбияси сингари кўйидаги вазифаларни ўз ичига олади.

1. Болаларни жисмонан ривожлантириш.
2. Болалар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш.
3. Болаларни маънан ривожлантириш.

Бироқ гўдаклик даврининг ўзига хос хусусиятлари бўлганлигидан тарбиянинг аниқ вазифалари ва уларни амалга оширишнинг услублари катта ёшдаги болалар тарбиясининг вазифалари ва услубларидан бошқачароқ бўлади.

### **Бир ёшгача бўлган болаларнинг ривожланиши ва уларни тарбиялаш**

1. Шу ёшдаги болаларнинг хусусиятлари ва тарбиянинг вазифалари

Умрнинг биринчи йили боланинг ривожланишида алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам шу ёшдаги болалар билан олиб бориладиган тарбия ишининг вазифалари ва мазмуни бошқачароқ бўлади.

Умрнинг биринчи йили ривожланиши тез суръатлар билан борадиган даврdir. Бу ёшда жисмоний ривожланишининг асосий кўрсаткичлари анча ўзгаради. Бола 5-6 ойга келиб ўзининг дастлабки вазинин икки баравар, ёшига тўлиб қолган пайтда эса уч баравар оширади. Ҳаётининг биринчи йили мобайнида боланинг бўйи 25 см ўсади, тана қисмлари сезиларли даражада ўзгаради. Илмий тадқиқот маълумотларига қараганда бола миясининг оғирлиги 9 ой мобайнида ўрта ҳисобда 300 гр ортади, чақалоқ бола миясининг оғирлиги 660 гр га боради, кейинчалик мия массасининг ортиб бориши сусаяди ва бола 2,5 ёшга тўлганда миясининг оғирлиги 1кг га тенглашиб қолади. Уйқу ва уйғоқлик вақтининг характери билан муддати ўзгаради. Шу ҳолатларнинг ритми шаклланиб боради.

Бола ҳаётининг дастлабки ойларидан бошлаб атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсир қилиб бориши туфайли ва асосан катталарнинг кўрсатадиган таъсири натижасида унинг нерв-психик фаолиятида ҳийлагина ўзгаришлар рўй беради. Ҳаётнинг биринчи ойларидан

бошлабоқ барча сезги аъзоларининг фаолияти тез ривожланиб боради.

Ижобий эмоциялар пайдо бўлади ва мукаммаллашади. Йил мобайнида бола умумий ҳаракатларнинг асосий хилларини ўзлаштириб олади. Йил охирига келиб нарсалар билан бажариладиган элементар ҳаракатлар шаклланади. Ҳаётининг биринчи йилида одамга хос бўлган маҳсус функция-нутқ биринчи бор юзага келади ва ривожлана бошлайди. Ҳар хил ўрганишлар хам шаклланиб боради.

Жисмоний ва нерв-психик ривожланиши ўртасидаги мустаҳкам алоқа болаларда умрининг 1-йилида ёрқин намоён бўлади

Болаларнинг нерв-психик ривожланишига, улардаги ижобий эмоциялар (хис-туйфулар) билан ҳаракатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатилмайдиган бўлса, бу уларнинг жисмоний ривожланишига ёмон таъсир этиб, гипотрофияга сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчи томондан, заиф болалардан кўра соғлом, жисмоний жиҳатдан бақувват болаларда табассум ва ҳаракатларни ривожлантириш анча осонроқ бўлади. Шунинг учун ҳам 1 ёшгача бўлган болаларни тарбиялашда уларнинг жисмоний ва нерв-психик жиҳатдан нормал ва вақтида ривожланиб боришини таъминлаш зарур.

Бу ёшдаги болаларнинг характерли хусусияти организмининг нозиклиги ва тури касалликларга қиёсан қаршилик кўрсатиши

Ҳаётнинг биринчи йили мобайнида бола танасида терморегуляция аста-секин йўлга тушиб борадиган ҳамда бола турли шарт-шароитларга яхшироқ мослашиб оладиган бўлишига қарамай, ҳарорат ва атрофдаги муҳит, шарт-шароитларнинг ўзариши унинг соғлиғига тез-тез таъсир қилиб туради, кун тартибининг бузилиши - овқатлантириш ёки ухлатишнинг кечикиши, боланинг уйқуга қониқмай қолиши, шу жараёнларни тўғри уюштириш ва ўтказишга амал қилмаслик - кўпинча турли касалликларга сабаб бўлади.

Шу ёшдаги болаларни тарбиялашда кун тартибини ташкил этишга, гигиеник парвариш, овқатлантириш ҳамда ухлатишни тўғри йўлга кўйишга аҳамият бериш керак.

Бир ёшгача бўлган болаларнинг яна бир хусусияти -организми, жумладан нерв тизимининг жуда мулойим, пластик бўлишидир. Шу ёшдаги болалар тараққиёти катталар томонидан тарбия мақсадларида кўрсатиладиган таъсирларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бола ҳаётининг 1 йили мобайнида тез ривожланиб боради. Бу ёшда сифат жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласидиган қуийдаги босқичларни (даврни) ажратиш мумкин:

биринчи 3-4-ҳафта чақалоқлик даври, 3-4-хафталикдан 2,5-3 ойликкача, 2,5-3 ойликдан 5-6 ойликкача, 5-6 ойликдан 9-10 ойликкача, 9-10 ойликдан 1 ёшгача бўлган даврлар.

Тарбиянинг вазифалари, мазмуни, услубларини бутун бир йил учун эмас, балки ёшнинг ҳар қайси даврига ўтган боланинг ривожланишдаги хусусиятларига яраша аниқ тарзда кўриб чиқиши лозим бўлади.

Ҳар қайси давр учун болаларнинг умумий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган кўникмалар характерлиди.

Оналар ва мураббийларнинг дикқат-эътибори биринчи галда ана шу кўникмаларни вақтида ривожлантириб боришга қаратилган бўлиши керак. 2,5-3 ойликкача бўлган даврда бола дикқатини ўз вақтида кўз ва қулоққа чалинган нарсаларга қаратадиган бўлиб қолишини, шунингдек, ижобий эмоциялар -табассум, кулги ва тетиклик комплексининг ривожланиб боришини таъминлаш муҳимдир. 2,5-3 ойликдан 5-6 ойликкача бўлган даврда кўрув ва эшитув анализаторлари дифференцировкаларини ҳамда товуш манбанинни қидириш кўникмасини ривожлантириб бориш, катта одамнинг қўлидан ва турли ҳолатлардан ўйинчоқни олиш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, боланинг ўз вақтида қийқириб, гувранадиган бўлишига эришиш ҳаммадан муҳим. 5-6 ойликдан 9-10 ойликкача бўлган даврда боланинг эмаклайдиган бўлишига, нутқни тушунадиган ва катталарнинг товуш ва бўғинларини талаффуз этишига ҳамда хатти-ҳаракатларига тақлид этадиган бўлишига алоҳида эътибор бериш керак. 9-10 ойликдан 1 ёшгача бўлган даврда катталарнинг нутқини янада кўпроқ тушунадиган бўлиб бориш, дастлабки умумий хуносалар чиқариш қобилиятининг шаклланиши боланинг нутқида тақлиднинг ривожланиши ва дастлабки oddий сўзларнинг пайдо бўлиб бориши, шунингдек, нарсалар билан қилинадиган биринчи ҳаракатлар ҳамда мустақил юриш кўникмасининг ривожланиши муҳим ҳисобланади.

Умрининг биринчи йилини яшаб келаётган болада турли кўникмалар пайдо бўлишининг суръати билан тартиби асосан тарбия шароитларига ҳамда болани тарбияловчи кишиларнинг қандай таъсир кўрсатиб боришига, шунингдек, боланинг индивидуал (шахсий) хусусиятларига боғлиқдир.

Ҳаётнинг биринчи йилини яшаб келаётган болаларнинг ривожланишидаги хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни оила ва болалар муассасасида тарбиялашни ташкил этишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур.

1. Болаларнинг саломатлигини сақлаш, уларнинг жисмоний жиҳатдан бекаму-кўст ривожланишини таъминлаш ва касалликларнинг олдини олиш.

2. Уйғоқлик ва уйқу ритмини түғри ўрнатиш ва нерв тизимининг иш қобилияти ортиб борган сайин бу ритмни вақтида ўзгартириб бориш.

3. Болаларда овқатланиш, ухлаш ва ювинишга нисбатан яхши муносабат пайдо қилиш.

4. Сезги аъзолари фаолияти, ижобий эмоциялар, ҳаракатлар, нарсалар билан қилинадиган ҳаракатлар ва нутққа тайёргарлик босқычларини ўз вақтида ривожланиб боришини таъминлаш.

5. Болаларда фаол хулқ-аттворни юзага келтириш ва уларнинг эмоционал жиҳатдан ижобий (шод ва құвноқ бўлишини таъминлаш).

6. Катталарга нисбатан эмоционал жиҳатдан ижобий муносабат ўрнатиш ва бунга болада қизиқиш уйғотиш.

7. Одатларни тарбиялаб бориш, ёмон одат ва ўрганишлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик.

### **Бир ёшгача бўлган болалар жисмоний тарбиясини амалга ошириш**

Бола ҳаётининг биринчи уч йилида жисмоний жиҳатдан тез ривожланиб боради. Унинг организми жуда мулойим, пластик бўлади. Мунтазам равишда ўтказиб туриладиган соғломлаштириш чоралари боланинг ривожланишига яхши таъсир этади, шу билан бир вақтда арзимас хатолар ҳам боланинг саломатлигини бузиб, нерв тизимининг ҳолатини ўзгартириб қўйиши мумкин. Шунинг учун жисмоний тарбияни түғри ютириш гўдак бола тарбиясининг энг муҳим бўлимларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу ёшдаги болалар жисмоний тарбияси қўйидаги вазифаларни бажаришга қаратилмоғи керак.

1. Боланинг соғлигини сақлашга, касалликларнинг олдини олишга, организмдаги аъзо ва тизимларнинг нормал ишлаб туришини таъминлашга.

2. Жисмоний жиҳатдан ўз вақтида ва яхши ривожланиб олишни таъминлашга.

3. Организмни чиниқтиришга.

4. Ҳаракатларни ривожлантиришга.

5. Боланинг мувозанатлашган тетик бўлиб юришини таъминлашга.

6. Маданий-гигиеник қўнимларни тарбиялашга.

Жисмоний тарбиянинг воситалари қўйилагилардир: а) түғри кун тартиби; б) барча органик эҳтиёжларни бекаму-кўст ва ўз вақтида қондириш, гигиеник жиҳатдан яхши қараб бориш; в) хилма-хил фаолият ва боланинг ҳаракатлари учун қулай шароитлар яратиб бериш.

1 ёшгача бўлган болаларнинг ўз вақтида ривожланиши ҳаётининг тўғри ташкил этилиши ва тарбия ишининг тўғри амалга оширилишига боғлиқ.

**Кун тартиби.** Шу ёшдаги болаларни тўғри тарбиялашнинг дастлабки асосий шарти, кун тартибини ўз вақтида белгилаб қўйишидир, чунки болаларнинг ривожланиши, эмоционал ҳолати ва фаоллиги овқатининг вақтида берилган-берилмаганлигига, уйқуга қонган-қонмаганлигига ва уйғоқлик муддати нечоғлик тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади.

Ҳаётининг биринчи йилида боланинг ривожланиб бориши тез бўлгани учун кун тартиби 3 марта ўзгартирилиши керак. Бола 1 ёшга тўлгунга қадар ўтадиган давр мобайнида уйғоқлик муддати 1 ойда 30-40 дақиқадан 1 ёшга борганда 2,5-3-3,5 соатгача узаяди. Ҳаётининг биринчи ойларида бола кунига 4 маҳал, Йилнинг охирига келиб эса энди атиги 2 маҳал ухлайди.

Ҳаётининг биринчи ойида уйқу ва уйғоқликнинг ўз вақтида алмашиниб туришига эришиш мумкин эмас, чунки жуда қисқа давом этадиган уйғоқлик даврида бола онасини эмади, йифлайди ва тинмасдан ҳаракат қиласверади. Ҳаётининг биринчи кунидан фақат тўғри эмизиш тартибини йўлга қўйиш керак. Бироқ, 1-ойнинг охири 2-ойнинг бошидан бошлаб бола кундузи ва кечаси ўзини бошқача тутадиган бўлиб қолади, суткали ритм қарор топиб боради, бола фақат кундузи уйғоқ бўлиб, асосан кечаси ухлайдиган бўлиб боради. 1-ойнинг охири 2-ойнинг бошида шартли рефлекслар, жумладан, вақтга жавобан юзага чиқадиган шартли рефлексларнинг шаклланиши мумкин бўлганлигидан болани шу ёшдан бошлаб кундузи белгили соатларда уйғониш ва ухлатишга ўргатиб бориш, яъни эмизиш тартибидан ташқари уйқу ва уйғоқлик тартибини ҳам белгилаб бориш мумкин. Тартиб ўрнатишда кечикиладиган бўлса, бола беҳаловат ҳаётта тез ўрганиб қолади ва бу унинг уйғоқлик ҳамда уйқу характеристигагина эмас, балки иштаҳасига ҳам таъсир қиласади.

2-ойдан бошлаб болада уйқу ва уйғоқлик тўғри ритмини пайдо қилиш учун қуйидагилар зарур.

Боланинг зийраклигини қувватлаш учун уни эркалатиб гапириб туриш, кўз ўнгига ўйинчоқлар осиб қўйиш, ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш.

Кундузи ухлаш учун ажратилган соатларда болани (шамоллатилган хонада) очиқ ҳавода айвонга олиб чиқиб ётқизиш зарур. Шунда бола тез уйқуга кетади. Чунки салқин ҳаво ҳаракатидан сезиладиган тактик сезиглар болани тинчгина ухлатиб қўяди.

Кун тартиби ана шундай белгиланадиган бўлса, ёш боланинг йиғлашига олиб келадиган энг кўп сабаблардан бири -безовталаниш

бартарап этилади. Бола яхши ухлагандан кейин иштача билан эмади, навбатдаги уйку маҳалигача фаол равищда тинчгина уйғоқ ётади ва атрофидаги турли таъсиirlарни яхши идрок қиласи.

Болани эмизищда жадвалга қатый риоя қилиш шарт эмас, бола эмишга эхтиёж сезганда эмизилаверади. (Кун давомида 7-10 марта). Чунки она сути жуда фойдалы бўлиб, болани соғлом бўлиб ўсишига ёрдам беради.

Кун тартибини ўрнатищда боланинг ухланиш, овқатланиш эхтиёжларини ҳисобга олиш керак. Бола нечоғли ёш бўлса, нерв хужайраларининг қобилияти шунчалик суст бўлади. У тез чарчаб қолади. Шунинг учун уйғоқлик муддати қисқароқ бўлади ва бола кўпроқ дам олишга эхтиёж сезади. Бола уйда ёки болалар муассасасида тарбияланишидан қатъий назар, уни энди тартиби ўргатилиб келинаётган вақтда уйку ва уйғоқликнинг шу шартларига амал қилиш айниқса муҳим.

Уйку олдидан тебратиш ва алла айтиш мақсадга мувофиқ.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобида алла айтиш ва тебратишнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: "Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга 2 нарсани кўлламоқ керак. Бири болани секин-аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган куйни (мусиқани) чалиш ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилган миқдорига қараб боланинг танаси билан бадан тарбияга, руҳи билан мусиқага бўлган истеъоди ҳосил бўлади".

Ҳаётининг биринчи ойларида болани ҳамиша бир хил вақт оралатиб эмизиш ва маълум вақтда уйрониб, маълум вақтда ухлатиш учун шарт-шароит яратиб бериш керак. Бу - бола танасини ритм билан ишлашини енгиллаштиради ва бола шу ритмга осон ўрганиб қолади.

Бола қандай шароитда тарбияланаётганлигидан қатъий назар, 2-ойдан бошлаб у муаян кун тартибида мувофиқ яшайдиган бўлиши керак, бу кун тартиби қўйидагича ўрнатилади: эмизиш, эмгандан кейин уйғоқ ётқизиш, сўнгра яна эмизиш вақтигача ухлатиш. Бола ҳаётининг дастлабки ойларида нерв тизимишининг иш қобилиятини тиклаш учун кундузи 1,5-2 соатдан 3-4 маҳал, 9-10 ойлик бўлгандан кейин эса кундузи фақат 2 маҳал - (2-2,5 соатдан) ухлаши керак. Бола 1,5 яшар бўлгандан кейин 1 маҳал ухлайди (3-3,5soat).

Уйғоқлик муддати ортиб борган сайин уйку қаттиқлашиб боради, бир кеча-кундузда уйку билан ўтадиган умумий вақт қисқаради. Уч ойлик бола бир кеча-кундузда 16,5 соат ухлаши керак. 1 ёшли бола бир кеча-кундузда 14,5 соат, 2 ёшли бола 13,5-14 соат, 3 ёшли бола эса атиги 12 соат ухлайди.

Боланинг ёши катта бўлиб борган сари бир кеча-кундуз давомида овқатланиши ва улар орасидаги вақт ҳам ўзгариб боради.

Шундай қилиб, гўдак ва мактабгача ёшдаги болаларнинг кун тартиби қўйидагиларга қараб ўзгариб бориши керак: 1) нерв тизими иши қобилиятигининг ортиб боришига; 2) кундузги уйқу муддатининг қисқариб боришига; 3) бир кеча-кундуздаги уйқу муддатининг ўзгаришига; 4) овқатланиш маҳалларининг сони ва улар орасидаги вақтга қараб.

Кун тартиби организмнинг ҳамма тизимлари ишини тартибга солади, ички интизомни тарбиялайди.

### **Болани ювинтириш, овқатлантириш ва ухлатишни ташкил этиш**

Тўғри кун тартиби билан бир қаторда боланинг саломатлиги жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун овқатлантириш, ухлатиш, гигиена муолажалари ва согломлаштирувчи чора-тадбирларни ташкил этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Оналар ва мураббийлар болани парвариш қилишда педиатр тавсия этган гигиеник тартиб-қоидаларга риоя қилишлари муҳим. Болани тўғри парвариш қилишда энг аввало тозаликка риоя қилиш керак. Боланинг бадани, кийими, ўрин-кўрпаси, идиш-товоғи, ўйинчоқлари тоза бўлиши керак. Тўғри парвариш боланинг фақат соғлигини таъминлаб қолмасдан, унинг жисмоний ва руҳий ривожланишига ёрдам беради. Болани парвариш қилишда уни тўғри овқатлантиришга ҳам эътибор бериш лозим. Болани туғилган кундан бошлаб она сути билан овқатлантириш керак. Она сути бебаҳо озуқадир. Она сутида боланинг нормал ривожланиши учун зарур бўлган тўйимли моддалар бор. Она сути сигир сутига қараганда тезроқ ва яхши ҳазм бўлади. Унда чақалоқни қўпгина юқумли касалликлардан сақлаб турадиган антилелалар бор. Шунинг учун бола 1 ёшга тўлгунча истаган вақтида онасини эмиши мақсадга мувофиқдир. Лекин бола ўсиб катта бўлган сари тиббиёт ходимлари томонидан тавсия этилган қўшимча овқатлар билан овқатлантириб борилади. Ҳаётининг биринчи ойларидан бошлаб болаларда овқатланиш, ётиб ухлаш ва гигиеник жиҳатдан парваришга нисбатан яхши муносабатни шакллантириб бориш керак. Бунинг учун шу жараёнларда болаларнинг фаол иштирок этиши муҳим. Шу сабабдан болада ҳаётининг биринчи ойларидан бошлабоқ тегишли кўникмаларни пайдо қилиб бориш зарур.

2-2,5 ойликдан бошлаб эмизиш вақтида онасининг кўкрагини ёки шишани ушлаб туришга, 4-4,5 ойликдан бошлаб шишани катта одамнинг қўлидан олиб, оғзига олиб боришга ундаш керак. 4,5-5 ойликдан бошлаб болани қопиқдан овқатланишга, овқатни лаблари

билинг қамраб олишга, 6-7 ойликдан боланинг қўлига нон бурдасини бераб, катта одам тутиб турган пиёладан сув ичишга ўргатиш керак. Бола 10-11 ойлик бўлганида, дастурхондан пиёлани ўзи олиб, қўлида тутиб туриб мустақил ичадиган, кийиниш, ювениш вақтида онасининг айтганига кўра қўлларини узатадиган бўлиши керак.

Тахминан 4-4,5 ойлик болага ярим қуюқ кўринишдаги биринчи қўшимча овқат берилади. Болани бир мунча каттароқ ёшидан тўғри овқатлантириб бориш ва таъм фарқлашни ўз вақтида ривожлантириш учун ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб уни таъми, қуюқ-суюқлиги ҳар хил овқатга ўргатиб бориш керак. Бола ўзича мустақил ўтириб, қошиқдан овқат ейишни ўрганиб олгандан кейин (8-9 ойлигидан) суриб қўйиладиган ўринидиги бўладиган маҳсус столда овқатлантириш керак. Юриб кетган болаларни (11-12 ойлигидан бошлаб) ёнига ўринидик қўйиладиган пастак столларда овқатлантириш ўринлидир.

Болани ҳаётининг биринчи йилида тозалик ва озодаликка ўргатиб бориш керак. Зарур ишларнинг ҳаммасини катталарнинг ўзи ҳал қилади; хўл бўлган кийим-кечакни алмаштириш, ифлос юзини артиб қўйиш ва ҳоказо. Бола ҳали ёшига тўлмасдан унинг диққатини нохуш, ифлос нарсалардан жирканишга, озода, тоза нарсалардан рафтатланишга қаратиб туриш керак. Болани оиласда 4-5 ойлигидан бошлаб озодаликка ўргатиб бориш керак. Бола аввал тувакка тўсилади, 8-8,5 ойликдан бошлаб эса (агар у яхши ўтирадиган бўлса) тувакка ўтказилади.

Ҳожат ёзилишига ишонч бўлган пайтда, яъни бола уйқудан тургандан сўнг 15-20 дақиқа ўтгач (боланинг таги қуруқ бўлса албаттa) ва боланинг ташки қўриниши ҳамда ўзининг тутишидан қовуғини ёки ичини бўшатишга эҳтиёж борлигини сезилган пайтда уни тувакка ўтказиш керак, шунда ҳам кунига кўп деганда 3-4 маҳал. Боланинг таги нам бўлса, ўша заҳоти кийимини алмаштириш ва хўллатган бўлса, тагини дарров ювиб қўйиш зарур.

Бола нонни ўзи ушлай оладиган бўлиб қолган вақтдан бошлаб, яъни 7 ойлик бўлгандан кейин овқат олдидан қўлларини юваб қўйиш зарур. Овқатлантириш тугашини кутиб турмасдан, боланинг ифлос қўлларини, юзини артиб қўйиш ва столга тўкилган овқатни артиб олиш керак.

### **Болани чиниқтириши**

Ўсиб-униб келаётган бола соғлигини сақлаш, мустақамлаш ва уни ҳар томонлама ривожлантиришда чиниқтириш муҳим роль ўйнайди. Атроф-муҳитнинг турли ножӯя таъсирларига бола организми чидамини ошириш ҳозирги замон табобатининг асосий вазифасидир.

Болалар организми чиниқтирилганда соғлиги мустаҳкамланади, унинг турли-туман, аксарият ножӯя ташқи таъсирларга бўлган бардоши ва мослашувчанлиги ошади, ҳар хил касалликларга чалинмайдиган бўлади.

Болаларни чиниқтириш учун аввало гигиеник шароитларни яратиш лозим. Бунинг учун хона ҳавоси тоза бўлиши, болани об-ҳавога қараб кийинтириш керак. Хона ҳавосини янгилаш учун эшик, деразалар 5-7 дақиқа очиб қўйилади. Хона шамоллатилганда бола бошқа хонага олиб чиқиб қўйилади. Хона ҳарорати 14-16 га тушиб қолади. Аммо у 20-30 дақиқадан сўнг қайта нормага келади. Шундан кейин болани ўз хонасига олиб кириш мумкин.

Гўдак болаларни чиниқтиришда қўйидаги мезонларга риоя қилиш керак.

1. Чиниқтирувчи муолажаларни тайинлашда боланинг соғлиги, жисмонан ва руҳан ривожлангани ҳисобга олинади. Чиниқтиришни бошлишдан олдин болани албатта тиббиёт ходимига (врачга) кўрсатиш керак. Бордию болада тонзиллит, гайморит, тиш кариеси каби сурункали касаллик ўчоқлари бўлса, албатта тегишли даво чораларини кўриш лозим. Шуни айтиб ўтиш лозимки, тез-тез шамоллайдиган, тумов бўладиган, юқори нафас йўллари қийнайдиган, ангинা билан оғриб турадиган болалар учун чиниқиши жуда фойдали. Албатта чиниқтириш муолажаларини бола соғ пайтида бошлиш керак. Бордию болада бирор сурункали касаллик бўлса, у ҳолда врач маслаҳати билан иш тутиши керак.

2. Чиниқтирувчи муолажалар миқдори секин-аста ошириб борилади. Дастребки чиниқтирувчи муолажалар енгил ва муддати қисқа бўлиши, улар бола организмида энг кам ўзгаришларни келтириб чиқариши керак. Бола организми ўрганиб қолгандан кейингина муолажа муддати секин-аста оширилиб борилади. Бола қанчалик ёш бўлса, бу қоидага шунчалик қаттиқ риоя қилинади. Болани сув билан чиниқтирганда, дастлаб унинг кўл ва оёқлари хўл латта билан артилади, сўнгра секин-аста чўмилтиришга ўтилади.

3. Чиниқтирувчи муолажаларни мунтазам равишда, яъни ҳар замонда эмас, балки ҳар куни маълум бир жадвалга асосланган ҳолда олиб бориш керак. Агар узоқ танаффус қилингудай бўлса, организмнинг ҳосил қилган ҳимоя реакциялари сусайиб қолади.

Шу сабабли бундай пайтда чиниқтиришни бошидан бошлишга тўғри келади. Агар муолажа бир неча кунгина тўхтатиб қўйилган бўлса, уни илгаридаёт давом эттиравериш мумкин.

4. Чиниқтиришни бир йўла турли хилда ва ҳар хил услубларда комплекс олиб боришнинг аҳамияти катта. Чунки бола организми бир хил муолажа билан чиниқтириладиган бўлса, масалан, фақат

иссиққа ёки фақат совуққа ўргатылса, у бир томонлама чиниқади. Шу сабабли уни хар томонлама чиниқтириш керак. Бирбарин, организм совуққа, иссиққа, ёмғирға, шамолға чидамли бұлиши учун қүёшдан, хаводан ва сувдан алоҳида-алоҳида ва биргаликда фойдаланиш керак бўлади.

### Ҳаво ванналари

Ҳаво организм учун энг зарур нарсадир. Бола организми ўзининг анатомик-физиологик хусусиятларига кўра атроф-муҳитнинг таъсирига тез мослаша олмайди. Нерв тизими салга қўзгалади, тормозланиш жараёни секин юзага келади. Юқорида айтганимиздек, бола танасининг ташқи юзаси вазнига қарагандан катта, шунга кўра иссиқликни кўп йўқотади. Шунинг учун ҳам болани ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлаб чиниқтириш керак. Ана шунда бола атроф-муҳит таъсирига тезроқ ва осонроқ мослашади, ҳаво бир йўла боланинг терисига, нафас аъзоларига, нерв тизимига фойдали таъсир кўрсатади, натижада унинг уйқуси, иштаҳаси яхши бўлади.

Гўдакни ҳар қандай фаслда чиниқтира бошлаш мумкин. 1.Ҳаво ваннаси дастлаб хонада, кейин секин-аста ташқарida ўтказилади.

2. Ҳаво ваннаси аввал илиқ ҳавода, кейин совуқроқ ҳавода ўтказилади. Муолажа муддати секин-аста узайтириб борилади.

3. Ҳаво ваннасини болани овқатлантиргандан кейин 30-40 дақиқа ўтказиб бошлаш мумкин. Ўзбекистон шароитида ҳаво ваннасини ёз ойларida эрталаб ёки кечқурун олган маъкул.

4. Ҳаво ваннасини олишда ҳавонинг намлиги билан ҳаракати (шамол) ҳисобга олинади.

5. Бола ҳаво ваннасини олаётганда совуққотгунга қадар турмасин.

Бола ёзда туғилса, уни туғруқхонадан чиққандан кейиноқ тоза ҳавога олиб чиқиши лозим ёки ухлаёттанды хона дарчасини очиб қўйиш керак. Агар чақалоқ куз, қиши фаслида туғилса, у ҳолда бола дастлаб дарчани очиб қўйиб хонада 10-15 дақиқа олиб юрилади, кейин 3-4 ҳафталик бўлганда ташқарига 10-15 дақиқа олиб чиқилади, бунда ҳаво ҳарорати 8°C дан кам бўлмаслиги керак. Шу зайлда сайр муддатини аста-секин 2 соатга узайтириш мумкин.

Бола куз, қишида ҳар куни очиқ ҳавога 2 марта олиб чиқилади. Баҳор, ёз ойларida эса иложи бўлса кун бўйи очиқ ҳавода бўлгани маъкул. Сайр вақтида боланинг юзини очиб қўйиш керак.

Бола 1,5-2 ойлик бўлгандан бошлаб ҳаво ҳарорати 24-25°C бўлганда унинг дастлаб қўллари, кейин оёқлари, бора-бора белигача очиб

кўйилади. Гоҳ қорни билан, гоҳ чалқанчасига ётқизилади. Гимнастика машқлари қилдирилади. Кун иссиқ пайтларда ҳаво ваннаси дараҳтлар соясида ўтказилади. Бола мавсумга қараб кийинтирилади.

### Куёш нурида чиниқтириш

Куёш нури (ваннаси) танани чиниқтиришнинг энг самарали шаклидир. Куёш нури танани мустаҳкамлайди, танада иссиқлик алмашинувини бошқаради, кишининг кайфиятини кўтаради. Күёшнинг тўғри тушган нури ҳам, тарқоқ нури ҳам ундан тўғри фойдаланганда фойда қиласди. Бунда албатта ҳаво ҳарорати, намлик, шамол ва бошқа таъсирлар ҳам муайян рол ўйнайди.

Куёш нури бир неча соат таъсир кўрсатгандан кейин тери қизаради, бир неча кун қуёш ваннаси олгандан сўнг терининг эпидермос қавати қалин тортади. Бундан ташқари, терининг мугуз қаватида меланин доначалари ҳосил бўлади, булар күёшнинг ҳаддан ортиқ иссиғидан терининг остки қаватларини ҳимоя қиласди. Демак, меланин доначалари тананинг ҳимоя реакциялари бўлиб, унинг профилактик аҳамияти каттадир. Куёш нуридан тўғри фойдаланганда ультра бинафша нурлар танадаги провитамин D ни витамин D га айлантиради. Витамин D эса тўқума ва сүякларда фосфор-кальций алмашинувида хизмат қиласди.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, қуёш нури кучли таъсирловчи ҳисобланади. Болага қуёш ваннаси буюраётганда олдин бола соғлиғи яхшилаб кўздан кечирилади, кейин унинг офтобда қандай реакция кўрсатаётгани диққат билан кузатилади. Ёзниг иссиқ кунларида масалан, сояда ҳаво ҳарорати  $30^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори бўлганида болани офтобда тоблаш ярамайди, чунки бунда болани офтоб уриши ёки у иссиқлаб кетиши мумкин.

Куёшда бола одатда енгил овқатлантирилгандан кейин эрталаб айвонда ёки маҳсус майдончаларда тобланади. Ўзбекистонда офтобда тобланадиган энг яхши пайт соат 8 дан 11 гачадир. Бола иштончада бўлади, бошига оқ панама кийиб олади. Бола қуёш нурида биринчи марта 2-3 дақиқа тобланади, кейин ҳар куни 1 дақиқадан қўшиб бориб, бу муддат 15-20 дақиқага етказилади. Боланинг боши айланса ёки оғриса, ҳарсилласа, териси жуда қизариб кетса, муолажани дарҳол тўхтатиш керак. Пайдо бўлган салбий реакциялар батамом йўқолиб кетмагунча муолажа тўхтатиб турилади. Аммо танаффус 3-5 кундан ошиб кетмаслиги керак, акс ҳолда муолажани яна бошидан, яъни 2-3 дақиқадан бошлиш керак.

Күёш ванналарини З ёшдан бошлаб қабул қилиш мумкин. З ёшдан кичик болаларни эса дарахт тагидаги ола чалпак офтобда олиб юрса бўлади.

### **Сув билан чиниқтириш**

Танани иссиққа ва совуққа ўргатиш мақсадида сув муолажалари билан чиниқтирилади. Болани жуда эрта, гўдаклик пайтиданоқ сув билан чиниқтира бошлаш керак. Сув ҳарорати, химиявий моддалари ва баданга урилиши билан танага таъсир этади. Сув билан чиниқтириш жуда қулай, чунки унинг миқдори (дозаси)ни белгилаш, уни иссиқ-совуқ қилиб туриш жуда осон. Совукроқ сувга тана уч фазада реакция кўрсатади. Биринчи фазада тери томирлари тораяди, одам титрайди ва умумий кучланиш реакцияси юзага келади. Бундан кейин тана сувнинг паст ҳароратига мослашади, натижада ҳаддан ортиқ кучланиш реакцияси пасаяди, юрак уриши секинлашади, артериал босим пасаяди. Иккинчи фазада тери томирлари кенгаяди, натижада тери пушти рангга киради ёки қизаради, модда алмашинуви кучаяди. Бу фазада бола ўзини яхши ҳис этади, ҳаракатлари фаоллашади.

Бордию сув муолажаси бола танасининг мослашиш имкониятини ҳисобга олмай бажариладиган бўлса, яъни муолажа тезроқ тугалланмаса, сув ҳарорати анча паст бўлса, учинчи фаза бошланади. Бунда тананинг мослашиш имкониятлари барҳам топади, қон томирлари яна қайтадан тораяди, шу билан у тана ҳарорати сарфини камайтиради. Бунда тери бўзариб кетади, кўп ўтмай кўкаради, эт жунжикиб, одам қалтирайди.

Сув муолажаларининг биринчи ва иккинчи фазалари чиниқтирувчи фазалар саналади. Бола сув билан қанча чиниқтирилса, биринчи фаза шунчалик қисқа бўлади ва иккинчи фаза тез бошланади. Демак шундай қилиш керакки, сув муолажасида учинчи фаза юзага келмасин. Айниқса, гўдакларни сув бидан чиниқтиришда бунга алоҳида аҳамият бериш керак.

### **Сув муолажаларини бажариш**

Болани сув билан чиниқтиришдан олдин у ҳаво ваннасига ўргатилади, бадани қуруқ сочиқ билан артилади. Бола танаси ҳавога обдон ўргангач, сув муолажасига ўргатилади: аввал бадан ҳўл сочиқ билан артилади, устидан сув қўйилади, ваннада, душда чўмилтирилади, шундан кейингина очиқ сув ҳавзаларида чўмилтирса бўлади.

Сув муолажасини бола 3-4 ойлик бўлганда бошлаш мумкин. Бадани ҳўл сочиқ билан артиш ва устидан сув қўйиш энг яхши

муолажа ҳисобланади. Шуни унутмаслик керакки, сув муолажасини эрталаб ўтказган яхши. Бола баданини паҳмок ҳалтачани 33-35°C ли сувга ҳўллаб артиш яхши натижা беради. Аввал боланинг қўллари, оёқлари, кўкраги, қорни ва орқаси ишқалаб артилади. Оёқ-қўлларни аста силаб, пастдан юқори томонга қаратса артилади. Шундан кейин тезда қуруқ юмшок сочиқ билан сал қизаргунча қуритилиб артилади ва адёлга ўраб қўйилади. Бу муолажа 7-10 кун давом этгандан кейин бола танаси механик артишларга қўнишиб қолади, энди мочалкани (30-35°C) ботириб баданини артишга ўтса бўлади. Сув ҳарорати аста-секин уй ҳароратига туширилади. Албатта, бунда бола совуққотмаяптими, кузатиб борилади. Бордию бола териси "товуқ эт" бўлиб кўкарса, муолажа тўхтатиласди.

Бола бадани 1 ой мобайнида ҳўл сочиқ билан артиб борилгач, энди устидан сув куйишга ўтиш мумкин бўлади. Устидан сув қуйишни йилнинг иссиқ кунларида, очиқ ҳавода, ҳаво ҳарорати 1°C бўлганда бошлаш керак. Сув (36-34°) олдин елкасига, кўкрагига, орқасига қуйилади, бошига сув теккизилмайди. Сув ҳаммаси бўлиб 15 секунд қуйилади, кейин бу муддатни 35 секундга етказиши мумкин. Сўнгра дарҳол қуруқ қилиб артилади. Сув ҳароратини ҳар 5 кунда 1°C дан пасайтириб, 28°C гача туширилади (1 ёшгача бўлган болаларда), ёшидан ошган болаларда 26-25°гача тушириш мумкин. Сувнинг ҳарорати 2 ой мобайнида ўзгартирилмайди. Бола шунга ўрганиб олгач, сувни кўпроқ қуйиш мумкин.

Болага гигиеник ванна ва душ тавсия қилиш мумкин. Зойликкача бўлган болалар учун сув ҳарорати 36,5-36°C, 6 ойлик бўлгандан кейин 33-32°C бўлиши керак. Ваннада узоги билан 5 дақиқа чўмилтирилади. Сўнг бола устидан олдингидан иссиқлиги 2°C паст сув (36-34°C) қуйилади. Душдаги сув ҳарорати дастлаб 35-34° бўлиши мумкин (2 ёшли болалар учун). З ёшли болалар учун сувнинг ҳарорати дастлаб 33-32° бўлиб, уни аста-секин 28 ва 25°C га тушириш мумкин.

Оёққа (тиззадан пастга) сув қуйишнинг ҳам ўзига яраша чиниқтирувчи таъсири бор. Бунда сувнинг ҳарорати дастлаб 30°C бўлади, кейин ҳар қуни 1°C дан пасайтирилади. Оёққа сув куйгандан кейин сал қизаргунча артилади. Оёқ, иссиқ, пайтда совуқроқ сув қуйилса натижা яхши бўлади. Шу сабабли ҳам оёққа сувни бола кундуз қуни ухлаб тургандан сўнг қуйиш тавсия этилади. Ёзда эса бола сайр қилиб келгандан кейин оёғини илиқ сув билан совунлаб ювиш керак. Агар чиниқтириш қишида бошланса, иссиқ оёқларга гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ сув қуйиш муолажасини 1 ёшгача бўлган болаларда қўлласа бўлади. Бундай муолажани шамоллаш ва юқумли касалликлар

тарқалған вақтда тавсия этса бұлади. Бунда қуидаги қоидага амал қилинади:

дастлаб оёққа иссиклиги 36-35°C ли сув қуийлади, кетидан 24-25°C ли сув ва яна 36-35°ли сувга ўтиш мақсадға мурофиқ бұлади. Ана шунга бола ўрганиб олғандан кейин сув ҳароратини 40°C-га күтариб, кетидан қуийладиган совуқ сувни 18°га тушириш мумкин. Ҳар гал сув қуиб бұлғандан кейин бола оёқдари сочиқ билан қуригунча артилади. Бу хилдаги муролажа бақыват ёки касалдан турған болаларға нисбатан құлланылади. Чиникқан күп касал бұлмайдыган болалар оёғига аввало совуқроқ (24-25°), кетидан иссикроқ (35-36°C) сув қуиши маслаҳат берилади ва шу зайлда сув ҳарорати ўзгартириб борилади.

Болани очиқ сув ҳавзаларыда, ҳовузларда чўмилтириш энг кучли муролажа ҳисобланади. Чунки бунда З омил: ҳаво, күп миқдордаги сув ва қүёш бутун терига бир текисда таъсир кўрсатади.

Очиқ сув ҳавзаларыда болани З ёшдан ошгандан кейин чўмилтириш мумкин.

### Ҳаракатларни ривожлантириш

Чақалоқ ухлаётгандан ва уйғоқ вақтларыда мурофиқлашмаган ҳаракатлар қилиши ҳаммага аён. Бунга сабаб, құл ва оёқ мускуларининг ҳали эгилувчан гипертомус деб аталадыган ҳолатда бўлишидир. Ҳаракатларни тартибли шаклга келтириб ривожлантириш учун дастлабки ҳафталардан бошлаб махсус машқлар ўтказиш керак. Чунончи, 3-4 ҳафталик бўлган болани эмизишдан олдин қўлларини кўкраклари олдига букиб, қорни билан қисқа муддатга ётқизиб қўйиши мумкин. Шунда у ўзи мустақил равища бошини күтаришга ҳаракат қиласи. Бу вақтда унга энгашиб, у билан гаплашиб уни серҳаракат қилишга рағбатлантириб турилади. Бола чарчаган вақтда бошини күтаришдан тўхтаб қолади. Ана шунда уни ўтириб чалқанча ётқизиб қўйиши керак. Агар мана шу машқлар мунтазам равища тақрорлаб борилса, чақалоқ 1 ойлик бўлганида қисқа муддатга бошини тутиб туришни ўрганиб олади, 2 ойликка қадам қўйганида эса қорни билан ётқизиб қўйилганида, бошини ўзи бемалол кўтарадиган ва тутиб турадиган бўлади.

Боланинг жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш уларга фаоллигини ўз вақтда шакллантиришга ёрдам беради. Ҳаракат қилған вақтда мускуллар мустаҳкамланади, таянч ҳаракат аппарати пишиқланади, юрак томир ва нафас системалари такомиллапади. Ҳаракат болага қувонч баҳш этади, унинг кайфиятида ижобий эмоционал ҳолат пайдо қиласи. Боланинг умумий ривожланиши билан

унинг ҳаракат ривожланиши ўртасида мустаҳкам ўзаро алоқа мавжуддир. Боланинг диққат-эътиборини қанчалик кўп предмет жалб қилиса, у ўша предметларга қараб шунчалик кўп талпинади. Бунда ўзига хос мустақилликни намоён қилади, шунга яраша унинг ҳаракатлари ҳам яхшироқ ривожланиб боради.

Чақалоқ бир ойлик пайтидаёқ уйғоқ вақтларида бирорта қаттиқ жойга юпқа адёл ёки чойшаб тўшаб қорни билан тез-тез ётқизиб туриш керак. Бунда боланинг қўллари тирсайдан букилиб, кўкраги остига бостириб қўйилади. Болани қорни билан ётқизиш тадбири овқатланишдан олдин (бала қусиб юбормаслик учун) ёки овқатлантирилгандан кейин орадан 30-40 минут ўтгач бажарилади. Болани бундай ҳолатда то бошини тез-тез тепага кўтариб ва шундай сақлаб туришга ҳаракат қилгунча қолдириш мумкин. Чарчааш аломатлари пайдо бўлгач (бала хиқилтаб йифлагандан, бошини паства тушириб олганида), уни ҷалқанча ётқизиб қўйиш, эркалаш, у билан гаплашиш, унга ўйинчоқлар кўрсатиш керак.

Гўдак 2,5 ойлик бўлганида у ухлайдиган вақт билан уйғоқ бўладиган вақтнинг ораси 1-1,5 соат бўлади. Уни уйғоқ вақтларида камида икки маротаба қорни билан ётқизиб қўйиш тавсия этилади: болани биринчи марта эмизишидан олдин, иккинчи марта эса уйқуга ётқизишидан олдин қорни билан ётқизиб қўйилади.

Уйғоқ бўлиш вақтининг барча қисмлари мобайнода ҳаракатларни ривожлантириш учун шароит яратиш зарур. Бола 3 ойлик бўлганидан бошлаб уни ҳар сафар овқатлантиришдан олдин ва уйғоқ вақтларида бир неча мартадан қорни билан ётқизиб қўйилади. Бола 5 ойлик бўлганида узоқ мuddат қорни билан ёта олади. Бунда узатилган қўлларининг кафтларига таяниб, белини букиб, боши билан кўкрагини иложи борича баланд кўтариб ётади. Бундай ҳолагда ётиш болага теварак атрофни кўриб томоша қилиб бошини турли томонларга буриш, рўпарасида ётган ўйинчоқларга интилиш, уларни қўлга олиш ва томоша қилиш имконини беради. Бунда у гавдасини буриб, бир оз ётган жойидан сурила олади, фақат бир қўлига таянган ҳолда букилади. Шунга эътибор бериш керакки, бола бу ҳаракатларнинг ҳаммасини бажаришга фақат бошини тутадиган бўлганидан, қорнида қийналмай ётадиган ва турли ҳолатлардан ўйинчоқларни бемалол оладиган бўлганидан кейингина киришиш керак. Акс ҳолда бола тез чарчаб қолади, бошларини тушириб, бармоқларини сўришга кирищади.

4 ойлик бўлган болалар ҷалқанча ётган ҳолатда ён бошларига, бен 5 ойлик бўлгач эса қоринларига мустақил равишида афдарилиб оладиган бўладилар, 6 ойликдан бошлаб эса қоринда ётган ҳолатдан

ағдарилиб чалқанча ётадиган бұлладилар. Бола үз ҳолатини ўзгартыриб, қаравотчаси ёки манежида тоғын, тоғын болатда ётади, унда әмаклашын дастлабки аломатлари пайдо бұллади.

Бола ағдарилиб ётишга ўрганиб олиши учун унинг құлларидан ушлаб, чалқанча ётган ҳолатидан ағдарилиб, қорни билан ётиб олишига ёрдам берилади. Мана шу ҳаракатни мустаҳкамлаш учун болага ўйинчоқ күрсатилади, уни күрган бола қувониб кетади, унга қараб интилади, болада ўйинчоқ олиши истаги пайдо бұллади. Секин ўйинчоқтың жойи ўзгартырилади. Бола керакли ҳаракатларни қилиб, ағдарилиб олмагунча, унинг ҳолати ўзгартырилаверади, шундан кейингина ўйинчоқ боланинг құлига берилади. Дастлаб бола тез ҳаракатлантирилиб ён томонға ва қоринга ағдарилади, күп вақт ўтмай үзи ўзлаштириб олган ҳаракатлардан ўйинчоқни мустақил құлига олишда, күттәларнинг ҳаракатини нигөхи билан күзатиб борищда бемалол фойдаланишини ўрганиб олади. Бу ҳаракатлар бола учун фойдалы бўлиб, боладаги эмоционал ижобий ҳолатни сақлаб туришга ёрдам беради, уни әмаклашни ўрганишга тайёрлаб боради.

Әмаклашни ўргатиш учун 5 ойлик болани қорни билан ётқизиб, унинг рұпарасига бир нечта ялтироқ ўйинчоқлар қўйилади, уни үша ўйинчоқларга қараб интилишга ва уларни қўли билан ушлаб олишига рағбатлантирилади. Фазода бироз тегиб кетиш билан ҳолатини ўзгартырадиган ўйинчоқлар (контактлар, шарлар) суримишга ўрганаётган болалар учун фойдалидир. Бу ўйинчоқлар уларни әмаклашга ундайди, агар бола суримишга интилмаётган бўлса, боланинг оёқларига кафтилизни қўйиб, уни олдинга итариб болада суримиш ва әмаклаш истаги ҳосил қилинади.

Болани юришга ўргатишга тайёрлайдиган ҳаракатларни шакллантириш учун уни 4-5 ойлигидан бошлаб бир қўл билан кўкрагидан, иккинчи қўл билан думғазасидан кўтарилади. Сўнгра болани оҳиста пастта тушириб шундай кўтариб туриладики, боланинг оёқлари таянч нуктасига тегсин ва унда итарилиб кўтарилимоқчи бўлсин (рақс тушиш ҳаракатларини қилин). 5-6 ойликтан бошлаб болани икки кўлтигидан ушлаб туриб ерга қўйиш мумкин (3-4 секунд мобайнида). Буни бола оёқларини бемалол ёзив, маҳкам тираб туришга ўрганиши учун қилинади. Гимнастика билан шуғулланиш, массаж муолажаларини ўтказиш боладаги асосий ҳаракатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Агар 5-6 ойлик бола ағдарилиб, қоринга ётиб олиши билса ва кўп вақтини мана шу ҳолатда ҳузур билан ўтказса, ўйинчоқлар ўйнаса, бундай болаларни бошқа ҳаракатларни - әмаклаш ҳаракатларини ўзлаштиришга яқин машқларни бажаринша, кейин эса ўтишга ва

ётишга, қўзғалмас бирор нарсага таяниб тик туришга ва унинг атрофида юришга ўргата бошлаш мумкин.

Бола ҳаётининг дастлабки ойларида уни ўтказмаслик керак. Бундай болалар 6 ойлик бўлғанларидан кейин ҳам ҳаракат қилишдан кўра ўтиришни афзал кўрадилар, ўйинчоқлар билан ҳам камдан-кам шуғулланадилар. Вақтидан эрта ўтиришга ўргатиш бола учун зааралиди. Унинг умуртқа поғонаси ҳали етарли даражада мустаҳкамланниб улгурмагани туфайли узоқ вақт ўтириб қолиши натижасида умуртқа поғонаси қийшайиб қолиши мумкин. Бола тез чарчайди, лекин унинг үзи ҳолатини ўзгартира олмайди.

Шунинг учун дастлаб болада әмаклашга интилиш үйготиш, ҳаракат фаоллигини ривожлантиришга ёрдам бериш, қизиқаётган, нарсасига мустақил равищда яқинлашишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш лозим. Эмаклаш жараёнида боланинг барча мускуллари мустаҳкамланади, умуртқа поғонаси пишийди, бу эса унинг жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. 8 ойлик бўлғанидан кейин боланинг мустақил равищда бир қўлга таяниб туриб ўтиришга, таянмасдан, ҳеч нарсага суюнмасдан ўтиришга бўлган интилишини, ўйинчоқлар ўйнаб ўтиришини, ўтирган ҳолатда теварак-атрофни күзатиб, томоша қилишга бўлган интилишини рағбатлантириб туриш керак. Болани манеж четини ушлаб туришга, кейин эса уни ушлаб юришга ўргатиш керак. 8-9 ойликтан бошлаб болага бир таянч нуқтадан иккинчи таянч нуқтага ўтишини ўргата бошлаш мумкин.

5-6 ойликтан бошлаб бола билан әмаклашга даъват этадиган индивидуал машғулотлар ўтказиши лозим. Бунда боланинг диққатини ҳар хил ўйинчоқларга жалб этиш (ұша ўйинчоқларнинг номларини айтиб туриш), боланинг исменин айтиб чақириш, уни әмаклаш келиб ўйинчоқни олишига даъват этиш зарур. 7 ойликтан бошлаб манеж четини ушлаб, тик туришга даъват этилади. Шу мақсадда тўсик устига ўйинчоқларни териб қўйиб болани шу томонға чақирилади. 7-8 ойлик бўлган гўдакни тўсик бўйлаб атак-чечак қилиб юришга ўргата бошлаш мумкин. Кичкентой үзини қизиқтирган ўйинчоққа яқинлашиб келганда уни аста-секин нарироқча суреб қўйиш ва шу йўл билан болани шу ўйинчоққа интилиб ҳаракат қилишига эришиш мумкин. Бола бир неча қадам қўйиб тўхтаб қолгач, у билан бироз ўйнаш, қўлига ўйинчоқлар бериш, унга яхши кўрган, үзи интилаётган ўйинчоқни тутқазиши лозим.

Болаларда ҳаракат фаоллигини ривожлантириб бориш зарур. Бунинг учун ҳар бир бола билан алоҳида-алоҳида шуғулланиб, беркинмачоқ, қувлашмачоқ ва бошқа шунга ўхшаш ўйинларни ўйнаш

керак. Бураб ўйналадиган ўйинчоқларни күрсатиш ҳам болаларда ижобий эмоциялар ва ҳаракат реакциялари уйғотади.

Бола ұзлаштириб олган ҳаракат турлари - әмаклаш, ғоз-ғоз туриш, түсиқ бўйлаб силжиш ва бошқа шу сингари малакаларни такомиллаштириш учун кичкінтойни ҳаракат қилишга ундайдиган шароитларни вужудга келгириш керак.

Кичкінтой бир таянчдан иккінчисига ўтишни ўрганади, унча катта бўлмаган тепаликнинг учта зинасига кўтарилиши ва унинг четидаги панжарани ушлаб яна қайтиб тушишни (10 ойликдан бошлаб) машқ қилиши мумкин.

Мустақил фаолият жараённіда катталар бола ҳаракатини фаоллаштиришга ҳаракат қиласи. Шу мақсадда ҳаракатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берадиган, мустақил юриш малакасини ҳосил қилишга кўмаклашадиган машғулотлар ўтказилади. 9-10 ойлик бўлган кичкінтойни иккала қўлидан ушлаб, уни юришга ўргатилади, бола юриш малакасини эгаллаб олгач, 11 ойлик бўлганида бир қўли билан ушлаб юришга ўргатилади. Бунда катталар болага у ёқ-буёққа қараб, нима мақсадда юраётгандигини изоҳлаб, тушунтириб беради. Масалан, "овқат егани борамиз", "Лоланинг олдига борамиз" -деб айтиси борадилар. 11 ойликдан бошлаб болалар билан қўйидаги машқларни ўтказиш ҳам мумкин: бир оз нарироқдан болага қизиқ бир ўйинчоқни кўрсатиб, уни шу томонга чақирилади.

Ҳаракатлар ўз вақтида яхши ривожлантириб борилса, кўғчилик болалар 11-12 ойлик бўлганида мустақил юришга ўрганиб кетадилар.

6 ойликдан 9 ойликкача бўлган даврдаги каби ушбу ёш даврида ҳам бола организмини чиниқтириш давом эттирилади, массаж, гимнастика машқлари ўтказиб турилади.

Хозирги пайтда болаларда қайси ёшда қайси ҳаракат малакалари пайдо бўлишини билдирувчи белгилар аниқланган. Ота-оналар ўз фарзандлари қандай ўсаётгандигини билишлари керак.

Янги туғилган боланинг қўл ва оёқ ҳаракатлари номувофиқ, бетартиб бўлади, бошни тик тутиб тура олмайди, қорни билан ётганда бошини кўтара олмайди.

Бола 1-1,5 ойлигига 10-15 секунд давомида бошини тик тутади. Қорин билан ётганда бошини кўтаришга ҳаракат қиласи.

Оёққа босиш учун туғма малакалар кўрина бошлайди. Агар уни кўлтиғидан тутилса, оёғига тиранниб, бироз туради.

Бола 2 ойлигига унда кўшимча ҳаракатлар пайдо бўлади: у бошини

дадил, тик тута бошлайди, қорин билан ётганида күкрагини ердан сал күтаради, ранги ёрқин үйинчоқлар, нарсаларга тикилиб қарайдиган бўлади.

Бола 3 ойлигидан тутилса, анчагина тик тура олади, қорни билан ётганда тирсагига тираниб, сал күтарилади, үйинчоқларга интилади, енгил нарсаларни ушлаб тура олади, овоз келган томонга ёки ёруфга томон бошини bemalol бура олади.

Бола 4 ойлигидан суяб турилса, ўтира олади, кўлидан тортсангиз туради ва бироз оёқда босиб туради, ёнига, қорнига айланиб ётади, майда нарсаларга кўл чўзиб, ушлаб олади.

Бола 5 ойлигидан қимирламайдиган маҳкамроқ нарсани тутиб ўтира олади. Тўғри туради, кўлтифидан ушланса, қадам ташлашга ҳаракат қиласди. Қорни билан ётқизганда, чалқанчасига ўтириб олади, нарсаларни қўлида дадил тутади.

Бола 6 ойлигидан қўлидан ушланса, анчагача туради, қўлтифидан ушланса, одимлайди, ёрдамчисиз ўтиради, тўрт оёқлаб эмаклашга интилади, нарсаларни ўнг ёки чап қули билан bemalol тутади. Ётган жойида қўлларига таяниб кўтарилади.

Бола 7 ойлигидан ўтирган жойида гавдани олдинга, ён томонга дадил эгади, бирор нарсага таяниб чўккараб туради, тўрт оёқлаб эмаклайди, қўлидан ушлаганда одимлашга интилади. Ҳаракати қовушган ва мақсадга қаратилган бўлади.

Бола 8 ойлигидан bemalol эмаклайди, ўзи оёққа босиб туради, қўлидан ушланса, bemalol қадамлайди, ўзи ётади, ўтиради. Үйинчоқларга қизиқиши ортади.

9 ойлигидан ўзи ўтиради, тиззалаб туради, бир қули билан каравот, диван четини ушлаб юради. Таянчиз кўп юролмайди. Үйинчоқларни мустақил ўйнайди.

Бола 10 ойлигидан таянчиз анчагача тик туради, таянчиз ўрнидан туради, ҳаракатланаётган нарса орқасидан юради, бир қатор мураккаб ҳаракатларни тушуниб бажаради, масалан: эшикларни очиб, ёпди, бирор қўғирчоғини тортиб олмоқчи бўлса, бермайди, катталар ҳаракатига тақлид қиласди.

Бола 11 ойлигидан анчагача таянчиз турда олади, бир қўлидан ушлаб турилса, bemalol юради, ёрдамчисиз яхши ўтиради.

Бола 12 ойлигидан таянчиз тик тураверади, ўтириб туради, ёрдамчисиз яхши юра бошлайди.

Келтирилган кўрсаткичлар боланинг жисмоний жиҳатдан қандай ривожланганлитигини баҳолаш ва гўдак пайтидаги қатор касалликларни олдини олиш учун жуда муҳимдир.

## **Жисмоний машқлар ва массажнинг бола соғлиғига таъсири**

Болаларни 2 ойлик бўлганидан бошлаб тўғри жисмоний тарбиялаш энг аввало пўстлоқлараро шартли рефлектор алоқаларнинг ўрнатилишига қаратилган бўлади. Массаж ва жисмоний машқлар ҳис этиш, анализатор аппаратлар (сезиш органлари) ривожланишига, шунга мувофиқ бош мия катта ярим шари пўстлоғидаги ҳаракат, нутқ ва фикрлашни ривожлантирувчи нерв марказларининг янада тез тақомиллашувига таъсир этади. Марказий нерв системаси асосий жараёнлари тормозланиш ва унинг кучи, мувозанат ва ҳаракатчанлиги тақомиллашади. Гимнастика билан мунтазам шуғулланиш таъсирида бола анча тинч бўлади, уйқуси яхшиланади, ҳаракат туфайли болада анчагина янги шартли рефлекслар ҳосил бўлади: улар активроқ, хушёроқ бўлиб боради, ҳаракатлар уйғунлиги яхшиланади, кайфияти тетик бўлади. Жисмоний машқ ва массаж бутун организмга ижобий таъсир кўрсатади: таянч ҳаракат аппарати мустаҳкамланади, суяклар яхши ўса бошлайди, бақувватлашади. Мускуларнинг қисқариш функцияси яхшиланади. Ҳаракат вақтида мускуларни озиқ моддалар билан қон ва лимфалар яхшироқ таъминлайди. Массаж ва гимнастика нафасни тартибга солади, бола бир маромда чуқур нафас оладиган бўлади, нафас йўли мускуллари мустаҳкамланади, кўкрак қафаси ривожланади, шу билан ўпкада вентиляция ва газ алмашинуви анча ортади. Юракнинг бирмунча ритмик қисқариши қайд қилинади, юрак бир марта урганда қоринда ҳайдалган қон миқдори кўпайди;

периферик қон айланиши ҳам тезлашади, томирлардаги қон миқдори кўпайди.

Массаж ва жисмоний машқлар овқат ҳазм қилиш системаси фаолиятини яхшилайди. Улар таъсирида бу системанинг мотор ва секретор функциялари кучаяди, қабзият, газ тўпланиши барҳам топади, озиқ моддаларнинг сўрилиши яхшиланади. Бундан ташқари, қорин мускуллари, айниқса нафас олишида иштирок этадиган қорин пресси мускуллари мустаҳкамланади.

Кузатишларга қараганда етарлича актив ҳаракат қилмайдиган боланинг жисмоний тараққиёти сезиларли даражада орқада қолар экан. Шу сабабли ўз вақтида қилинган гимнастика ва массаж боланинг барча системаси ва органларига ижобий таъсир ўтказади. Аммо уларнинг нафи бола тўғри парвариш қилинганда, гигиена режимига пухта риоя этилганда, врач назоратида бўлгандагина тегади.

Ота-оналар болаларнинг жисмоний тарбияси уларнинг гудаклик чоғидаги физиологик хусусиятларига мос келиш-келмаслигини

кузатиб туришлари керак, чунки бола бажараёттан машқлар, ундаги бўлаётган ҳаракат кўнималарига асос бўлади. Массаж ва гимнастик машқлар комплексини педиатр врач ҳар бир бола учун танлаб белгилаши лозим. Буни белтилаш чоғида у боланинг аҳволини, қанчалик ривожланганлигини, гавда мувозанатини сақлаш қобилиятини ва қандай ҳаракатлар қила олишини эътиборга олади.

Меъда фаолияти бузилган (газ йигиладиган, қабзият бўладиган) болаларга, турли касалликлардан туриб, бақувват бўлиб қолган болаларга машқлар айниқса фойдалидир. Айни вақтда ота-оналар массаж ва гимнастикани қайси пайтда вақтинча тўхтатиш лозимлигидан ҳам хабардор бўлишлари керак. Бола бирор сабаб (оч қолиш, қорин оғриши, массаж қилаёттан она қўлининг совуқлиги, беҳоллик - касаллик белгиси) туфайли машгулотни хушламаслиги мумкин. Бундай ҳодисаларда, иложи бўлса, болада машққа нисбатан ижобий қайфият пайдо қилиш зарур. Қаттиқ иситма билан ўтадиган касалликларда, тери ва лимфа тутунларидағи йирингли ва бошқа яллиғланиш касалликларида, киндик, сон, чов ва ёргок чукурчаси бўлганда гимнастика ва массаж қилиш мумкин эмас. 1 ёшгача бўлган болаларда одатда гимнастика массаж билан қўшиб олиб борилади.

Массаж пайтида қўллар тўқималарга таъсир қилиши туфайли тери, боғлам ва мускулларда ҳосил бўладиган импульслар бош мия пўстлоғига йўл олади. Шунда нерв-регулятор механизми яхшиланади. Массаж ва марказий ва вегетатив нерв системалар орқали бутун организмга катта таъсир этади: қон томирларни кенгайтиради, резервдаги қон томирларини очади, лимфалар оқимини тезлаштиради, шу билан мускуллар озиқланиши, уларнинг қайишқоқлигини ва қисқарувчанлигини яхшилайди, терини пўст ташлашдан ҳоли қиласди, ёғ ва тери безлари фаолиятини фаоллаштиради. Ундан ташқари, массаж пайтида терида оқсилларнинг парчаланиши туфайли юзага келадиган специфик моддалар ҳосил бўлади. Бу моддалар умумий қон айланиш доирасига тушиб, организмдаги умумий ва маҳаллий моддалар алмашувини кучайтиради. Массаж терида боланинг ўсиши учун жуда муҳим бўлган Д витаминининг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Чақалоқни ҳаракат малакаларига ўргатишда доимо ўзига алоҳида ёндошиши принципига амал қилиш лозим. Шу муносабат билан ота-оналар массажнинг турли усуулларини ўрганиб олишлари керак.

Силаш - болаларни парвариш қилишда энг кўп тарқалган массаж усулидир. Силаш учун қўл илиқ, қуруқ бўлиши керак. Оҳиста, бир маромомда, турлича куч билан босиб (аввал енгил, сўнг қаттикроқ, массаж охирида яна енгил) силанади. Мускулларни силаганда қўлни

унинг толалари бўйлаб, лимфа оқими йуналиши бўйича энг яқин жойдаги лимфа тугунига томон жилдирилади.

**Ишқалаш.** Бунинг силашдан фарқи шуки, бунда қўл массаж қилинадиган тери устидан сирпантириб юритилмайди, балки терини йифиб ёки чўзиб ишқаланади. Массаж ҳаракатлари исталган йўналишда бориши мумкин. Ишқалашни бармоқ болишчаси, бутун кафт қирраси билан бажариш мумкин. Оҳиста ишқаланади. Аввал силаб, сўнг ишқаланади, охири яна силаш билан якунланади.

**Уқалаш** - мускулларни чуқурроқ массаж қилиш учун ишлатилади. Мускуллар боғламини сұяқдан тортиб, бармоқлар орасида қисмланади. Бармоққа илиниши қийин мускуллар бош бармоқлар билан қисмлаб ҷўзилади. Боланинг елка, куймич ва сонидаги мускуллар кафтнинг юзаси, ички ёки кафт қирраси хиёл букилган бармоқлар ёрдамида қисқа, бир маромдаги зарб билан массаж қилинади. Она қўл бармоқларини эркин, енгил ҳаракат қилдирмоғи керак. Она массаж усуларини болалар консультацияси хонасида ўрганиши, уйда массажни патронаж ҳамшира назоратида ўтказиши мумкин. Болани ҳар куни массаж қилиш керак. Аввал фақат массаж қилинади, кейин галма-гал бир кун массаж, иккинчи кун гимнастика қилиш лозим.

Бола ўсиб борган сари массаж вақти қисқартириб, гимнастика вақти узайтириб борилади. Бола 5-6 ойлик бўлгач, массажни тўхтатиш мумкин.

**Рефлектор машқлар.** Бола ҳаётининг дастлабки ойларидан бошлаб, оёқ, қўл ва тана мускуларининг ривожи учун рефлектор машқлардан фойдаланилади, бу машқлар учун товон, елка, қўл териларининг таъсиrlанишига жавоб сифатида бажариладиган ҳаракатлар асос қилиб олинган.

Чақалоқ 2 ойлигида тери мускулларига хос рефлекслар асос қилиб олинган машқлардан фойдаланилади.

**Биринчи машқ** шундан иборатки, она чақалоқ товонининг четига яқин жойни бармоғи билан аста босади, унга жавобан бола оёқ бармоқларини буқади. Оёқ панжаси ва кафтини ташқи юзаси босилса, у бармоқларини ёзди.

**Кейинги машқ -рефлектор эмаклаш.** Бола қорни билан ётади. Она кафтини боланинг товонига тирайди, чақалоқ рефлектор тарзда оёғини чўзиб, онанинг ҳаракатсиз турган қўлидан итарилиб, олдинга эмаклагандек бўлади.

Гимнастика машқлари комплексига яна бир машқни - белни ёзиб керишиш машқини қўшмоқ лозим. Бола ўнг ёки чап ён боши билан ётқизилади. Она бир қўли билан унинг елкасидан тутиб туради, иккинчи қўлининг бош ва кўрсаткич бармоғини чақалоқнинг икки

биқини ва умуртқаси бўйлаб пастдан юқорига юргизади. Орқа мускул қисқарганда умуртқа поғонаси ёзилади.

Боланинг шу ёшида унда вазият рефлекслари - ёнбош, олд ва орқа-бўйин рефлекслари пайдо бўлади. Масалан, қорни билан ёки чалқанча ётган болани кафтда кўтарганда, у дарҳол бошини қайиради ва мувозанатни сақлаш учун оёқларини, тосини керакли томонга йўналтиради. Шу ҳаракат асосида у бўйин, қорин, орқа ва оёқ мускулларини тарапглаштиради.

3-4 ойлик ва ундан каттароқ болалар гимнастикаси комплексларига пассив машқларга ўхшаб, аста-секин улар пассив-актив машқлар билан алмаштириб борилади. Пассив машқлар мускулларнинг табиий ҳаракатларидан фойдаланиш учун қўлланилади, улар қўллар, сўнг оёқлардаги букувчи ва ёзувчи мускуллар тонуси бутунлай мувозонатлашгандан сўнг ўтказилади.

Гимнастикани хона ҳорорати 20-22 даражада, ёз пайтида деразани очиб ёки ҳовлида ўтказилади. Гимнастик машғулотлар ўтказилаётган пайтда бола ёнида онадан бошқа киши турмагани маъқул. Машқлар учун юмшоқ, тўрт қават буқланган адёл ёки мўъжаз паралон матрац, устидан клёнка ва чойшаб тўшалган столдан фойдаланиш мумкин.

Бола ҳаётининг дастлабки ойларида унга юпқа яктакча кийдириш мумкин, у кундалик машғулотларга ўрганиб борган сари гимнастика ва массажни уни кийинтирмасдан бажариш мумкин.

Машғулотларни бошлишдан олдин она қўлларини совунлаб ювиши (қўл совун бўлмасин), соат, узук ва бошқа нарсаларни ечиб қўйиш лозим. Машғулотлар вақтида болага ширин гапириб, эркалаб туриш, уни асло зўрламаслик лозим.

Пассив-актив ва актив машқлар пайтида санаб шуғулланиш, турлича енгил ўйинчоклар, ҳалқа, қалам таёқчалардан, копток ва бошқа нарсалардан фойдаланиш мумкин.

### **Жисмоний машғулотлар ва массаж**

1,5 ойликдан 3 ойликкача бўлган болалар билан қўйидаги машғулотлар олиб борилади.

7. *Кўлларни силаб массаж қилиш.* Чақалоқ чалқанча ётади. Она чап қўлининг катта бармоғини боланинг ўнг қўлига қўяди, ўнг қўлининг кафти билан боланинг қўлини панжадан елкага томон силаб массаж қиласди, ҳар бир массаж силаш билан тугалланади. Бундай ҳаракат боланинг ҳар бир қўлида 5-6 марта тақрорланади.

2. *Оёқларни силаб массаж қилиш.* Бола чалқанча ётади. Она чап қўли билан боланинг чап оёги томонидан бўшгина ушлаб туради, у

ўнг қўлининг кафти билан болдир ва соннинг ташқи томонини силайди. Қўлни товоңдан чов соҳасига томон юргизади. Оёқлар массаж қилинганда тизза кўзи атрофини енгилгина массаж қилиш керак. Жинсий органлар рецепторларини безовта этмаслик учун соннинг ички томонига массаж тавсия этилмайди. Ҳаракатлар ҳар бир оёқда 5-6 марта такрорланади.

3. Қоринни силаб массаж қилиш. Қоринни айлантириб силаб, массаж қиласди. Кафтни соат миллари йўналишида айлантирилади. Қориннинг тўғри мускулларини силаш учун она икки кафтини параллел равишда шу мускуллар проекцияси томонга кўяди. Унинг қўллари бир-бирига қарама-қарши йўналишида жилади. Ўнг қўли қовурга ёйи устидан, чап қўли эса қов битишмасидан юқори томонга ҳаракат қиласди. Қориндаги қийшиқ мускулларни массаж қилаётганда ҳаракат тос сугидан юқорига томон бошланади, охирида иккала қўл бармоқлари киндикдан юқорироқда учрашадиган бўлсин. Ҳаракат 3-4 марта бажарилади.

4. Қорин билан ётқизиш. Болани қорни билан ётқизиш. Агар бола бошини яхши тута олмаса, она унинг кўкраги тагига қўлини қўйиб туриши керак. Шу мақсадда кичкина болиш (филофланган паралон)дан фойдаланиш мумкин. Бола шу ҳолатда 15-20 секунд бўлади.

5. Орқани массаж қилиш. Бола қорни билан оёқларини онаси томонга узатиб ётади. Унинг орқасини кафт усти ва ичи билан думбадан елка томонга ва аксинча силанади. Агар бола бошини яхши тута олмаса, она бир қўлини унинг кўкраги тагига қўйиб, иккинчи қўли билан унинг орқасини силайди. Шу мақсадда кичкина болиш, буқланган йўргак, адёлдан фойдаланиш мумкин. Силаш 4-6 марта такрорланади.

6. Рефлектор эмаклаш. Бола қорни билан ётади, она кафтини оёқлари билан рефлектор равишида итариб сурилади. Бола ҳали бошини яхши тутиб олмаган бўлса, она иккинчи қўли билан уни кўкрагидан ушлаб туради, 1-3 марта такрорланади.

7. Оёқ кафти учун массаж ва машқлар. Оёқ панжаларини букиш ва ёзиш. Товоң терисига салгина босиш орқали оёқ панжалари рефлектор равишида ёздирилади. Ҳар оёқда 2-3 марта бажарилади. Сўнг оёқни силаб, массаж қилинади.

8. Белни рефлектор ёзиш. Орқани рефлектор равишида ёзиш. Бу машқ умуртқанинг рефлектор равишида ёзилишини вужудга келтиради. Машқ болани ёнламасига ётқизиб, бажарилади. Бош ва кўрсаткич бармоқ билан думғазадан бўйнигача умуртқа буйлаб силанганда, бола ўз-ўзидан баданини ёзади. Болани ўнг ва чап ёнбошига ётқизиб машқ бир мартадан бажарилади.

**9. Оёқ ва құлларни силаб массаж қилиш.** Құл ва оёқтарни силаб массаж қилиш юқорида күрсатылғанидек бажарилади.

З ойликдан 5 ойликкача бұлған болага массаж, рефлектар ва пассив машқұлар буюрилади. Бу даврдаги болалар билан күйидеги машғулотлар ұтказилади.

**1. Құллар массажи - ишқалаш.** Бола чалқанча ётади. Кичкінтойнинг ўнг құлини чап құл билан ушлаган ҳолда ўнг құли билан боланинг құлдан елкаси томон доирасимон ҳаракат қилиб ишқаланади. 4-6 марта тақрорланади. Сұнг боланинг иккінчи құлига ұтилади.

**2. Құлларни чалиштириш ва ён томонларга ёзиш.** Бола чалқанча ётади. Бу - пассив машқы. Гүдакнинг құлларини ушлаб турған онанинг катта бармоқтарини бола ушлаб олади. Она гүдакнинг құлларини аста-секін стол устига теккунға қадар өзади. Сұнг боланинг құлларини күкрап қафасини құчгунча ва параллел равища иккінчиси устига қүйиб яқынлаштыради. Құлларни ёиши маҳалида бола қаршилик құлмаслиги керак. Машқ бу йүсінде ұтказилғанда энг оддий нарсалардан фейдаланыш мүмкін: боланинг құлиға кичкина ұлқачалар, таёқча ва қоқазоларни ушлатып қўйиш мүмкін. Машқ 6-8 марта бажарилади.

**3. Оёқ массажи - уқалаш.** Бола чалқанча ётади. Унинг ўнг оёғи онасининг чап құли кафтida эркін қолатда ётади, онаси эса болдириңнің пастроғидан ушлаб туради. У ўнг құлининг учта бармоғи билан товондан юқорига қараб болдир ва сонни олдингі ҳамда ташқи томон пайларидан уқалайди. 4-6 марта тақрорлаш керак. Чап оёқ ўнг құл билан массаж қилинади.

**4. Оёқтарни жуфтлаб галма-галдан ийғиши ва ёзиш.** Оёқтарни букиш. Чалқанча ётган қолатда бажарилади. Боланинг оёқлари болдиридан тутиб турилади (күрсаткыч бармоқтар юқорида бұлади). Оёқтарни тизза ва чаноқ-сон бүғимларидан бараварига букиб, тиззалар аста қоринга тортилади, сұнг оёқлар чұзилади. Секін бажарилади. Машқ 4-9 марта тақрорланади.

**5. Қорин массажи.** Бола чалқанча ётади. Она құл бармоқтарини боланинг белиға құяди. Құлни қориндаги қийшиқ мускуллар бүйіча юқоридан пастта ва орқадан олдинга юргизиб, кафтларни қовуқ устида бирлашгунча юргизиш керак. Машқ 6-8 марта бажарилади.

**6. Күкрап массажи.** Бола чалқанча ётади. Бармоқтарни бүккән қолда күкрап ұтасидан қовурғалараро оралиқ бүйлаб биқинга томон юритилади, бу ҳаракат билан қовурғалар орасидаги мускуллар уқаланади. Қовурғаларни босиш ярамайды. Машқни ҳар бир қовурға орасида 2-3 марта тақрорлаш лозим.

**7. Орқадан қоринга ағдарилиши.** Бу она ёрдамида бажарилади. Она боланинг панжасини чап құли билан ушлаб, ўнг құли билан унинг

болдири тагига құяди, күрсаткіч бармоғи болдирлар орасыда турғани ҳолда бошқа бармоқтар билан оёқни тутади.

Аввалиға ўнг құли билан боланинг тосини айлантириб, сүңг унинг қулидан ушлаб, бироз ёрдамлашған ҳолда, боланинг ўзи қорнига айланып ётиб олишиға эришади. Бошқа томонға айлантирганда онанинг құл ҳолатлари ўрни ўзгаради. Ҳар бир томонға 1-2 мартадан айлантириб ётқизиш керак.

8. *Орқа массажи- үқалаш*. Бола құлини күкраги остига қўйиб, қорни билан ётади, боши ён томонға сал бурилған. Үқалацдан илгари орқа мускуллари узунасига ёки қўндалангига бироз силенади. Орқа мускулларни үқалаш пайтида кафт билан айланма ва илгариланма ҳаракатлар қилинади. Машқ енгил силаш билан 4-6 марта тақрорланади.

9. *Думбани массаж қилиш, шапатилаш*. Бола қорни билан ётади. Боланинг думбаси бармоқтар билан сал-пал чимчиланади. 8-10 марта тақрорланади.

10. *Белни букиш, эгилиш*. Бола қорни билан ётади. Она бир құли билан унинг оёқларини болдир-товор бўғими соҳасидан ушлаб, иккинчи құлини боланинг белига құяди, боланинг оёқларини столдан сал кўтаради, бошқа құли билан гавдасини босибрөқ туради. Белни жуда букиш юбормаслик керак. Машқ 4-6 марта тақрорланади.

11. *Эмаклаш (она кўмагида)*. Бола қорни билан ётади. Она боланинг оёқларини букади ва товоңларини кафтига тирайди, бошқа құлини унинг кўкраги остига қўяди, боланинг оёғи тагидан оҳиста итарған ҳолда уни эмаклашга ундейди. Она боланинг кўкрак остидаги құли билан унинг олдинга жилиши учун бироз кўмаклашади. Машқ 3-4 марта тақрорланади.

12. *"Парвоз қилиш"*. Бола онанинг құлида, оёқларини унинг кўкрагига тираб қорнини, кўкрагини паствга қилиб ётади. Она иккала құлини олдинга чўзиб, құлини столдан бироз кўтаради. Боланинг бу ҳолати белини рефлектор тарзда букишга, бошини орқага кўтариш ва оёқларини тўғри тутишга мажбур қиласади. Машқ 3-4 марта тақрорланади.

13. *Ўтириш ҳолатига ўтиш*. Она ёрдамида бажарилади. Бола чалқанча ётади. Она иккинчи құли билан боланинг бицинидан ушлаб, уни ўтиргандаги ҳолатга құяди, сүңг яна оҳиста чалқанча ётқизади. Ётқизаёттанды, құлни энса томонға ўтказиб, боланинг боши столга урилмаслиги учун уни ушлаб турмоқ керак. Бу машқ 2-4 марта тақрорланади.

Беш ойликдан олти ойликкача бўлган болаларда скелет мускулатураси тез ривожланади. Бунинг натижасида боланинг ўзи

мустақил ҳаракат қилиши учун имконият ҳосил бўлади. Машғулотларга пассив-актив машқларни киритиш зарур. Бу ёшдаги болалар билан машғулотлар қуйидаги тартибда олиб борилади.

1. *Қўлларни навбатма-навбат букиб-ёзиш, "бокс".* Бола чалқанча ётқизилади. Унга онанинг бош бармоғи ёки ҳалқа ушлатилади, сўнгра боланинг кафтидан бироз ушлаган ҳолда қўлларини букиб ёзилади. Машқ 6-8 марта бажарилади.

2. *Оёқни чўзиб, галма-гал кўтариши.* Бола чалқанча ётқизилади. Оёқлари тиззадан тўғри узатилган. Ўнг оёқнинг тиззасини ушлаган ҳолда чап оёқ қўмирлатмай турилади. Сўнг оёқларни тўғри бурчак ҳосил қўлгунча чаноқ-сон бўғимидан навбатма-навбат кўтарилади. Машқ ҳар бир оёқда 4-6 марта бажарилади.

3. *Оёқларни маҳкам узатган ҳолда ўтириши ҳолатига ўтиши.* Бола оёқларини онаси томонга узатиб, чалқанча ётади. Она қўлининг катта бармоғини боланинг қўлига туттиради, иккинчи қўли билан сонини ушлаб туради. Боланинг бармоқларидан ушлаган ҳолда, она оҳистагина ўзига тортиб, ўтиришга кўмаклашади. Сўнг аста-секин болани чалқанча ётқизади. Машқ 3-4 марта такрорланади.

4. *Чалқанча ётган ҳолатда чап ва ўнг томонга бурилиб, қорин билан ётқизиш.* Бола оёқларини онаси томонга чўзиб, чалқанча ётади. Она чап қўли билан боланинг қўлидан тутиб, ўнг қўлини пастандан болдири тагига кўяди, шунда унинг кўрсаткич бармоғи букилган болдирилар орасида туради. Она боланинг қўлидан оҳиста тортиб, уни қорни билан ётиб олишига кўмаклашади. Бошқа тарафга бурилганда онанинг қўл ҳолатлари алмашади. Машқ 1-2 марта такрорланади.

5. *Елкани олдинга ва орқага ҳаракатлантиши.* Машқ боланинг елкасидан ушлаб туриб бажарилади. Бола қорни билан қўлларини гавдаси ёнига чўзиб ётади. Боланинг елкаларидан тутганча, бироз кўкрагидан тортиб, она уни столдан сал кўтаради. Шунда бола бошини ўзи юқори кўтариб, елкаларини орқага қайтаради. Машқ 4-6 марта такрорланади.

6. *Оёқларни галма-галдан букиб, ёзиш.* Бола чалқанча ётади. Боланинг болдиридан тутиб (кўрсаткич бармоқ юқорида туради) оёқни галма-галдан, худди "велосипедчи" ҳаракатидек ёзиб, букилади. Машқ 6-8 марта такрорланади.

7. *Қўлларни буқмасдан галма-гал кўтариши.* Бола қўлларини гавдаси ёнига чўзганча чалқанча ётади. Она боланинг бармоқларидан ушлаб, буқмасдан қўли олдинга ва юқорига, токи столга текқунга қадар кўтарилади, сўнгра яна дастлабки ҳолатига қайtariladi. Қўлларни алмаштириб, машқ 6-8 марта такрорланади.

8. *Сирпанивчи қадамлар.* Бола чалқанча ётади, оёқлари тиззадан букилади, товони столга тегиб туради. Она боланинг болдиридан

тутган ҳолда унинг оёқларини стол устидан галма-галдан сирпанувчи ҳаракат қилдиради. Машқ 8-10 марта тақрорланади.

9. *Ўйинчоқлар турган томонга эмаклаш*. Бола қорни билан ётади. Она унинг олд томонига ўйинчоқ кўйиб, болани эмаклатмоқчи бўлади. Кўли билан боланинг товонига сал-пал итариб қўяди. 4-6 марта тақрорланади.

10. *Қўллар массажи*. Бола чалқанча ётади. Кичкинтойнинг ўнг қўлини чап қўли билан ушлаган ҳолда ўнг қўли билан боланинг қўлидан елкаси томон доирасимон ҳаракат қилиб ишқалайди. 4-6 марта тақрорланади. Сўнг боланинг иккинчи қўлига ўтилади.

11. *Оёқ массажи - уқалаш*. Бола чалқанча ётади. Унинг ўнг оёғи онасининг чап қўли кафтида эркин ҳолатда ётади, онаси эса болдирининг пастроғидан ушлаб туради. У ўнг қўлининг учта бармоғи билан товондан юқорига қараб болдир ва соннинг олдинги ҳамда ташқи томон пайларини уқалайди. 4-6 марта тақрорлаш керак. Чап оёғи ўнг қўл билан массаж қилинади.

Олти ойликдан тўққиз ойликкача бўлган болалар фаол ривожлана боради. У ўтириш ва туриш ҳолатларини ўрганади, тўрт оёқлаб эмаклайди. Ҳаракатлари тобора уйғун, бошқариладиган бўла боради. Машғулотларда пассив-актив ва актив гимнастик машқлардан фойдаланилади. Машғулот 12-15 минут давом этади.

Бу ўшдаги болалар билан машғулотлар қўйидаги тартибда олиб борилади.

1. Кўлларни навбатма-навбат букиш, ёзиш. Бола қўлида ҳалقا ушлаганча чалқанча ётади. Она ҳалқадан тутиб, боланинг тўғри турган қўлини навбатма-навбат олдинга кўтариб, туширади. Машқ 6-8 марта тақрорланади.

2. Иккала оёқни баравар кўтариш. Бола чалқанча ётади. Она боланинг тўғри чўзилган оёқларини болдир мускулидан катта бармоқлари билан ушлаб кўтаради, болдирни қоринга тортади, сўнг туширади. 4-6 марта тақрорланади.

3. Бирор ёрдамида ўтириш ҳолатини олиш. Бола чалқанча ётади. Она унинг икки билагидан тутиб ўтиришга ундейди. 2-3 марта тақрорланади.

4. Оёқларни ва гавдани кўтариш. Бола чалқанча ётади. Она боланинг болдиридан ушлайди, унинг катта бармоқлари болдир орқасида, бошқа бармоқлар тизза устида туради, болани стол устидан сал кўтаради. Бола тик қўли билан столга тиради. 1-2 марта тақрорланади.

5. Оёқларни айланма ҳаракат қилдириш. Бола чалқанча ётади. Она боланинг болдиридан ушлаган ҳолда оёқларини букади, сонларини қорнига тортади. Сўнгра оёқлари букилган ҳолда икки томонга ёзиб,

кейин түгрилайди ва олдинги ҳолатига қайтади. Машқ 3-4 марта тақрорланади.

6. Чалқанча ҳолатдан қоринга ағдарилиш. Бола чалқанча онага оёқ узаттан ҳолатда ётади. Она чап қўли билан боланинг билагидан тутиб, ўнг қўлини унинг болдири тагига қўяди, унинг кўрсаткич бармоқлари боланинг букилган болдири орасида туради. Қўлидан сал тортиб, кўмаклашгач, боланинг ўзи ағдарилиб олади. Бошқа томонга ағдарилганда онанинг қўл ҳолати ўзгаради. Ҳар томонга 1-2 марта тақрорланади.

7. Гавда ва оёқни кўтариш. Бола чалқанча ётади. Она ўнг қўли билан унинг тиззаларидан ушлайди, унинг катта бармоғи пастдан, бошқалари оёқ устидан тутади. Чап қўли билан боланинг белидан сал кўтаради, боланинг боши столга текканча туради. Машқ 1-2 марта бажарилади.

8. Интилиб, ўйинчоқ олиш. Бола ўтказиб қўйилади. Она қўлида рангдор, шиқилдоқ ўйинчоқни ушлаб туради ва болани уни олишга ундейди. 6-8 марта тақрорланади.

9. Ўйинчоқ томонга эмаклаш. Бола қорни билан ётади. Ўйинчоқлар ёйиб қўйилади. Улар аста-секин сурисиб турилади, шунда бола ўйинчоқни олиш учун у томонга эмаклайди. 6-8 марта тақрорланади.

Тўққиз ойликдан ўн икки ойликкача бўлган даврда боланинг ҳаракат фаоллиги ошади. Ўёнламасига анча дадил юра олади, олдинга юришга интилади ва тўрт оёқлаб эмаклайди. Бола гапга тушуна бошлийди, қийин бўлмаган топшириқларни бажара олади. Нарсалар (тўп, ҳалқа, таёқча) билан актив машқлар бажарилади. Машғулот пайтида ҳар доим бола билан сўзлашиб туриш керак. Машғулотлар 15 минут давом этиши керак. Бу ёшдаги болалар учун машғулотлар куйидаги тартибида ўтказилади.

1. Қўл билан айланма ҳаракат қилиш. Бола чалқанча ётади. Она боланинг билагидан тутиб, уни айланма ҳаракат қилдиради. 4-6 марта тақрорланади.

2. Оёқни тўғри чўзиб, кўтариш. Бола чалқанча ётади. Она рангли коптокни бола оёғи етадиган жойда ушлаб, болани унга оёқлари билан тегишга ундейди. 5-6 марта тақрорланади.

3. Чалқанча ётган жойда оёқлар билан юриш ҳаракатини қилиш. Боланинг оёқлари тиззадан букилган бўлади. Турганда юриш ҳаракати бажарилади. 10-12 марта бажарилади.

4. Тиззалаб туриш. Қорин билан ётган ҳолатда бажарилади. Она боланинг қўлидан тутиб, уни истаган оёғида тиззалаб туришга ундейди, сўнг қўлини юқори кўтариб, боланинг оёққа босишига кўмаклашади. 2-3 марта тақрорланади.

5. Ўтириб туриш. Она боланинг қўлтиғидан тутиб туради. Сал-пал ёрдамлашиб, уни ўтиришга, сўнг оёқларини тўғрилаб, оёққа босиб туришга ундаиди. 4-6 марта такрорланади.

6. Гавдани букиш. Бола онасига орқасини ўтириб туради. Она бир қўли билан уни ушлаб, иккинчи қўли билан боланинг типпа-тик турган оёқларини қучиб олади. Болани оёғи тагига ташланган ўйинчоқни эгилиб олишга ва ўрнидан туришга ундаиди. Машқ 3-4 марта такрорланади.

7. Ўтирган ҳолатда чап ва ўнг томонга бурилиш. Бола чап қўлини ўзидан четроқда қўйилган ўйинчоқни олиш учун чўзади. Шундан сўнг ўйинчоқ ўнг томонга олиб қўйилади, бола энди унга ўнг қўлини чўзиши керак. Шу машқни бажараётганда боланинг вазиятини кузатиш зарур: у тиззаларини бироз букиб ўтириши лозим. Машқ 5-6 марта такрорланади.

8. Белни букиш - "балиқча". Бола қорни билан ётади. Болага онаси қўлларини орқага - ён томонга чўзишга ёрдамлашади, шунда бола бошини олдинга ва юқорига кўтаради. Машқ 2-3 марта бажарилади.

9. Йўлкадан юриш. Онанинг қўлидан ёки таёқчадан ушлаган ҳолда бажарилади. Машқ 20-30 секунд бажарилади.

10. Мустақил ўтириб туриш. Болани кичикроқ стул суюнчиғи ёнига қўйиб, уни ушлатган ҳолда ўтиришга ундалади. Сўнг бола ўз ихтиёри билан туради. Машқ 3-4 марта такрорланади.

Агар бола чарчаб қолса, машғулотнинг охирида унинг оёғи, қўли, орқаси ва қорни массаж қилинади. Машқлар комплексидан болалар севиб, бемалол бажарадиган машқлар танлаб олинади. Вақти-вақти билан машқлар шаклини ҳамда навбатини алмаштириб туриш тавсия қилинади.

Бу айтгандардан ташқари шуни таъкидлаш керакки, массаж ва гимнастика болани совуқ ва иссиққа чидамли қиласди. Гимнастика машғулотлари вақтида боланинг нерв системаси ташқи мухитдаги ҳарорат ўзгаришларига мослашиб боради. Бола ечинтирилиб, гимнастика машғулотларига тайёрланганда, шунингдек, массаждан кейин ҳўл сочиқ билан бадани артилганда чиниқади. Мана шу ишлар бола организмида фойдали шартли рефлексларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради, бу рефлекслар болани совукдан сақлаш учун ўз-ўзидан муҳофаза этадиган ички ресурсларни тез сафарбар этишга хизмат қиласди.

### **Болалар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш**

Бир ёшгача бўлган болаларни тарбиялашнинг бу йўналиши ўз ичига қўйидаги вазифаларни олади.

1. Болаларни сенсор ривожлантириши.
2. Овоз реакцияларини ривожлантириш.
3. Нарсалар билан қилинадиган дастлабки ҳаракатларни ривожлантириб бориш.
4. Нутққа тайёргарлик босқичларини ривожлантириб бориш ва теварак -атроф билан таништириш.

Бола ҳәётининг биринчи ойларидан бошлабоқ унга ўз вақтида сенсор тарбия беришни ташкил этиш, яъни анализаторлар (сезги аъзолари) фаолиятининг тўлақонли ривожланиб боришини таъминлаш зарур.

Туғилиш вақтига келиб болада сезги аъзоларининг ҳаммаси ишлашга тайёр бўлади ва бошқа кўпгина нарсаларни сезади. Бироқ, сезги аъзоларининг фаолияти ҳали номукаммал бўлади, шунга кўра уларнинг ривожланиши учун шарт-шароит талаб этилади.

Боланинг кейинчалик ривожланиб бориши учун кўрув ва эшитув аъзоларининг фаолияти айниқса катта аҳамиятга эга.

Бир ёшгача бўлган болада кўрув ва идрокнинг ривожланиб бориши асосида ижобий хис-туйғулар (эмоциялар) ва ҳаракатлар шаклланади. Шунингдек, нутққа тайёрланиш босқичлари ривожланиб боради. Ҳәётининг биринчи ойларида кўрув ва эшитув аъзоларининг ривожланишида бирор хил ўзгаришлар юзага келса, боланинг умумий ривожланишига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин.

Бола туғилгандан кейин бир неча соат ўтгач, унинг кўрув майдонида ҳаракат қилаётган нарса томонига кўзларини қаратади олиши, аммо ўша нарсага кўз тикиб кузатиб бориш вақтида кўзнинг кўп чалғиб туриши аниқланган. Бола ҳәётининг 10-15-кунига келгандан кейингина ҳаракатланаётган нарсани кўрув майдонида бир мунча вақт тутиб турга олади.

Ҳаракатсиз нарсага кўз тикиб туриш лаёқати кузатиб боришдан кўра, кечроқ пайдо бўлади. Бола икки ойлик бўлган вақтдан бошлаб кўзгалмас нарсаларга тез-тез кўз тикиб, қараб тура олади. 2-3 ойлик бола уйғоқлик вақтида асосан дикқатини жалб этаётган нарсаларга қарашиб ва атрофидаги одамларнинг ҳаракатларини кузатиб ётиш билан банд бўлади. У аста-секин кўзгалмас нарсаларга кўз тикиб, қараб туришга ҳамда юзтубан қилиб (қорни билан) ётқизиб кўйилганида ёки катталарнинг қўлида гавдасини тик тутиб турган пайтида ҳаракатланаётган объектларни кузатиб боришига ўрганади.

4-5 ойлик бола у билан муносабатда бўлиб турадиган яқин одамларни таниб қолади. Бироқ, дастлабки вақтларда одамларни у ҳали аниқ танийвермайди. Масалан, онасини одатдаги кийимда бўлган пайтдагина танийди, агар онаси оқ халат кийиб олгудек бўлса, бола уни танимаслиги мумкин.

Ҳаётининг биринчи йили охирига келиб, кўриб фарқлаш малакалари анча нозиклашади. Болалар ўзи кўп ўйнайдиган ва сиртдан кескин ажралиб турадиган ўйинчоқларни ажратади, онасини энди фоторасмдан ҳам таний олади ва ҳоказо.

Эшитув анализаторининг фаолияти ҳам худди шу тариқа ривожланиб боради. Уч ҳафталик бола энди товушга қулоқ сола бошлайди. Икки ойлик бўлганда эса анча узоқроқ қулоқ бериб тинглайдиган бўлади, тўрт ойга тўлганда овоз манбаи томонига бошини буради, яъни товушнинг қаёқдан келаётганини яхши ажратади. Бола беш ойлик бўлиб қолганда, у энди эркалатиб ёки жеркиб қилинган муомалани билади. Тўққиз ойлик бўлганда мусиқага ҳар хил реакция кўрсатади: рақс мусиқага жавобан чақон ҳаракат қиласа, босиқ мусиқани қулоқ бериб тинглайди. Мана шуларнинг ҳаммаси энг мураккаб анализаторлар (кўрув ва эшитув анализаторлари)нинг фаолияти йил мобайнида ривожланиб боришини кўрсатади.

Бошқа анализаторлар - тактил, таъм билиш анализаторлари ҳам тез ривожланиб боради. Анализаторлар биринчи навбатда кўрув ва эшитув анализаторлари фаолиятининг ўз вақтида ривожланиб бориши учун маҳсус шарт-шароитлар яратиб бериш зарур.

Бир ёшгача бўлган бола нерв тизими ва сезги аъзоларининг тўғри ривожланиши учун зарур бўлган хилма-хил кўрув, эшитув, тактил таъсиrlарнинг асосий манбаи атрофдаги катта кишиларнинг бола билан қилиб турадиган муомласидир.

Қулоқ бериб тинглаш лаёқати (tinglash кўнимаси) ва эшитув қобилияти (товушларни эшитиш, идрок этиш ва бир-биридан ажратиш кўнимаси)ни ривожлантириш учун фақат бола билан гаплашиб туришдан ташқари 2,5-3 ойлик вақтидан бошлаб маҳсус машғулотлар ўтказиб бориши керак.

Гўдак дунёга келган дастлабки кундан бошлаб унда теварак-атрофни ўзлаштириб олишга йўналтирилган мўлжал олиш фаоллигини шакллантириб бориш керак. Дастлабки 2,5-3 ой ичida болани у билан гаплашаётган катта кишининг юзига тикилиб қарашга, йилтироқ ўйинчоқларга нигоҳ ташлашга, бир жойдан иккинчи жойга қўзғатиладиган буюмларни нигоҳ билан кузатишга, катта ёшли кишиларнинг сўзларига, ашулаларига, шиқилдоқнинг овозига, кўнғироқнинг жиринглашига ва бошқа буюмлардан чиқкан товушларга қулоқ солишга ўргатиб бориш керак.

Болада кўриб ва эшитиб мўлжал олиш реакцияларини ривожлантириб бориш мақсадида катталар ўз кулгиси, суҳбатлари, хатти-ҳаракатлари билан унинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб

бориши керак. Алоқага киришиш жараёнида болада тез орада уни парвариш қиласынан кишининг ташқи қиёфаси билан овози ўртасида кўриб-эшитиш алоқаси вужудга келади. Болалар муассасасида тарбиячи гоҳ у, гоҳ бу бола билан навбатма-навбат гаплашиб туриши, уларнинг тепасига келиб сұхбатлашиши ҳамда болаларда эмоционал жавоб реакцияси ҳосил қилишга интилиши уларда эшитиб ва қулоқ солиб, дикқатни бир ерга түплаш маҳоратини ривожлантириб бориши керак.

Болада эмоцияларнинг ўз вақтида пайдо бўлиши фақат алоқа билан боғлиқ, бўлиб қолмай, балки болада кўриб, эшитиб, сезиб ҳосил қилинадиган таассуротлар билан ҳам боғлиқдир. Объектларни идрок этишда қанчалик кўп анализаторлар иштирок этса, бола улар тўғрисида шунчалик кўп ахборот олади. Шунинг учун ҳам гўдак ҳайётининг дастлабки кунидан бошлаб, уларда кўриш-эшитиш алоқасини маҳсус ўтказиладиган машғулотлар ёрдамида шакллантириб бориш керак.

Болалар эгаллаб олиши керак бўлган дастлабки хатти-ҳаракатлар қўйидагилардан иборат бўлиши керак: болалар объектларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчирилишини нигоҳ билан кузата билишлари, ўша нарсага кўзларини узмасдан тикилиб турла олишлари, пайдо бўлган товушга нисбатан (тормозланиш ёки қўзғалиш реакцияси билан) жавоб қайтаришлари, кейин эса ўша товуш манбай томон бошларини бура билишлари керак.

Бола бир ойлик бўлгандан кейин унда кўриб мўлжал олиш реакциясини ривожлантириш учун ҳар куни уйғоқлик вақтида болага 1-2 минут мобайнида йирик (диаметри 10 см гача бўлган) ялтироқ ўйинчоқ, (унинг кўзидан 50 см масофада туриб) кўрсатилади. Ўйинчоқлар турли йўналишларда ўнгта, чапга, юқорига, пастга қараб ҳаракатлантирилади. Кўзидан 30 см дан то 70 см масофагача ўша предметни узоқлаштириб ва яна яқинлаштириб болани ўйнатилади. Аста-секин сакратма ҳаракатлар оҳиста ҳаракатлар билан алмаштирилади, бу билан кўзнинг координацияланган ҳаракатлар қилиш қобилияти ривожлантирилади. Боланинг предметни кузатиши аниқ-равшан бўлиб қолгач, энди унда ўз нигоҳини ўйинчоқларга қаратган ҳолда дикқат-эътиборни бир ерга түплаш маҳорати шакллантирилади. Бунинг учун бир жойдан иккинчи жойга қўзғатиб туриладиган ўйинчоқларни вақти-вақти билан ҳаракатдан тўхтатиб қимирлатмай турилади, бунда болага дикқат билан кўриб олиш имконияти яратилади. Ушбу машғулотлардан кейин ўйинчоқни қараб томоша қилиб ётиши учун боланинг тепасига осиб қўйилади.

Гўдак 2-2,5 ойлик бўлгунинга қадар ўйинчоқни кўкраги тепасига

50 см.дан кам бўлмаган баландликда осиб қўйилади. Акс ҳолда боланинг кўзлари филай бўлиб қолиши мумкин. Вақти-вақти билан ўша осиб қўйилган ўйинчоқни тебратиб қўйиш ва гўдакни мана шу тебранаётган, чапга ва ўнгга бориб келаётган ёки айланётган ўйинчоқни кузатишга ўргатиб бориш зарур. Ўйинчоқни бола очиқ ҳавода ухлаш учун фойдаланадиган аравачага ҳар доим осиб қўймаслик керак. Ўйинчоқда кўпроқ дикқат-эътиборни жалб қилиш учун уларни ҳар 2-3 кунда алмаштириб туриш керак. Бунинг учун боланинг тепасига осиб қўйиш учун ҳар хил рангда ва турли шакллардаги йирик ўйинчоқ бўлиши тавсия этилади.

Уч ойлик бўлган бола энди фақат ўз яқинида турган предметларни ҳам нигоҳи билан таниб, уларга дикқат-эътиборини қарата олади. Шунинг учун манеждан унча узоқ бўлмаган жойга катта-катта сюжетли ўйинчоқларни (бир томонга масалан, қўғирчоқларни, иккинчи томонга айиқполвонни) жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Эшитиб мўлжал олиш реакцияларини ривожлантириш учун катталар болани дастлабки кунлардан бошлабоқ одамнинг овозини, шиқилдоқларнинг товушини эшитишга, уларга қулоқ солишига ўргатиб бориши керак. Гўдак дастлаб ўз рӯпарасида, яъни ўзи кўриб турган катта ўшли кишининг овозини эшитиб унга эмоционал жавоб беришга ўрганади, кейинчалик эса, икки ойлик бўлганидан сўнг ўзига таниш овозни эшитганида суюниб кетадиган, бошини ўша томонга қараб бурадиган бўлади.

Эшитиш реакциясини ривожлантириш учун шиқилдоқлардан, овоз чиқаридиган қўғирчоқ-ўйинчоқлардан ҳам фойдаланиш лозим. Бола эмоционал жиҳатдан мувозанат ҳолатида бўлган вақтида тахминан 50 см масофадан туриб 5-10 секунд мобайнида шиқилдоқ ўйинчоқлар шиқиллатилади ҳамда болада мана шу товушга нисбатан жавоб реакцияси пайдо қилинади, товуш чиқиши билан бола харакат қилишдан тўхтаб, товушга қулоқ солади. Товуш манбайнин қидириш вақтида кўриб мўлжал олиш реакциясини ривожлантирувчи машғулотларни болада фақат жойи алмаштирилаётган предметларни нигоҳи билан кузатиб бориш маҳорати пайдо бўлганидан кейингина эмас, балки у ўша предметларга қараб дикқатини бир жойга тўплай олишни ўргангандан пайтдан бошлаб ўтказиш лозим.

Икки ойлик бўлган боланинг дикқатини товуш келган томонни қидиришга жалб этиш, ўзидан 40-50 см узоқликдаги шиқилдоқни қўзи билан қидириб топиш учун шиқилдоқ чалиб, бошини ўша томонга буришга ўргатиб бориши керак. Шу мақсадда йилтироқ ўйинчоқлар (қўнгироқча, унча катта бўлмаган бубен) билан машғулот

ұтказилади: үйинчоқни боланинг кўзи тушиб туралған масофада бир неча марта жойини алмаштириб ҳар сафар ўша үйинчоқдан товуш чиқарилади. Бир кунда икки маҳал (5 минутта) ұтказиладиган бундай машғулотларда овоз чиқаралған үйинчоқ ҳар сафар боланинг тепасидаги бир хил жойларда пайдо бўлиши ҳамда бир жойдан иккинчи жойга ұтказишда ҳам ҳамиша горизонтал йўналишда бир томонга қараб ҳаракатлантирилиши керак.

Бола яқин масофадаги товуш чиқаётган предметларнинг жойи алмашинишини қузатиб боришни ўрганиб олганидан кейин унга товуш чиқаётган ва боладан узоқлашиб бораётган обьектни нигоҳи билан қузатиш ўргатилади. Була қўнғироқни чалиб, бубенга уриб ёки ашупа айтиб бола диққатини жалб қилиб, манеж атрофи айланиб чиқилади.

Бола 2-2,5 ойлик бўлганидан кейин үйинчоқларни унинг қўли етадиган масофада кўкраклари тепасига осиб қўйилади. Бола жуда кўп питир-питир ҳаракатларни бажариб, қўлларини турли томонларга силкитиб, дастлаб осиб қўйилган үйинчоқларга тасодифан тегиб кетади. Аста-секин болада кўриш ва тактил анализаторлари ўртасида алоқа шаклланади, қўлларнинг аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатлари ривожланади - у осиғлиқ турган үйинчоқни ушлаб олишга интилади. Бундай ҳолатларда боланинг қўлчасига үйинчоқни ушлаш учун қулай бўлган тутқични яқинлаштирилади. Бу билан болада фақат предметни ушлаб олишнингина эмас, шу билан бирга предметни кўлда ушлаб туриш маҳорати ҳам шакллантирилади.

### Овоз реакцияларининг ривожланиши

Катталарнинг бола билан алоқага киришиши тилга киришнинг тайёргарлик босқичини ривожлантириш, нутқ тинглаш ва дастлабки нутқ товушларини шакллантириш учун доимий аҳамиятта эга бўлади.

Дастлабки пайтда болада "ти-ги", "қи-қи" сингари аниқ-аниқ (гув-гувлашга ўхшаган) товушлар пайдо бўлади. Икки ойлик бўла бошлагач, у унли товушларни ҳам талаффуз қила бошлайди. Бундай товушлар жуфт-жуфт бўлиб, "аа", "ау" сингари бириккан товушлар сифатида шаклланади ва ҳоказо. Бундай товуш реакциялари доимий равища ривожланиб борадиган "жонланиш комплекси" жараёнида (бола уч ойликка қадам қўйганида) ўша комплекснинг таркибий қисми сифатида жадал равища ривожлана бошлайди.

Катталардан бири болага энгашиб унли товушларни, баъзи бир сўзларни аниқ-равшан талаффуз қилиб, уларни интонация жиҳатидан бир-биридан ажратиб болада овоз реакцияларининг фаоллашишпига ёрдам беради. Шуни таъкидлаб ўтиш мухимки, катталарнинг

интоацион ифодали овозига бола жуда эрта ўрганади ва унга эмоционал жавоб қайтара бошлайды. Биринчи навбатда болалар ўзларига яқин бўлган катта ёшли кишилар билан алоқага киришиш вақтида кўпроқ ишлатиладиган интоацияларни ўзлаштириб оладилар. Бола уч ойлик пайтига келиб унли (оҳангли) товушлар боланинг катталар билан алоқага киришиш воситасига айланниб қолиши мумкин. Бу ҳол албатта, товушларнинг интоацион ифодалилиги туфайлигина юз беради.

Катталар бола ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлаб унга энг оддий, лекин ифодали куйларни, аллаларни, қўшиқарни айтиб берадилар, бунда улар болада эшишиб, мўлжал олиш реакциясини ҳосил қилишга, куй-оҳангларни тинглашга, унга нисбатан эмоционал жавоб қайтаришни ўргатишга уринадилар. Худди шу мақсадда тарбиячи ёки она шиқилдоқни, қўнғироқни маълум куй-оҳангиди шиқиллатади, болада товуш келаётган томонга жавоб реакциясини беришга ҳаракат қиласи. Октава даражасида юқори ва паст товушлардан ҳам худди шу мақсадда фойдаланиш мумкин. Болани товуш манбанини қидириб топишга рағбатлантириш мақсадида мусиқа асбоби турган жойни ўзгартириб кўйиш лозим. Қулоқ солиб эшитиш учун осойишта ижро этиладиган алла қўшиқлари ҳамда рақс куйлари танланади. Бундай машғулотлар кичкингойларда мусиқани фарқ қила билиш маҳоратини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

### Уч ойликдан олти ойликкача бўлган даврда

Сенсор ривожланишни давом эттириш - эшишиб ва кўриб фарқлаш қобилиятини такомиллаштириш (товуш манбанини қидириб топиш, ўзига яқин кишилар овозини бегоналар овозидан фарқ қилиш ва бошқалар), шунингдек, буюмлар билан ҳаракат қила олиш малакасини шакллантириш (катталар қўлидан ўйинчоқни ола билиш, ўша ўйинчоқларни ҳар хил ҳолатларда туриб ола билиш, улар билан ўйнаш) алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Уч ойликдан олти ойликкача бўлган болаларга ақлий тарбия бериш катталарнинг у билан алоқага киришишида, барча кун тартиби давомида ҳамда ўйин характерига эга бўлган маҳсус машғулотларда амалга ошириб борилади.

Болалар билан машғулотларни улар кўпроқ фаоллик кўрсатадиган ўйғоқлик вақтининг бошида ўтказиш лозим. Мактабгача болалар муассасаларида ўйғоқ бўлиш вақтининг иккинчи ва учинчи қисмларидан машғулот ўтказиш учун фойдаланилади. Битта машғулотда бир нечта тарбия вазифалари масалан, эшишиб ва кўриб идрок этишини ривожлантириш ҳал қилиниши мумкин.

Бола ўз нигоҳи билан ҳаракатсиз нарсаларни илғаб олиш имкониятига эга бўлиши учун ўша нарсаларни фақат чалқанча ётганда эмас, балки катта ёшли кишилар кўлида вертикал ҳолатда бўлганда ҳам бир жойдан иккинчи жойга кўчирилишини кузатиш учун зарур шарт-шароитларни яратишни давом эттириш керак.

Бола тўрт ойлик бўлганида эшитиб, мўлжал олиш реакцияларини ҳаракатнинг таркибий қислари билан тўлдирилади. Катталарнинг овозини ёки шиқилдоқнинг товушини эшитган гўдак энди фақат бошини ўша томонга буриб қолмай, балки бутун гавдаси билан аввал ёнбошга, кейин эса ағдарилиб қорнига ётиб олади. У ўз нигоҳи билан гапираётган кишини ёки товуш чиқараётган нарсаларни қидира бошлайди.

Кўриб-эшитиб алоқа ўрнатиш реакциясини яна ҳам мустаҳкамлаш учун маҳсус машғулотлар ўtkазилади. Масалан, боланинг исмини айтиб чақирилади, бола бошини буриб қарагач, у билан гаплашиб, ўйинчоқлар кўрсатилади, ҳис-туйғу ҳосил қилинади. Бола осонлик билан товуш манбанин қидириб топа оладиган бўлиб қолгач, мўлжал олиш реакциясини ривожлантириш мақсадида у билан катталар орасидаги масофани яна ҳам ошириш имконияти туғилади. Ўйинчоқни шиқиллатиб чиқарилган товуш оҳангига боланинг эътиборини қаратиш фойдалидир, бола бошини товуш келган томонга бурганидан кейин ўйинчоқни унга яқинлаштириб томоша қилишга имкон берилади, кейин унинг кўлига бериб қўйилади.

Беш ойлик бўлган бола онасини таний бошлайди, таниш ва нотаниш кишиларни кўрганида уларга турлича муносабатда бўлади, лекин онасини кўрган заҳоти яйраб, қувнаб кетади. Гўдак бегона кишиларнинг гапларига ҳам қулоқ солади ва уларни ҳам кузатади. Бу вақтга келиб болада янги вазиятда мўлжал олиш реакцияси пайдо бўлади. Янгиликка бўлган реакция ҳар доим ҳам болада ижобий эмоция уйғотавермайди, баъзан ўзига нотаниш киши гапирса ёки уни қўлига олса, йифлаб юбориши мумкин. Бегона кишига алоҳида муносабат билдирилмай, ўзини вазмин тутиши ҳам мумкин. Бу ерда ҳамма гап бегона киши болада қандай ҳис-туйғу ҳосил қила олишига боғлиқдир. Одатда болалар турли интонацияларга тегишли равишда жавоб берадилар, қатъий оҳангда гапирилганда ҳаракатларини секинлаштирадилар, гапга қулоқ соладилар, эркалаш оҳангидаги гапларни эшитганда эса жонланиб кетадилар, жилмайиб куладилар, қуончли товушлар чиқариб жавоб қайтарадилар.

Боладаги нутқ тинглаш, эшитиб диққатни тўплаш (гапга қулоқ солиш) ҳамда тинглаб дифференцировка қила билишни (яъни товушларни тинглаш, идрок этиш ва бир-биридан фарқ қилиш

малакасини) ривожлантириш учун катталар болага мурожаат қилаётіб, ҳар хил товушшырни ва сұзларни түрли оқангларда талаффуз қылмоги керак.

Фаол нутқнинг тайёргарлик босқичини ривожлантириш учун бола 4-5 ойлик бўлиши билан унда овоз чиқариб, катталар, дикқат-эътиборини ўзига қаратиш истагини ҳосил қилиш мұхим. Агар катта ёшли кишилар гўдакнинг овозига жавоб берсалар, у билан алоқа ўрнатишга, гаплашишига ҳаракат қисалар, гўдакдаги овоз реакциялари унинг катталар билан алоқага киришиш воситасига айланади, уларга нисбатан катта қизиқиши уйғотиб, болани рағбатлантиради. Овоз реакцияларини ривожлантириш учун бола билан индивидуал ўйин-машғулотлар ўтказиш зарур. Машғулотлар 3 минутдан 6 минутгача давом этиши мумкин. Бу тарбиячи фойдаланадиган усулларнинг ранг-баранглигига ҳамда машғулот характеристига боғлиқ бўлади. Масалан, ўйинчоқларни кўрсатмай ёки шиқиллатмай ўтказиладиган эркаловчи суҳбатдан иборат машғулотлар 3 минутдан ортиқ давом этмаслиги мумкин.

Индивидуал тарзда машғулот ўтказиш учун бола йўргакланадиган стоддан фойдаланиш мумкин. Машғулот пайтида болаларнинг иш қобилиятини оширадиган, биринчи навбатда шовқин-суронсиз шароитни яратишга ҳаракат қилиш керак.

Тарбиячи ёки онанинг лаб ҳаракатини бола кўриши ва тўғри артикуляциясини тушуниши учун она ёки тарбиячи товуш ва бўғинларни болага зингашган ҳолатда талаффуз қиласди. Беш ойликдан кичик болалар билан шугулланыётган тарбиячи асосан унли товушлардан иборат нутқ намуналаридан фойдаланади, ундан каттароқ болалар билан шугулланганда эса ундош товушларни "м", "б", "п" товушларни ўз ичига олган бўғинларни ишлатади (масалан, "ма-ма-ма" ёки "ба-ба-ба" ва ҳоказо). Бунинг учун кичик-кичик лекин ифодали куй, оқанг, қўшиқлар, эрмак ва ўйинлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Товуш ёки бўғинларни талаффуз қилгандан кейин албатта пауза бериш керак. Пауза пайтида тарбиячи жим қолиб, болага "жавоб қайтариш" алоқага киришиш имконини беради.

Машғулотнинг иккинчи қисмида болага гапириб туриб ўйинчоқлар кўрсатилади ёки чолғу асбоби чалинади. Лекин машғулотнинг бу қисмида ҳам ўйинчоқлар кўрсатилганидан ва чолғу асбоби эштийогидан кейин пауза қилиш керак. Бу болани жавоб ҳаракатлари қилишга, нутқ реакцияларига рағбатлантиради. Агар бундай реакциялар пайдо бўлса, гўдак билан алоқага киришиб, у билан гаплашишига ҳаракат қилиш лозим. Бола товуш чиқарса ёки бўғинни талаффуз эта олса, тарбиячи уни дарҳол "илиб олади", яъни кичкинтой айттан товуш ёки бўғинни ўша заҳоти такрорлайди. Бунда

алоқага эмоционал тус бериб, боладаги нутқ реакциясини фаоллаштиради. Она ёки тарбиячи болани тили келишиб қолган товуш ёки бүғинни бир неча марта тақрорлашга рағбатлантиради ва бу билан кичкінші малакасини мустақамлайды. Машғулот охирида янги нутқ намуналари ўргатилмайды, она ёки тарбиячи болани әркалада мұомалада бўлади ва унда қувноқ хамда осойишта ҳолатни вужудга келтиришга ҳаракат қиласи. Боланинг уйғоқ бўлган пайтида аниқ мақсадни кўзлаб ўргатиб борилса, бола ўз овоз реакцияларини такомиллаштиради, жим бўлиб талаффуз этилаётган товушларга қулоқ солиб гув-гувлаб овоз чиқаради. Боланинг уйғоқ вақтини ташкил этишда унда қувноқ кайфият яратишга ҳаракат қилиш зарур. Бундай кайфиятга фақат яхши парвариш қилишгина эмас балки, меҳрибонлик кўрсатиб уни әркалаш, ширин мұомала қилиш орқали эришилади. Болалар тетик ва қувноқ бўлиб ўссаларгина, уларнинг бутун ҳаётий фаолият жараёнлари янада фаолроқ кечади.

Агар катта ёшли кишилар боланинг уйғоқ вақтини тўғри ташкил этсалар, 4-5 ойлик бола ўз вақтининг кўп қисмини қувноқ ўтказади. Болани бирор нарса безовта қиласа ёки унинг кун тартиби бузилса, қичқириб йиглаши мумкин. Лекин кўпинча бундай салбий эмоциялар бирор бир ҳаракатни бажариш кўлидан келмайтганлиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, бола бирор нарсага интилиб унга бўйи етмаса, бирор ўйинчоқни оламан, деб ололмаса ҳам шундай салбий ҳис-туйғулар пайдо бўлиши мумкин.

Катталарнинг бола билан эмоционал алоқада бўлиш даражаси кичкіншійнинг жисмоний ва психик жиҳатдан бекаму-кўст ривожланишига таъсир кўрсатади. Бола қаттиқ қийқириб кула бошлайди, энди у фақат олдида катта одам бўлган вақтдагина эмас, хатто узоқдан унинг овозини эшитса ёки келаётганини кўрса ҳам ўз қувончини изҳор этиб қийқиради. Тўрт ойлик гўдакда ижобий эмоционал реакциялар комплекси тез-тез ва ҳатто катталарнинг маҳсус таъсир кўрсатишисиз ҳам пайдо бўлади, бола ўз рўпарасида турган ўйинчоқни кўрганда ҳам қувониб кетади. Манеждаги бола ўзи билан ёнма-ён шу ерда бўлган тенгдошига қараб кула бошлайди. Бола энди ўзидағи эмоционал реакциялар (жилмайиб кулиш, актив ҳаракат қилиш локализацияси, яъни гу-гулаб ҳар хил оҳанглар чиқара олиш) дан катталар билан алоқага киришиш ёки уларнинг дикқат-эътиборини ўзига тортиш учун тобора кўпроқ фойдалана бошлайди.

### Предметлар билан қилинадиган ҳаракатларни ривожлантариш

Анализатор (ҳис-туйғу органлари)нинг ўз вақтида ривожланиши болага ташқи дунё билан тобора янги-янги алоқалар ўрнатишида,

умумий ҳаракатларни шакллантиришда ҳамда құлларини мақсадни күзлаб ҳаракатлантиришга ўрганишда ёрдам беради. Идрокнинг предметлилиги болани нарсалар билан энг оддий ҳаракатларни бажарып - уларни ушлаб олишпа ва у ёки бу ёқса суреб үйнаши жараёнида ривожланиб боради. Уч ойлик бұлған гүдак құли билан иккінчисини ушлаб күра бошлайди, үз таглигини, адёlinи, сочарини ва бошқа нарсаларни ушлаб, юлқиб торта бошлайди.

2 ойлик бұлған гүдак үйинчоқларига гүё тасодифан тегиб кетаётганидек бұлиб туолса, у 3-4 ойлик бұлғач, үйинчоқларни күрганида құлни узатади, құли үйинчоқларга текканида унда хузур бағишлоғочи ҳис-туйғулар ҳосил бўлади. У мана шу ҳис-туйғуларга сабаб бўлған ҳаракатларни қайта тақрорлашга уринади.

Предметлар билан қилинадиган ҳаракатларни ривожлантириш учун боланинг кундузги уйғоқ бўлиш вақтининг ҳар бир қисмiga қўкраги тепасига (10-15 см баландлиқда) үйинчоқлар осиб қўйишни давом эттириш керак. Улар боланинг ушлаб олиши учун қулай бўлған резинадан, пластмассадан, ёғочдан ясалган ҳалқа ва үйинчоқлар бўлиши мумкин. Тўрт ойликдан бошлаб үйинчоқларни унинг құли етадиган баландлиқка осиб қўйилади.

Болага бир йўла бир қанча үйинчоқларни бермаслик керак. Кўриб томоша қиласидиган ва қўлга олиб үйналадиган үйинчоқларни ҳар 2-3 кунда алмаштириб туриш керак. Ҳаракатларни мураккаблаштириш мақсадида кўпроқ мослик талаб қилинадиган үйинчоқларни бериш ҳам мумкин (масалан, ҳар хил шаклдаги шиқилдоқлар, осиб қўйиладиган үйинчоқлар ва ҳоказо). Гўдак ҳар хил тактил ҳис-туйғулар ҳосил қилиши учун унинг қўлига ушлаб кўриши учун ҳар хил материаллардан ясалган үйинчоқлар берилади.

4-5 ойлик бола ранги ва шакли бир-биридан фарқ қиласидиган үйинчоқларга тобора фаолроқ бўлиб боради. Бу ёшдаги гүдак фалати товуш чиқараёттан шиқилдоққа энди тасодифан тегиб кетмай, балки аниқ мақсадни күзлаган ҳолда уни ушлаб кўради ва қўлига олиб үйнамоқчи бўлади. Айрим үйинчоқлар боланинг ён томонига қўйилади. Ёнида ётган шиқилдоқни олиш учун гўдак ён бошига ағдарилишишга, кейин эса қорни билан ётиб олишга ҳаракат қиласиди. Шу тариқа у ҳар қандай ҳолатда бўлганида ҳам қўлларини ҳар томонга узатиш малакасини тезда эгаллаб олади.

Гўдак үйинчоқларни пайпаслаш ва маҳкам ушлаб олиш малакасини эгаллаб олганидан кейин уни кўкраги устидан ушлаб турилган шиқилдоқни олишга ўргатилади. Бунинг учун ёқимли оҳангда куй таратадиган, ушлайдиган жойи қулай бўлған шиқилдоқлардан фойдаланилса яхши бўлади. Бола олти ойлик бўлганида қўлига

ўйинчоқни олиб, уларни баравар ушлаб тура олиши керак. Бола нарсаларни құлға олиш ва құлида ушлаб туриш малакасини эгаллаб олғач, 5-6 ойликдан бошлаб уларнинг тепасига ўйинчоқларни осиб қўймаса ҳам бўлаверади. Бундай машғулотлар болаларнинг қўл ҳаракатларини ривожлантиришга, уларни нарсаларнинг айрим хусусиятлари билан таништиришга ёрдам берибгина қолмай, балки уларни уйғоқ вақтларини мустақил ўтказишга ҳам ўргатади, уларда қатъият ва матонат каби иродавий сифатларни ривожлантириш учун замин яратади. Агар боланинг уйғоқ вақти тўғри ташкил этилса ва унинг ўйинчоқлар билан ҳаракат қилиши учун етарли имконият яратилса, унда бაъзи болаларда учраб турадиган бармоқ сўриш сингари салбий одатлар шаклланишининг олди олинган бўлади, одатда ўзини-ўзи иш билан машғул қила оладиган болалар бармоқларини сўрмайдилар.

Нарсалар билан ҳаракат қила олиш малакасини ривожлантиришда боланинг қўлига ушлаб туриши учун ҳалқачалар, тутқичлар, ўйинчоқлар, шарчалар, сирти нотекис эканлиги пайпасланганда сезиладиган узунчоқ ўйинчоқларни бериш, ҳар хил матолардан, ёғочдан, пластмассадан тайёрланган ўйинчоқлар тутиш, боланинг қўлига навбатма-навбат гоҳ катта, гоҳ кичик шаклдагисини ва бошқа шунга ўхшащ шакли бир хил, лекин ушлаган вақтда катта-кичиклиги билан бир-биридан фарқ қиласидиган нарсалар бериш, овоз чиқариш учун кўп куч талаб қиласидиган ҳар хил чийилдоқ ўйинчоқлар тутқазиш, туфайли юмшоқ материалдан ичига шиқилдоқлар солиб тайёрланган шарчалар, резинадан ёки қаттиқ-юмшоқлиги турлича бўлган пластмассадан тайёрланган коптокча-шарчалар бериш фойдалидир. Бола уларни аввалига тасодифан, кейин эса бирор мақсадни кўзлаб қўлига олади, томоша қиласи (4-5 ойликдан бошлаб) уларни қўли билан эзib, букиб ўйнай бошлайди. Қорни билан ётқизиб қўйлган боланинг олдига ҳар хил латта-путталарни ташлаб қўйиш керак, унинг ўйинчоқларни томоша қилиши ва уларга қараб интилиши, кучи етганча ҳаракат қилиб, уларни қўлига олишга ҳаракат қилиши учун гўдакнинг рўпарасига каттакон сержило ўйинчоқларни жойлаштириш лозим. Бундай ўйинчоқлар билан ўтказиладиган машғулотлар катталар назорати остида амалга оширилади. Ўйин машғулотлари вақтида гўдакка исмими айтиб, унга ўйинчоқ кўрсатилади ва унинг номи айтилади. Ўйинчоқларни қўлға олишни ва уни ушлаб туришни ўрганиб олган гўдак мустақил равицида уни қўлдан-қўлига олиб томонга қиласи, силкитади, Қаттиқ ерга уриб тақиллатади. Ана шундай ўйинлар жараёнида бола нарсаларнинг хусусиятларини билиб боради. Шунингдек лиқиуллатиб бола унинг

товуш чиқариш хусусиятини англайди, үз ҳаракатларини қайта-қайта тақрорлаб, үйинчоқдаги үша хусусиятнинг пайдо бўлишини (яъни унинг товуш чиқаришини) кута бошлайди. Катталар гўдакнинг мустақил ўйнаб ўтирадиган вақтини ташкил этар эканлар, ҳар бир болага ёшига хос малакасининг ривожланиш даражасига мувофиқ келадиган ўйинчоқлар беришлари лозим бўлади. Бунда ўйинчоқлар манежнинг бутун майдони бўйлаб бир текис жойлаштириб чиқилади, болаларнинг эса бир-бирларига ҳалақит бермасликлари кузатиб турилади. Болаларга ақлий тарбия беришда уларни парвариш қилишдаги барча фурсатлардан фойдаланиш лозим. Масалан, болани кийинтираётганда, уни вертикал ҳолатда кўтариб туриш. Гўдакни манежда ётган вақтида кўриши мумкин бўлмаган нарсаларга яқин олиб келиб, уларни кўрсатиш ва ҳоказо. Шу тариқа тарбиячи, она кичкинтойларнинг ҳиссий тажрибаларини бойитиб боради.

### **Олти ойликдан тўққиз ойликкача бўлган давр**

Мазкур ёш даври давомида болаларнинг жисмоний ва невропсихик ривожланишига улар томонидан асосий ҳаракатларни ўз вақтида эгаллаб олиниши алоҳида таъсир кўрсатади. Бола аввалига (етти ойлик бўлганида) эмаклашга ваундан кейин (8 ойлик бўлганида) мустақил равишда ўтиришга ўргана бошлиши, ўтириши, ўтирган ҳолда яна ётиб олишга ўрганиши фойдали ва мақсадга мувофиқ ишдир.

Илгаригидек бу даврда ҳам нутқ реакцияларини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Бу ёшдаги болаларда катталарнинг гапини тушуниш, нутқ малакалари шакллана бошлайди.

Бу ёшдаги болаларнинг предметлар билан бажариладиган ҳаракатлари бундан олдинги ёшларига қараганда ҳийла мураккаброқ бўлиб қолади. Бундай ҳаракатларнинг ўзлаштирилиши уларнинг идроки, тафаккури, хотираси ва дикқатининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Предметлар, ўйинчоқлар билан турли ҳаракатларни бажарган бола уларнинг нима эканлигини билиб олади, унда үша нарсаларнинг хусусияти тўғрисида янги-янги тасаввурлар шаклланади.

6 ойлик бўлгандан кейин бола билан катталарнинг муносабати, характеристири ўзгаради. Энди биргина эмоционал муомаланинг ўзи камлик қиласи, энди эмоционал-ишчанлик муомаласи зарур бўлиб, булда катталар боланинг биргаликда, қилинадиган ҳаракатларини рағбатлантирадилар.

Болалардаги кўриб ва эшитиб идрок этиш малакаси ривожлантириб борилади. Бунда теварак-атрофдаги ҳамма нарсаларга: катта ёшли кишиларга, болаларга, ҳайвонларга, ўйинчоқларга, уй-рўзгор буюмларига нисбатан болаларда қизиқиши үйғота бориш зарур.

Уларнинг катталарга, ўз тенгдошларига нисбатан эмоционал-ижобий муносабатини қўллаб-куватлаб бориш лозим.

### **Нарсалар билан қилинадиган дастлабки ҳаракатларни ривожлантириб бориш**

Бола ҳаётининг иккитчи ярим йилида нарсалар билан қилинадиган дастлабки ҳаракатларни ўзлаштириб боради, бу ҳаракатлар боланинг сенсор ривожланиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Бола бирор нарса билан лоақал энг оддий ҳаракатларни қилиб кўрганида ҳам ўша нарсаларнинг хоссаларини (катта-кичилгигини, шакли ва бошқаларни) билиб олади.

Олти-саккиз ойлик болалар ҳамма ўйинчоқлар билан бир хилда банд бўлаверади, аввал щиқилдоқларни шунчаки силкитиб кўради, өғзига олиб боради. Сўнгра ўйинчоқларни кўздан кечирадиган, бирини-бирига ва бошқа нарсаларга уриб кўрадиган бўлиб қолади. Бола щиқилдоқни силкитиб ёки қандай бўлмасин бирор нарсага уриб кўрадиган бўлса, у шунда товушга кулоқ солади ва мазкур ҳаракатни тақрорлайди. Шу тариқа ҳаракатларни тақрорлаш одати пайдо бўлади, ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйин узоққа чўзилади.

Сенсор тарбияни давом эттириш ва нарсалар билан қилинадиган ҳаракатларни ривожлантириб бориш мақсадида ўйнаш учун болаларга ҳар хил ўйинчоқларни бериб кўйиш ва турли ҳатти-ҳаракатларни бажаришга уларни ўргатиб бориш керак.

Саккиз-тўқиз ойлик бўлиб қолганда бола турли ўйинчоқларни ҳар хил қилиб ўйнай бошлайди. Масалан, резина ўйинчоқни қисиб кўради, шарча ёки коптоткчани думалатади, катта нарсаларнинг ичидан кичикларини чиқариб олади ва ҳ.к. Мана шу ҳаракатлар нарсаларнинг кўринишидан англашилади ва боланинг шахсий тажрибаси асосида келиб чиқади. Бола резина ўйинчоқни тасодифан қисиб кўрар экан, ундан чиқадиган овозни эшитади ва шундан кейин ўша ҳаракатни тақрорлайверади. Думалоқ нарсани қўл билан ушлашга қайта-қайта уриниб кўрилганда унинг думалаб кетишини кўрганидан кейин бола ўша нарсани думалата бошлайди. Кичикроқ шарча ёки бошқа ўйинчоқлар идиши ичida ётган бўлса, бола уларни чиқариб оладиган бўлиб қолади. Аввалига бу ҳаракатлар табиатан тасодифий бўлади.

Оналар ва мураббийларнинг вазифаси бу ҳаракатларни бир мунча барқарор ва мақсадга қаратилган кўринишга киритишдан иборат. Бунинг учун болаларга мустақил ўйин пайтида муайян ҳаракатларга ундаидиган ўйинчоқлар бериб кўйишдан ташқари, тақлид қилишга ундаш ва махсус машғулотларда сўз билан айтиладиган тақлифга кўра, бояги ҳаракатларни бажаришга ўргатиб бориш керак.

7-9 ойлик болалар оналар ва мураббийларнинг хатти-харакатларини кўп кўрадилар, лекин тақлид қилишни катталар болаларга ўргатганларидан кейингина ўзлаштирадилар

Шу ёшдаги болаларда тақлид қилиши лаёқати махсус машқулар вақтида шаклланиб боради. Мураббий ёки она ўзининг бирор хатти-харакатига тақлид қилишга ундан (шарчани чиқариб ол, энди уни жойига солиб кўй) шу ҳаракатни кўрсатиб беради, уни боланинг қўли билан қилдиради ва шу ишларнинг ҳаммасини сўз билан тушунтиради.

Шу хилдаги усуллар неча қайта тақрорлангандан кейин ўша ҳаракатларни кўрсатишнинг ўзи кифоя, шунда бола тақлид қиласидиган, кейин эса айтилган сўзга қараб бояги ҳаракатларни бажарадиган бўлади.

Болани буюмлар билан қилинадиган ҳаракатларга ўргатиш -сенсор тарбия ва болада катталарнинг нутқини тушуници лаёқатини ривожлантириб бориш воситаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Болага қаттиқ материаллардан тайёрланган, ўзининг шакли ва ранги бўйича бир хил ўйинчоқлар билан бир қаторда шартли равишда одамлар ва жониворлар тасвирланган юмшоқ ўйинчоқларни ҳам бериб бориш керак (бу ўйинчоқларни яхшиси тукли ёки силлиқ газмолдан тайёрлаш керак).

### **Нутқда тайёргарлик босқичларининг ривожлантирилиши ва теварак-атроф билан таништириши**

Ҳаётнинг дастлабки ойларидан бошлабоқ боланинг товуш реакциялари ривожланиб боради. Бола 2-3 ойлик бўлганидан бошлаб шодланганида айрим қисқа товушларни талаффуз қиласи, 4-5 ойлик бўлганида товушлар гувранишлар ўтади.

6 ойлик гўдак яхшигина гувораниб, бўғинларни талаффуз қила бошлайди. 7 ойлик бўлганида у ўзи айтган ёки катталардан эшиттан бўғинларни уларга тақлид қилиб тақрорлай бошлайди. 8-9 ойликдан бошлаб болани янги-янги бўғинларни тақлид қилиб тақрорлашга ўргата бошлаш лозим. Бу боладаги артикуляцион аппаратни машқлантиради, унинг гувранишини бойитади.

6 ойликдан 9 ойликкача болада катта кишилар нутқини тушуниш шакллана бошлайди. У энди овозни эшитиб фақат қувониб қолмайли, балки ҳар бир сўзга дикқат билан қулоқ солади, сўзларни тушуна бошлайди. 6 ойликдан бошлаб болани катта кишининг нутқини тушуниш маллакасини ривожлантира бориц, болани овоз келган томонга қараб бошини буришга ундаш ҳамда ўз нигоҳи билан ўша овоз чиқарилган нарсаларни дастлаб муайян бир жойдан, кейинроқ

эса ўрни алмаштириб қўйилган жойдан қидириб топишга ўргатиш керак.

Ўйин вақтида бажариладиган энг оддий харакатларни кўрсатиш ва уларнинг номларини айтиб туриш керак: "Чапак чаламиз", "Хайрхайр қиламиз", "Сарак-сарак", "Чақа-чум" ва бошқа шу сингари сўз ва ибораларни такрорлаш таклиф қилинади.

7-8 ойликдан бошлаб болани ўзига таниш бўлган бир қанча буюмларни нигоҳи билан қидириб топишга, сунгра болани катталарнинг илтимосини бажаришга, масалан, "бер" ("контокни бер") ва ҳоказоларга ўргатиб борилади.

Бола билан муомала қўлиш ва ўйнаш жараёнида иложи борича тез-тез боланинг исмими айтиб, унга мурожаат қилиб туриш керак: 8-9 ойлик бола ўз исмими эслаб қолади, чақирилган вақтда унинг исми тилга олинса, бошини буриб катта киши томонга қарайди ва унга яқинлашиб келади.

Тарбиячи боланинг тили чиқиб келаётган вақтда унинг гуллашларига, гувранишларига ниҳоятда эътибор билан қарапи, ундаги кузатиувчанликни ривожлантиришга ёрдам бериши, теваракатроф билан танишишга бўлган қизиқиши ва истагидан фойдаланиши керак. У нарсани ёки ҳаракатни сўз билан ифода этиши, ҳар бир жумлани қисқа-қисқа, аниқ талаффуз қилиши ва бунда у энг асосий сўзга ургу бериб, ўша сўзни интонацион жиҳатдан ажратиб айтмоғи керак. Бу ёшдаги болалар билан улардаги нутқ пайдо бўлишининг дастлабки босқичини ривожлантиришга қаратилган маҳсус ўйинмашғулотлар ўтказилади. Предметлар номини тушунишни ривожлантириш учун маҳсус машғулотлар ўтказиш тавсия этилади. Масалан, катта, йилтироқ, жиринглаб овоз чиқарадиган нарсани доимий турадиган жойига қўйилади, ўша нарсанинг номи айтилган пайтда (6 ойлик) болани ўш томонга қараб бошини буришига ҳаракат қилиш лозим. Жавонга ўйинчоқ кучукча қўйилади (жавон бола ўйғоқ пайтда унча узоқ бўлмаган, унинг кўзи тушиб турадиган жойга осиб қўйилади). Бола ўйин билан банд бўлмаган пайтларда унинг исмими айтиб мурожаат қилиб, ундан:

"Аҳмаджон, кучукчанг қани? Вов-вов қани?" - деб сўралади. Бола бошини ўйинчоқ томонга буриб қараганидан кейин: "Мана кучукчанг, вов-вов!" -дэйиш. керак. Сунгра, болани қўлга олиб кўтариш, уни ўйинчоқка яқин олиб келиш ҳамда ўша ўйинчоқни ушлаб кўришишга имкон бериш керак. Бола ўйинчоқни ушлаб кўраётган вақтда ҳам: "Бу кучукча! Вов-вов!" -деб туриш лозим. Бола кучукча тўғрисидаги саволга жавобан бошини ўйинчоқ томонга аниқ-равнан бурадиган бўлгач, ўша ўйинчоқ турадиган жойни ўзгартириш зарур

Бу ишни кучукча сўзи билан у турган жой ўртасида эмас, балки ўйинчоқнинг ўзи билан алоқа ўрнатиш мақсадида қилинади.

Бу машгулотларда бошқа товуш чиқарадиган ўйинчоқ ва нарсалардан - қўғирчоқлар, соатлар ва шу сингарилардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Сўнгра боланинг мустақил бир нуқтага қарамай олиш имкониятидан дикқатни бошқа бир нарсага кўчиришда фойдаланиш ва ўша нарсанинг номини айтиш керак. Масалан, хонада чироқ ёқилганида ва бола бошини ўша томонга қараб бурганида ундан: "Чироқ қани?" - деб сўраш керак. Бола бошини чироқ томонга бурган заҳоти боланинг исмини айтиб:

"Аҳмаджон, чироқ қани? Мана чироқ" -дейиш лозим. Чироқни үчириш ва яна ёқиш керак-да, ўша саволнинг ўзини яна тақорлаш зарур (6-7 ойлик болаларга).

Болаларни (7-8 ойлиқдан бошлаб) муайян бир жойда ва ҳар хил жойларда турган бир нечта нарсаларнинг номини тушуниб, билиб олишга ўргатиш мақсадида ҳам машгулотлар ўтказилади. Муайян бир жойга иккита нарса қўйилади: бири болаларга таниш (масалан, кучукча), иккинчиси эса янги ўйинчоқ (масалан, қўғирчок) бўлади. Худди илгариги услубнинг ўзи қўлланади-ю, лекин нарсаларнинг сони аста-секин кўпайтириб борилади. Болани ўзига таниш бўлган нарсани яширилган жойдан, масалан, сочиқ, рўмол остига яшириб қўйилган ўйинчоқни қидириб топишга (7-8 ойлиқдан бошлаб) ўргатиш мумкин. Бунда ўйинчоқни қидириш ва уни топиш вазиятларига эмоционал тус берилади.

8 ойлик бўлган болалар билан бекинмачоқ ўйини ўтказилади. Бунда уларни болалар ва катталарнинг исмлари билан танишириш мумкин. Катталардан бири ўз бошига кичикроқ бир пешонабонни ташлайди, ўзи ҳақида болалардан, масалан, "Ойша ҳола қани?" -деб сўрайди. Сўнгра, юзини очиб: "Мана, Ойша хола", -дейди. Бу ишларга болаларнинг ўзларини ҳам жалб қилиб ўйинни қизиқарлироқ ўтказиш мумкин.

Бола ёки катта киши амалга ошираётган ҳаракатлар номини айтиб туриш керак. Бу иш-ҳаракатнинг номи билан унинг ижрочиси ўртасида алоқа ўрнатиш мақсадида бажарилади. Масалан: "Ҳайр" деган сўзни айтиб, боланинг қўлларини кўтариб силкитиб-силкитиб қўйилади, болани (6-7 ойлиқдан бошлаб ўтказилган пайтда "ӯтири" деб айтилади. Боланинг қўлида турган нарсани (8-9 ойлиқдан бошлаб) олиш учун унга исмини айтиб, илтимос билан мурожаат қилинади.

Болаларда қизиқиши уйфотиши мақсадида барча машгулотлар кўп марта тақорланиб, қайта-қайта ўтказилади.

## **Тұқыз ойлиқдан ўн икки ойликкача бұлған болаларнинг сенсор тарбияси ва нутқини ривожлантириш**

Әңг аввало бу теварак-атрофдаги ҳаёт билан таништириш жараёнида амалга оширилади. Тарбиячи болаларни гурүх хонасида, ечиниши хонасида, ухлаш хонасида мавжуд бұлған ҳар хил үйинчоқлар, нарсалар билан таништириб бориши керак. Іздә эса ишлар майдончада амалга оширилади.

Кичкінтойларни дераза олдига олиб бориб дикқат-эътиборини группа хонасидан ташқарыда нималар бұлаёттандырылғы қаратын фойдалыдір. Шу мақсадда тарбиячи ҳар бир болани алоҳида-алоҳида дераза ёніга олиб келади, унға үнчә катта бұлмаган тепаликка чиқиб олишида ёрдам беради ёки болани құлиға күтариб олади. Тарбиячи ёки она деразадан қараган вақтида кичкінтойнинг күзи тушаёттан барча нарсалар:

Үтіб бораёттан машиналар, одамлар, ҳайвонлар, күзға күрініб турған даражатларнинг номини айтиб туради. Болалар күчада камроқ вақт бұладыған күз-қыш пайтларыда ана шундай кузатишиларни улоштириш айниқса фойдалы бұлади. Бунда тарбиячи болани бир қадар мустақіл ҳаракатлар қилишга үндайды. Баъзан баландлыкнинг әңг юқори қысмуга чиқиб олган кичкінтой ўша ерда тұхтаб қолади: юқоридан хона ташқарисида нималар бұлаёттани жуда яхши күрініб туради. Бундай кузатишилар факат теварак-атрофдаги ҳаёт билан таништириш учунгина фойдалы бўлмай, балки идрок қилиш, дикқат, хотира, тафаккур сингари психик жараёnlарни ҳам ривожлантиради, боланинг тили чиқишига ёрдам беради.

Бола 1 ёшға тұлға, унда теварак-атрофдаги нарсаларни күриб мүлжал олиш қобилиятининг ўсғанлиғи, баъзи нарсаларнинг нимага ишлатилишини билиш тажрибаси орттандырылғы туфайли энди уларда сюжетли үйинлар элементини ссекин-аста шакллантира олиш мүмкін бўлиб қолади. Тарбиячи әңг оддий үйин-топшириқларни күрсатып берганидан кейин болалар ҳам унға тақылд қилиб ўша ҳаракатларни такроралай бошлайдилар: күғирчоқларни овқатлантирадилар, ухлашга ётқизадилар, улар билан ракс ҳаракатларини бажарадилар. Бунда болалар ихтиёрида түрли образлы-сюжетли үйинчоқлар (күғирчоқлар, айиқчалар, кучукчалар, хүроздачалар) бўлгани жуда муҳимдир. Бу үйинчоқлар катта-кичиклиги, қандай материалдан ишланғани ва бошқа белгилари билан бир-биридан фарқ қилиши лозим. Ҳилма-хил үйинчоқлар билан бир хилдаги ҳаракатларнинг бажарилши, тематикаси буйича бир хил бўлған үйинчоқларни қидириб топиш болалар тафаккурини, умумлаштириш малакасини ривожлантиришга ёрдам беради.

Бир ёшга тұлған болаларнинг нүтқни тушуниб олиш қобиляти интенсив равища ұсіб боради, агар болага түғри тарбия берилса, у тушуниб олаётган сұзларнинг миқдори тез орада ортиб кетади. Болани фақат ўз исменигина әмас, балки теварак-атрофдаги катталар ва болаларнинг исмларини әслаб колишга ўргатиши керак (масалан, бекінімачоқ үйини орқали). Болалар тез-тез құлига олиб үйнайдын үйинчоқларда тасвирланған ҳайвонлар номини, нарсалар билан бажарыладын амалий ва үйин ҳаракаттарининг номини ҳамда янги-янги ҳаракаттарнинг қандай аталишини билдиручи сұзларни тушуниб олиши керак. Боладаги яхши эмоционал кайфиятни сақлаб туриш, унинг хулқ-атвори, таълим-тарбиясını мұвоғиқлаштириб туриш учун тарбиячы әнди күпгина сұзлар ишлатыладын нүтқлардан тез-тез фойдалана бошлайды.

Индивидуал тарзда үтказыладын үйин-машгулоттар нүтқи ривожлантиришда алоқида ажамият касб этади. Болалар янги сұзларнинг маңыносини тушуниб үзлаштырылшари учун 9-10 ойлик бүлған вақтдан бошлаб уларға ҳар хил предметларни күрсатыши ва уларнинг номини айтиш лозим. Бунда қыйидаги машқлардан фойдаланиш мүмкін: боланинг құлига қандай аталиши унга илгаридан маълум бүлған үйинчоқни бериш, кейин эса ўша үйинчоқнинг номини бир неча марта тақрорлаб, қайтариб бериш сұралади, сұнgra үйинчоқ яна боланинг құлига қайтариб берилади.

Тарбиячи болага илтимос билан мурожаат қилиши мүмкін. "Бер"-деган сўзнинг маңыносини ва қандайдыр бир үйинчоқнинг номини биладын кичкінтой ўша сұралған үйинчоқни олиб келади. Албатта, бунинг учун үйинчоқ боланинг күзи тушиб турадын жойда бўлиши керак, кейинроқ эса бола ўша үйинчоқни бошқа нарсалар орасидан қидириб топишга ҳам ўрганиб кетади.

Умумлаштириш функциясини ривожлантириш учун шунингдек, болаларга номи бир хил, ташқи кўриниши бир-биридан фарқ қиласынан үйинчоқларни: масалан, резина қўғирчоқ газмолдан қилинган қўғирчоқ, катта ёки кичик қўғирчоқ бериш муҳим ҳамиятга эгадир.

Тарбиячи мустақил фаолият вақтида ҳам болаларни мурожаат қилинганда товуш чиқариб жавоб қайтаришга мунтазам ўргатиб боради. Бир ёшга тұлған бола ўнга яқын oddий ва соддалаштирилған сұзларни ("ойи", "дада", "вов-вов", "би-бип" ва шунга ўшашларни) айта олиши керак. Одатда бола бу сұзларни ўзига яхши таниш бўлған кишини ёки үйинчоқни кўрган вақтида (ўзи каттадан эшитган сұзларни) талаффуз қиласы.

Нутқ ҳар хил фаолият турлари жараёнида (ҳаракатни эгаллаш пайтида, теварак-атрофдаги ҳаётни кузатиш вақтида, нарсалар билан бажариладиган ҳаракатларни тақрорлаётганда) ривожланади.

Бола айтилган сўзнинг маъносини илғаб олиши ва тегишли ҳаракатларни, ҳолатларни бажариши, ўзи айта оладиган нутқи воситалари орқали жавоб бера оладиган бўлиши учун катталар нутқи кўп сўзли ва тез бўлмаслиги керак.

Фаол нутқ бундан аввалги ёш даври учун тавсия қилинган машғулотларни давом эттириш билан ривожлантириб борилади.

Боланинг фаол нутқи ундаги гувраниши ривожлантириш асосида шакллантириб борилади. Тарбиячи боланинг гувранишига қулоқ солиб туради-да, унинг бу малакасидан боланинг тили билан айтиладиган дастлабки сўзларни тузишда фойдаланади. Масалан, гўдак: "Ай-ай-ай" -деб гувранса, бунда катта киши: "Ай-ай-ай-ай...оий!" -дейди. Сўнгра онани\_ кўрсатиб туриб, шу сўзларни яна тақрорлаб: "Оий, оий!" -дейди. Ё бўлмаса, шундай бир мисолни олайлик. Гўдак "Ло-ло-ло-ло" деб гувранса, катта киши унинг товушини илиб олиб тақрорлаши ва кетидан "Лола!" - деб, Лолани (қўғирчоқни) кўрсатиб қўйиши лозим. Бу ёшдаги болаларнинг фаол лугатига талаффуз қилиниши осон бўлган масалан, "чиқ-чиқ" (соат), "вов-вов" (кучук), "ку-ку" (товуқ), "жиринг-жиринг" (қўнғироқча) ва ҳоказо сўзларни киритиши зарур.

Катталарнинг болада тақлид қилишга истак уйғотиши учун соддалаштирилган сўзлардан кўпроқ фойдаланилади. Бундай қилиш болага ўзи ишлатса оладиган нутқи воситаларидан фойдаланиб, нарса ёки ҳаракат номини сўз билан ифода этиш имконини беради. Шу билан бирга соддалаштирилган, талаффузи енгил сўзларнинг кўпчилик қўллайдиган сўзлар билан биргаликда ишлатилиши зарурлигини ҳам билиб олиш керак. Масалан, сигирни кўрсатиб, "Мана сигир, мў-мў" -дейди. Ёки "Хўroz қани! Ку-ку-ку!"> "Кучук, вов-вов", "Лола ухляяпти, алла-алла" (буни ҳаракат билан ҳам кўрсатилади), "Ошингни е, ҳам-ҳам", "Яхши эмас, уят", "Оий, дада, ана" ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар айтилади.

Бола бирор нарсани олиш учун имо-ишора қилса ёки ҳар хил товуш чиқарса, болага ёрдам бериб, айтимоқчи бўлган фикрини сўзлар билан ифодалашга ҳаракат қилмоқ керак. Масалан, бола ўйинчоқни оламан, деб қўлинни узатган вақтда уни олиб болага яқинлаштириш ва "қани: бер, бер дегин!"-деб айтиши керак.

## **Сенсор тарбия ва нарсалар билан бажариладиган ҳаракатларни ривожлантириш**

Сенор тарбия ҳамда нарсалар билан бажариладиган ҳаракатларни ривожлантириш учун болаларга ранг-бараптага хусусиятларга (хар хил шаклга, турли ранг бүёқларга ва ҳ.к.) эга бўлган ўйинчоқлар берилади. Боланинг эътибори янги ўйинчоқларнинг сифатига, шаклига, рангига қаратилади. Уларнинг мана шу ўйинчоқларга қараб янги товушлар чиқаришга уринаётганликларини кўллаб-куватлаб турилади.

Болаларни нарсаларнинг шакли, физик хусусиятларига кўра бир-бири билан тақдослашга ўргатиб бориш, то муайян бир натижага эришмагунича ҳаракатни давом эттиравериш керак.

Бола бир ўйинчоқни ўйнаб ўтириб, янгидан ўзлаштириб олган хатти-ҳаракатини бошқа ўйинчоқларни ўйнаган вақтида ҳам мустақил равишда такрорлашига эришиш зарур. Бу боланинг янги ҳаракат усулини яхшироқ, ўзлаштириб ва умумлаштириб олишига ёрдам беради. Боланинг қўлига турли материалдан ясалган ранги, шакли, чиқаридиган товуши ҳар хил бўлган бир турдаги ўйинчоқларни бериб қўйиш керак, масалан, болалар юмалатиб ўйнаши мумкин бўлган пластмасса, ёғоч шариклар резина коптоклар, юмшоқ матодан ясалган коптокчалар, ранги ва шакли ҳар хил бўлган кубиклар ана шундай ўйинчоқлардан ҳисобланади, улардан болалар "минора" ясаллари мумкин. Бундай предметли ўйин фаолияти давомида боланинг кўриб ҳаракат қилиш тафаккури ривожланиб боради. Ҳаракат усулларининг умумлаштирилиши ўша ишларни сўзларни ёрдамида умумлаштириш учун замин яратади.

Бир ёшга тўлиш олдидан болаларни бошқа нарсалар ёрдамида бажариш талаб килинадиган ҳаракатлар (бевосита бажариладиган ҳаракатлар)ни амалга оширишга ўргатиб бориш лозим. Агар 9-10 ойлик бола қўнғироққа боғлаб қўйилган ипни ушлаб ўзига тортиш йўли билан ундан овоз чиқаришни билиб олган бўлса, бир ёшга тўлиш олдида у ҳийла мураккаброқ, бевосита қилинадиган ҳаракатларни ўзлаштириб олиши мумкин:

У ўйинчоқни тасмасидан ушлаб тортиши, қўли етмай ололмаёттан нарсани таёқча билан ўзига яқин олиб келиши мумкин. Нарсалар билан бажариладиган мураккаб ҳаракатларга болаларни ўргатишида тарбиячи ҳар хил усуллардан фойдаланади. Улар қисқа ва содда изоҳлаб кўрсатиш, хатти-ҳаракатларни қандай бажарилишини айтиб туриш (болаларда бажарилган ҳаракатларга тақлид қилишга интилиш ҳосил қилиш мақсадида шундай қилиниади), боланинг қўлидан ушлаб у билан биргаликда ҳаракат қилиш ва ҳоказо. Аста-секин болаларни

оғзаки күрсатма бўйича топшириқ бажаришга ўргатиб борилади, масалан, "контокни юмалат" каби. Бир ёшга тўлиш олдидан болага янги ҳаракатларни дастлаб тақлид қылган ҳолда, кейинроқ эса оғзаки кўрсатма бўйича бажаришга ўргатиб бориш лозим. Масалан, болага: "уйча қур" лаб кўрсатма берилади. Бир ёшга тўлиши олдидан бола қўғирчоқни елкасига уриб, "обболайди" ёки тебратади. Боланинг қўлига картондан ясалган (диаметри 5 см, узунлиги 10-15 см) трубача ҳамда шунга мос келадиган шарчалар беридади. Шарчани трубача ичига қандай ташлаш кўрсатиб берилади ҳамда унга, бу ишни мустақил равишда бажариб қўриш таклиф қилинади. Ё бўлмаса, кутича ёки банкача ичидан ўйинчоқни чиқариб олиш таклиф қилинади. Боладан ҳийла нарирокда ётган ўйинчоқни силлиқ тасмачанинг икки томонидан ушлаб катталар билан биргаликда ўзига қараб тортишга ўргатилади. Боланинг ўйнаб ўтириши учун унинг олдига товоқча, пиёла, стакан, бочкача ва бошқа шунга ўхшаш йирик ўйинчоқ идишлар қўйилади. Тасвирланаётган нарсаларнинг асосий белгилари яққол кўзга ташланиб турган юмшоқ ўйинчоқларни болаларга ўйнаш учун бериш керак. Бу ўйинчоқлар чиройли қўринишга эга бўлиши, ёрқин рангларга бўялган бўлиши, ажратиб қўрсатилган қисмлари, масалан кўзлари катта-катта қилиб ишланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Болага, шунингдек, ўйинчоқ коляскалар, қўғирчоқни ўраб ўйнаш мумкин бўлган чойшаб ва адёллар ҳам бериб қўйиш керак.

Болалар билан ўйнаётганда уларга нарсаларнинг нимага ишлатилишини ва улардан қандай фойдаланишни кўрсатиш керак. Болаларга ёқимли оҳанглар чиқарадиган ҳамда боланинг ўзи бураб юргиза оладиган механизмли ўйинчоқларни бериш керак. Сайрга чиққан вақтда кичкинтойлар эътиборини ўт-ўланларга, баргларга, гулларга жалб қилиш, уларни боланинг қўлига ҳидлаб қўриш учун бериш керак. Ҳайвонлар ва кушларга болалар эътиборини қаратган вақтда уларнинг номларини айтиш, шартли товушлар (вов-вов, қаф-қаф аа ҳ.к.) билан уларнинг овозига тақлид қилиб, болани ана шу товушларни тақрорлашга даъват этиш лозим. Ҳайвон ёки қушлар ифода этилган энг оддий механизмлар билан ҳаракатга келтириладиган ўйинчоқларни (масалан, дон чўқийдиган товуқ) болаларга кўрсатиш зарур.

Нутқнинг ривожланиши, нарсалар билан турлича ҳаракат қилиш, теварак-атрофни билиш болалар хотирасининг ривожланишига ёрдам беради. Лекин нарсалар ҳаракатини англатадиган сўзларни эсда сақлаб қолиш учун уларнинг номини бир неча бор тақрорлаш зарур. Шунинг учун тарбиячи бир машғулотнинг ўзини бир неча марта ўтказиши керак. Дастлаб машғулот ҳеч бир ўзгаришсиз айнан

такрорланади, кейин эса бошқа материаллар, ўйинчоқлар, нарсалардан фойдаланган ҳолда такрорланади. Бундай қилиш боланинг машғулотларга бўлган қизиқишини оширади, уларда умумлаштириш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Гўдак билан эмоционал алоқа ўрнатишда боладаги ҳәтий тонусни, яъни жўшқинликни ошириш учун ҳар хил ҳазил ўйинлар ўтказиши лозим: "шоҳдор эчки келяпти", "ӯғри зағизгон", "йўл юрсак ҳам мўл юрдик, бориб чуқурга йиқилдик" ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган индивидуал машғулотлардан ташқари болалар билан индивидуал машғулотлар жараёнида уларга яхши таниш бўлиб қолган нарсалар ва ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган гуруҳли машғулотларни ҳам ўтказиши керак. Масалан, шарчаларни сочиб юбориб, уларни йигиштириб келишни таклиф этиш ёки қўғирчоқлар билан унча мураккаб бўлмаган ҳаракатлар бажаришни кўрсатиш мумкин. Масалан, қўғирчоқ юрятти, рақсга тушяпти, ухлаяпти, овқат еяпти ва ҳоказо. Таассуротларни бойитиш учун гуруҳга ҳайвонларнинг, қушларнинг болаларини олиб келиш мумкин. Болалар иштирокида бу жажжи жонивор ва күшчаларни овқатлантириш, силаб-сийпалаш. эркалаг, яхши сўзлар айтиш лозим. Бундай машғулотларни 9-12 ойлик бўлган болалар билан ўтказиши мумкин.

### **Болаларни теварак-атроф билан таништириш**

Оила тарбияси шароитида болани теварак-атроф билан таништириш учун кўп имкониятлар мавжуд. Катталар болани кўтарганда, бола атрофдаги ҳамма нарсалар ва воқеаларни кузатади. Одатда болани ёрқин ялтирайдиган рангли буюмлар жалб қиласди (масалан: чироқ, дазмол ёки чойнак). Бу ва бошқа шу каби буюмлар катталарнинг қўлида ўзининг фазовий ҳолатини ўзгартиради ва бола олдиди турлича қўринади. Бу болада энг оддий буюмларга нисбатан қизиқиши ўйготиб, унинг ориентир олиш ва билиш фаолиятини сақлайди. Масалан, кийимларни дазмоллаётган онанинг қўлидаги дазмол, бирдан ёнган чирок бола диққатини тортади. 3-4 ойлик бола деворга осилган гилам, сўзаналарнинг гулларини қизиқиши билан кўздан кечиради.

Ювиниш хонасидаги кўзгу (ойна) болани жалб қиласди ва у қизиқиши билан қарайди, лекин ўзини қўраётганини тушунмайди. Бундай вазиятларда боланинг ойна олдидаги ҳолатини ўзгартириш фойдалидир. Масалан, бола отасининг елкасида ўтирган бўлса, бошқа елкасига ўтказиши, унинг қўлини кўтариши, силкитиши: Ада қани? Мана ада! Олимжон қани? Мана Олимжон! - каби сўзларни айтиши

керак ва унинг кўли билан адасини, кейин ўзини кўрсатиш керак.

Гўдак қанчалик эрта яқин атрофдаги буюмлар билан таниша бошласа, унинг сезги тажрибаси шунчалик бой бўлади. Лекин болаларга бериш мумкин бўлмаган қатор буюмларни ажратиш зарур: булар олтин безаклар, бошқа тақинчоқлар, пичоқ, қайчи, кимматбаҳо чинни, чой, ошхона идишлари, хона ўсимликлари ва бошқалар.

Уларни болалар узоқдан кўздан кечиришлари мумкин. Бу ҳамма оила аъзолари учун қоидага айланиши керак.

Бола мустақил ўтира бошлагандага у катталар қўлида қулайроқ ҳолатда уларга юзини қаратиб ўтиради. Шу дақиқадан бошлаб улар теварак- атроф билан танишишда шерик бўлиб қоладилар. Бола катта одам кўрсатган нарсага қарабигина қолмасдан номини эшитади, диққати қаратилган нарсага катта (она, ота) ларнинг муносабатини ҳис қилиб, (эмоционал) ҳиссиёти бойийди. Масалан, қўғирчоқни кўрсатиб, она ёки ота: Бу қизча, унинг кўйлаги ва рўмоли бор. Қизча нима қиласпти? У товук, жўжаларини бокяпти, чип-чип-чип! Мана жўжачалар...! Ҳурозча Қани? Жўжалар қани? Қизча... Жўжалар... Кўздан кечириш 1-1,5 дақиқа давом этади.

7-8-ойда болани суратлар, ийрик ёрқин расмли китоблар ўзига тортади. У уларни қизиқиш билан кўздан кечиради бальзида гижимлашга ёки суратларни йиртишга уринади. Катталар буни олдиндан кўра билиши ва бунга "мумкин" эмас деб, йўл қўймаслиги, китоб ёки суратни маълум фурсатга олиб қўйиши лозим. Кейин яна бола билан биргаликда кўздан кечириш ва кўраётган нарсаларини айтиб бериш керак.

Амалий санъат буюмлари болаларда алоҳида қизиқиш уйғотади (ёғочдан қилинган қошиқлар) қўғирчоқлар, матодан қилинган турли ўйинчоқлар, сочиқлар, атлас қўйлаклар, кийикча, гул тикилган рўмолчада).

Рўмол ва қийиқлардан бекинмачоқ ўйинида ва ясатишда фойдаланиш мумкин. Бошида боланинг диққатини ундаги расмларга қаратиш ("Гуллари" "Гуллари" қани? ), бола қўли билан силаш, рўмолни бошига солиб "Ойи қани?", рўмолни бошидан олиб "Мана ойи!" деб айтиш керак. Шунийтдек-рўмолни боланинг бошига ёпиб "Анваржон қани?", рўмолни бошидан олиб "Анваржон мана!" деб айтилади, "Бекинмачоқ" ўйини болага ўз исмини билишга ёрдам беради, Кейинчалик бир ёшга яқинлашганда эслаб қолади).

Бунга ясантириш ҳам ёрдам беради. Болага рўмол ўратиб уни ойна (кўзгў) олдига олиб боринг ва "Ойи қани?" "Рўмоллик Сайёра қани?" деб сўранг.

Бола билан дастурхон, клёэнкали дастурхон, гули патносарни күздан кечириңг ва унда тасвиrlанган нарсаларни айтиб беринг. Бола диққатини уларда тасвиrlанган гулларга, мева ёки ҳайвонларга қаратиш ва номини айтиб бериш керак. Бундай машғулот мунтазам уюштириб борилса, кейинчалик боланинг ўзи ўша буюмларни кўрганда ундаги гул, мева ёки ҳайвонни қидиради, танийди ва қўли билан кўрсатади.

Болаларни кийинтираётганда ёки ечинтираётганда кийимларидағи расмларга, тугмачаларга ҳам диққатини қаратиб, бу мунтазам такрорлаб турилса, бола кийимларидағи расмларга эътибор бериб, кейинчалик катталар "тугма қани (тақ қани)", "гули қани?" деб сўраганларида аввал кўз нигоҳи билан кейинчалик эса қўли билан кўрсатишга ўрганади.

Болаларни телевизор ҳам жалб қиласди. Лекин уларга экран олдида ўтириш мумкин эмас. 4-5 метр масофадаги 5-8 дақиқали мультфильмларни кўрсатиш мумкин ва кўрсатилаётган воқеаларни айтиб туриш лозим. Масалан: "қуёнча сакраяпти", "Қизча ухляяпти" ва бошقا.

11-12-ойда бола биринчи мустақил қадам ташлайди. Унутманг: уни қаровсиз қолдириш мумкин эмас. Теварак-атрофга бўлган қизиқиш гўдакни ҳаракатланишга олиб келиши мумкин. Иссиқ чойнакни ушлашга, ўткир қайчи, пичоқни олишга интилади. Шунинг учун оиласда олдиндан кўра билиб, ҳамма хавфли вазиятларни йўқотиш керак.

Ҳайвонлар ҳам болада алоҳида қизиқиш уйғотади. Агар уйда кучук ёки мушук бўлса, у улар билан эрта тил топишади, уларнинг отини (лақабини) билиб олади. Болалар кучук, мушук, сигир, эчки ва бошқаларни билиши шарт. Болаларни ҳайвонларнинг овозига таклид қилувчи товушлар билан таништириш мумкин.

Ўсимлик дунёси бола учун кам тушунарли бўлади. Бари бир болага гулдондаги, тувақдаги гулни кўрсатиш, ҳовлида эса ўтга, дарахтга қаратиш керак. Боланинг қўлига барг, майса ўт, гулни бериб сезгисини ривожлантириш лозим. Унинг сезиш тажрибаси сўз билан мос бўлиши керак.

Гўдакда табиат ҳодисаларига қизиқиш уйғотиш муҳимдир. Катталар ҳар куни бола билан сайрга чиқиб, диққатини ҳавога, табиатдаги ўзгаришларга қаратади (куёш, ой, қор, ёмғир ва бошқалар). Бунда кичкинтолйлар учун мўлжалланган фольклор асарлари ёрдам беради. Масалан:

Күёш чиқди оламга,  
Деразадан кирдим хонамга,  
Силаб иситди юзларимни  
Үйкудан үйғотди ўзимни.

Оймомахон пилла,  
Қанотлари тилла.  
Кулиб боқсингин-  
Диёрахон қизга.

Шуни унутмаслик керакки, болани ҳаммадан олдин мавжуд дунё жалб қиласы. Бола у билан ўйинчоқлар орқали танишади. Шунинг учун мактабгача тарбия муассасалари шароитидаги деңгээ, оилада ҳам кичкіншілдер учун ўйинчоқларни ўйлаб танлаш жуда мұхимдір.

Күйіда бир ёшгача бўлган болалар учун тахминий ўйинчоқлар тўплами рўйхати берилади.

### Тахминий ўйинчоқлар тўплами 6 ойликкача бўлган болалар учун

1. Ҳар кил шакл ва катталиктаги осилмачоқлар.
2. Шиқилдоқлар, шиқилдоқли доирачалар.
3. Енгил кубиклар, байроқлар, лентачалар.
4. Ётмайдиган қўғирчоқлар ва бошқа оддий қўғирчоқлар.
5. Турли ўлчамдаги 30-40 см гача пластмасса, резинка матодан қилинган ҳайвонлар ва қўшлар (Теварак-атроф билан таништириш ва нутқ малакаларини шакллантириш бўйича ўйин-машгулотлар учун).
6. Турли ўйинчоқлар, ўлчами 15-20 см (болаларнинг мустақил ўйинлари учун).

### 6-9 ойлик болалар учун

1. Ётмайдиган қўғирчоқлар ва бошқа шакли оддий, ўлчами 10-20 см пластмассадан, резина матодан қилинган қўғирчоқлар.
2. Ўйинчоқ пиёла, товоқлар: турли ранг ва шаклда, диаметри 7-12 см бўлиши керак, майда буюмларни солиш учун диаметри 3-4 см ли полиэтилен, ёғоч ёки бошқа хавфсиз нарсадан қилинган идишлар.
3. Болалар идишлари, баландлиги 20 см га яқин қўзиқорин, енгил очиладиган кастрюл, челякча.
4. Бўлакларга бўлинадиган ўйинчоқлар-тухум, қўзиқорин ва бошқалар.
5. Мазмунли-транспорт ўйинчоқлари. Оддий шаклдаги 15 см ли машина, пластмассали аравачалар.
6. Бураб юргизиладиган ўйинчоқлар. "Донлайдиган товуклар", "Рақсга турушчи айиқ", "Вовуллайдиган кучукча" ва бошқалар.
7. Таълимий ва ривожлантирувчи ўйинчоқлар қисмлари ҳаракатланадиган турли ранг ва шаклдаги ўйинчоқлар, турли ўлчамдаги ёғочдан қилинган енгил коптоқчалар ва коптоқ халқачалар, ташлаш ва юмалатиш учун коптоқлар.

## **9-12 ойлик болалар учун**

1. Нозангул құғирчоқлари (ётмайдиган құғирчоқлар) турли ўлчамлы (10 см дан 20 см гача).
2. Йирик (баландлиги 40см) рангдор кийимдаги, болаларни тасвирлайдиган құғирчоқлар.
3. Юмшоқ құғирчоқлар: матодан, пластмасса, резинадан қилинган, ўлчами 10-12см ли құғирчоқлар (болаларнинг мустақил үйинлари учун).
4. Ҳайвоnlар ва қушлар: юмшоқ материалдан қилинган (матоли, пластмассали, резинали), бураб юргизиладиган ёки товуш чиқарадиган бўлиши мумкин.
5. Ўйин-машғулот жараёнида кўрсатиш учун қилинган ўйинчоқлар (хўroz, қуш, сигир).
6. Мазмунли-транспорт ўйинчоқлари: құғирчоқлар учун мустаҳкам аравачалар пластмассадан қилинган оддий шаклдаги ўлчами 15см ли машиналар бураб юргизиладиган машиналар, аравачалар.
7. Рўзгор, меҳнат ва маданиятнинг баъзи буюмларини ифодаловчи ўйинчоқлар: диаметри 7-10см ли ликопчалар, боланинг кўлига мос идишлар, турли матоларнинг 40x40, 50x50 ҳажмдаги бўлаклари.
8. Бир ўринли матрёшкалар, коптоқлар (катта-кичик).
9. Курилиш ўйинчоқлари (кубиклар, гиштчалар, призмалар ва бошқалар).

## **Болаларни маънан ривожлантириш**

Болани 4-5 ойликдан бошлаб озодаликка ва тартибга ўргатиб бориш керак. Болани овқатлантираётган вақтда лаблари атрофига овқат тегмаслигига ҳаракат қилиши керак, борди-ю, зарур бўлиб қолса, ўша заҳоти, овқат еб бўлишини кутмасданоқ гўдакнинг лабларини сочиқ билан артиб олиш керак.

7-8 ойликдан бошлаб овқат ейищдан олдин болада қўл ювиш истагини пайдо қилиш керак. Кичкингойнинг енгларини шимариб: "Кел, биргалиқда қўлларимизни ювамиз" - дейиш лозим. Катталар ёрдамида бола мана шу каби янги малакаларни эгаллай бошлайди. Бунда сув илиқ бўлиши ва бола билан баравар қўлни оқаётган сувга тутиш муҳимдир. Бунда шу жараёнга нисбатан болада ижобий муносабат пайдо қилинади.

Бола мустақил ўтиришга ўрганиб олганидан кейин ва бемалол ўтирадиган бўлгач, уйқуга ётишидан олдин, ухлаб турганидан кейин ҳамда уйғоқ вақтининг ўрталарида уни тувакка ўтқизиш зарур.

Агар боланинг ифлос қилган кийим-кечаклари ўз вақтида мунтазам алмаштириб турилса, юз-қўлларининг озодалиги кузатиб борилса, овқатлантиришнинг бошланишини ёки унинг тугашини кутиб ўтирасдан заруратга қараб болани ювинтириб турилса, болада батартиблиқ, озодалик малакалари ҳосил бўлади. Вақти келиб уст-бошидаги тартибсизликка боланинг ўзини ҳам гаши келадиган бўлади.

### Эмоцияларни ривожлантириш

Эмоционал ҳаёт ҳам болада барвақт ривожланиб боради. Болаларнинг хулқ-атворида бир қанча мураккаб ижобий эмоцияларни шодлик, қаноат ҳосил қилиш, синчковлик катталарга, болаларга меҳр-муҳаббат, эстетик ҳис-туйғу кабиларни, шу билан бир қаторда манфий эмоциялар (қўрқув, ғазаб, норозилик, алам, хафалик, ҳижолатлик ва бошқалар)ни кузатиш мумкин. Ижобий эмоциялар организмнинг ҳаёт фаолиятини кучайтириб, бола руҳий фаолиятини фаоллаштиради, қобилиятини оширади, салбий эмоциялар эса болалар руҳини тушириб юборади. Бола шод, қувноқ бўлиб юриши ва имкони борича камроқ йиғлаши керак.

Психологлар, бу ёшдаги болаларнинг энг муҳим ўзига хос ҳусусияти болада катталар билан алоқага киришиш эҳтиёжининг пайдо бўлишидир, деб ҳисоблайдилар. Алоқа қилиш эҳтиёжи ўз атрофидагилар билан алоқага киришиш йўлларини фаол қидириб топишга ундаиди. Катталар билан алоқага киришишдан гўдак баҳра олади. Унда биринчи марта эмоционал ҳис-туйғу негизида пайдо бўладиган қониқиш, қувонч ҳисси уйғонади. Шу тариқа энг кичик ёшдаги гўдакларда ақлий ва нафосат тарбияси элементлари шакллана бошлияди. Катта ёшли кишиларнинг педагогик таъсири - уларнинг мулојим муомаласи, эркалаши, болага диққат-эътибор ва меҳр-муҳаббат ҳисларини намоён этиши, уни эркалааб силаб-сийлаши гўдакни сенсор жиҳатдан бойитади, унинг эмоционал ҳист-туйғуларини ривожлантиришда алоҳида рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам тарбиячилар бола билан фақат гаплашибгина қолмай, уларга қўшиқлар, қизиқарли эркалаамалар куйлаб беришлари керак. Қўшиқлар, овутмачоқ эркалаамалар, лапарлар шуниси билан қимматлики, улар болани ривожлантиришга ёрдам беради, унинг ҳиссиётини бойитади, унда саҳийлик, меҳрибонлик ва эркалаш сингари дастлабки ижобий - ҳис-туйғуларни уйғотади. Ёқимли, майнин оҳанглар чиқарадиган йилтироқ, чиройли ўйинчоқлар болада қониқиши ҳосил қилиб, қувонч уйғотади.

Болаларнинг ўз яқин кишиларига бўлган қизиқипларини қўллаб-куватлаш, ўз ака-опалари ва тенгдошлари билан, ўзларини парвариш

қилаётган катта ёшли кишилар билан алоқага киришиш вақтидаги күвноқ кайфиятларини рағбатлантириб тuriш керак.

Болада ўз тенгдошарига бўлган қизиқишини ривожлантириш учун уни манежга рўпарасидагиларни кўриб турадиган ҳамда уларнинг ҳаракатларини кузата оладиган қилиб (бунинг учун яхсиси болани қорни билан билан) ётқизиб қўйиш керак. 7-8 ойликдан бошлаб биргаликда ўйналадиган ўйинлар ўтказиш ("беркинмачоқ", "қувлашмачоқ") тавсия этилади. Масалан, болани қўлда кўтариб бошқа бир кичкинтойни "кувланади". Ё бўлмаса кичкинтойлардан бирига рўмол остига яшириниш таклиф қилинади-да, бошқа болалардан уни топиш сўралади. Уларга қараб: "Бизнинг Аҳмаджон қани?", "Аҳмаджон йўқ?" -деб турилади, сўнгра рўмолни кўтариб: "Мана, Аҳмаджон?" деб айтилади. Бундай ўйинлар болаларни фақат қувонтирибгина қолмайди, балки бошқа болаларга нисбатан меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш туйғусини ҳам тарбиялаб боради.

Тарбиячи болаларда эмоционал ҳолатларни вужудга келтиришга ҳаракат қилиши керак. Масалан, бирор зарурат бўлиб қолган пайтларда, айтайлик кичкинтой ўйинчоқларни ололмай йиғлаётган бўлса, унга ёрдам бериш керак. Агар бу ўйинчоқни унинг қўлидан бошқа бир бола тортиб олиб қўйса, уларнинг ҳар иккаласига бир хил ўйинчоқ бериб, болаларни тинчтишиш керак. Бунда ўйинчоқни ўз ўртоғидан тортиб олган болага қараб: "Мумкин эмас!" - деб қўйиш зарур, чунки кичкинтой катталарнинг қилган ишидан норози эканлигини тушуниши керак.

Катталар кичкинтойларда ака-опаларига ва бошқа болаларга, ҳайвонларга нисбатан бўлган қизиқишини ва яхши муносабатларни ривожлантириб боради. Болани нарсага, ўйинчоқларга эҳтиётилик билан муносабатда бўлишга, уларни отиб ўйнамасликка, бошқа болаларнинг қўлидаги ўйинчоқларни тортиб олмасликка ўргатади. Болаларни яхши ишлари учун мақтаб, хулқ-авторини қўллаб-куватлаб, рағбатлантириб туради. Зарур ҳолларда болани нохуш хатти-ҳаракатлардан тўхтатиб қолиш учун "мумкин эмас" деган сўзни айтиш керак. Болалар қатъий оҳангда айтилган "мумкин эмас" деган сўзниг маъносини тушуна бошлайдилар ҳамда турли вазиятларда уни тўғри англаб бажарадиган бўладилар.

Шу нарсани эсда тутиш керакки, катталар болаларга тақлид учун намуна ҳисобланадилар. Болалар улардан кўпгина ахлоқ-одоб, хулқ-автор шаклларини ўрганиб оладилар (мурожаат қилган вақтдаги овоз оҳангি, бошқаларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш ва ҳоказолар).

## Нафосат (эстетик) түйгүларини ривожлантириш

Боланинг нафосат тарбиясини гўдаклик давридан бошлиш керак. Бу даврда тарбия шаклларидан бири алоҳида мусиқа машғулотларини ўтказиб туриш ва умуман мусиқа, қўшиқ, рақсларни болалар ҳаётига сингдиришдир.

Бола билан ўйнаб туриб ашула айтиш, у билан биргаликда қуйлаш, қўғирчоини аллалаш, бирор юмуш қилаётганда қўшиқ айтиш, қўғирчоқ ёки ўйинчоқ қуёнча билан куйга жўр бўлиб рақсга тушишни болага таклиф этиш, бирга рақс тушиш керак.

Мусиқа тарбиясининг асосий вазифаси - болаларда шодлик уйғотиш, уларга ёрқин бадиий таассуротлар бериш, мусиқага қизиқиш уйғотиш, мусиқани тушуниш ва унга фаоллик билан қўшилиш (ашула айтиш, рақсга тушиш, мусиқа садолари остида ўйнаш) лаёқатини ривожлантириб боришдир.

Мусиқани болалар санъатнинг бошқа турларидан кўра эртароқ тушунадилар. Шуни ёдда тутингки, бадиий ва оддий мусиқагина болани гўзаллик оламига олиб кира олади. Шунинг учун болалар билан маҳсус машғулотлар ўтказиб борилади.

З ойликдан бошлаб болаларда оқтаванинг юқори ва қуий товушларидан фойдаланган ҳолда мусиқа тинглаш қобилиятини шакллантиришга тайёргарлик кўра бошлиш керак. Катта ёшли киши ўзи чалаётган мусиқа асбобининг турган жойини ўзgartириб, болада товуш манబанини қидириб топиш истагини уйғотади.

Тинглаш учун болаларга алла қўшиқлари ҳамда рақс тушиб ижро этиладиган халқ куйлари эшиттирилади. Бунда болаларнинг диққатини бир ерга тўплашга, уларда жавоб реакцияси - жилмайиш пайдо қиласди, умумий фаол ҳаракатларни ривожлантиришга эътибор берилади.

4-5 ойликдан бошлаб болада эпитеттан товушларга тақлид қилиш қобилияти намоён бўла бошлайди. Болада куйлаш оҳангига мойил бўлган товушлар чиқаришнинг негизида ҳам худди мана шу беихтиёр тақлид қилиш одати ётади. Унча мураккаб бўлмаган оҳангни куйлаш билан болада оҳангли товушларнинг тақрорланишига ҳаракат қилинади, бу уларни тақлид қилишга ундали. Болаларни мусиқа оҳангига мос келадиган фаол жавоб ҳаракатлари қилишга: гугулашга, айрим товушлар чиқаришга, шунингдек, ритмик ҳаракатлар қилишга ундаш муҳимдир. Боланинг қўл ва оёқларини букиб, ёзиб, уларни мусиқа оҳангига мувофиқ келадиган ҳаракатлар қилишга ундаш болаларда энг оддий рақс ҳаракатларига мойиллик уйғотади.

Бирор күй ёки ашула тугагач, бола жим бўлиб қолади ва катталарга қараб тикилиб туради, Сўнгра шўх рақс күйи ижро этила бошланса, бола ўша товушга "жонланиш комплекси" билан жавоб қайтараётгандек, оёқ-қулларини фаол ҳаракатлантира бошлайди.

### 6-9 ойликдан бошлаб

Кувноқ ва осойишта характердаги күй-оҳангларнинг ифодали ижро этилиши болаларда турли эмоционал ҳолатларни вужудга келтиради. Болаларга ҳар хил тембрдаги мусиқа асбоблари (қўнғироқча, пуллаб чалинадиган гармончча) овозини тинглаш таклиф қилинади. Болаларни товуш манбанини қидириб топишга ўргатишни доимо машқ қилдириб туриш керак, бунинг учун чалинаётган мусиқа асбобини ёки овоз келаётган томонни қидириб топишга, ўша ёққа қараб бурилишга ўргатиб бориш зарур.

Болаларнинг мусиқа оҳангига билан бажарадиган ҳаракатларини фаол равишда рағбатлантириб туриш керак. Ўзи қўшиқ айтиш, боланинг ҳам мана шу қўшиқ оҳангига мос турли товушлар чиқаришига эришиш, боланинг гувраниш пайтида беихтиёр оғзидан чиқсан товушларни оҳангига мослаб тақрорлаш, ҳамоҳанг товушлар чиқариб хиргойи қилиш керак.

Бола ҳаётининг бу даврида ўтира бошлайди, кейин эса гоз-ғоз туришни ўрганади. Бу ҳол унинг мусиқа билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни бажаришдаги имкониятларини кенгайтиради. Қўшиқ айтиб болани ҳар хил рақс ҳаракатларини бажаришга, икки қўлини бир-бирига уриб чапак чалишга, қўлларни силкитишга, оёқлари билан пружинасимон ҳаракатларни бажаришга ўргатилади, ўйин ҳаракатларини бажаришда эса шиқилдоқни шиқиллатиб чалиш машқ қилдирилади. Мана шу ҳаракатларнинг барчасини болалар катталар билан биргаликда ўзлаштирадилар, кейин эса уларнинг айримларини болалар ўзлари мустақил бажаришлари ҳам мумкин.

### Бола 9-12 ойлик даврида

Турли характердаги қўшиқ ва куйлар, болада ҳам турлича таассурот уйғотади. Сокин мусиқани бола дикқат билан жимгина тинглайди, кувноқ мусиқа чалинганда эса юзида кулги, табассум пайдо бўлади, қўл оёқлари билан айрим ҳаракатлар қила бошлайди. Бола тажрибасини ошира бориб, уни контраст оҳанглар, қўнғироқдан тараладиган паст ва баланд товушлар билан таништириб борилади. Мусиқа товушларини тинглашга боланинг дикқатини кўпроқ жалб қилиш мақсадида мусиқа асбоблари турадиган жойни алмаштириш лозим. Оддий сюжетлар акс эттирилган унча муракқаб бўлмаган

текстли құшиқ ва лапарларни ижро этиш, улар асосида үйинчоқлар билан турлича ҳаракатларни бажарып инсценировка қилиши мүмкін. Бола күттәларга тақпид қилиб ўзи ҳам шу ҳаракатни бажара бошлайди.

Күттәлар боланинг овоз реакцияларини рағбатлантириб борар эканлар, гүдаклар оғзидан беихтиёр чиқаётган товушлардан фойдаланған ҳолда уларни айрим күй охандырыға, баъзи товушларга, бүгінларга мослаштиришга ҳаракат қиласылады. Масалан, "а-а", "ла-ла" дейди.

Үйин ва рақс ҳаракатлар ҳажмини кенгайтиради. күттәлардан бири боланинг құлидан ушлаб у билан биргаликда доира овозига, ундан чиқаётган охандырыға мос келады ҳаракатларни бажаради, бу билан бир текис таралаётган күй-ритмни ҳис қилиш имконини беради. Баъзи бир энг оддий ҳаракатлар (құлларини силкитиб ҳаракатлантириш, ярим чүққайиб ўтириш) күттәлар томонидан күрсатып берилади, кейин эса бола бу ҳаракатларни мустақил бажара бошлайди.

Бир ёшгача бўлган болага бериладиган мусиқа тарбияси индивидуал тарзда машғулот ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бир ёшгача бўлган боланинг мусиқий репертуари унчалик мураккаб бўлмайди. У сокин ва шўх ҳалқ куйларини ўз ичига олади ("Мажнун тол", "Мош деган мушугум" сингари ҳалқ қўшиклари).

Болаларда нафосат ҳис-туйфуларини шакллантиришда бадий сўзлар, ҳалқ оғзаки ижоди асарларидан кенг фойдаланилади. Бола ҳали ёшига тўлмаган бўлса ҳам, ҳалқ құшиқлари, эркалама ва овутмаочоқларни эшитар экан, шодланадиган бўлади. Шунинг учун болаларни парвариши қилишнинг турли вазиятларида овутмаочоқ, эркалама ва шеърларни айтиб болани қулоқ солишга ва қувонишга, кейинчалик уларнинг мазмунига мос ҳаракатларни бажаришга ундан бориши яхши натижада беради. Демак, бир ёшгача бўлган болаларни тарбиялашнинг вазифалари юқоридагилардан иборат бўлиб, улар ҳар хил ёш босқичида турли- туман усувлар ва воситалар орқали амалга оширилади.

**Бир ёшгача бўлган болаларни парвариши қилиш ва тарбиялаш жараённанда фойдаланиладиган аллалар, овутмаочоқ ва эркалама шеърлар**

Алла  
Тўйиб-тўйиб үпай сени  
Шириң думбоғим, алла.  
Қучоғимда яшнаб турган  
Машъал чироғим, алла.

Эрка ўтлим катта бўлгин,  
Кўриқчи бўлгин, алла.  
Бошга келган балоларни  
Йўқ қилиб тургин, алла.

Алла десам бор бўлгин, алла  
Менга номус-ор бўлгин, алла.  
Катта бўлган чоғингда алла,  
Халқقا вафодор бўлгин, алла.

Улгай болам, гул Ватанда, алла  
Ботир бўлиб ўсгин қўзим, алла.  
Сени кўриб бу чаманда, алла  
Яйрай, қувнай, юлдузим, алла.

Алла айтай, жоним болам  
Ухлаб қолгин-а, алла...  
Бешикларда роҳатланиб  
Ором олгин-а, алла...

Арслон билакли, шер юракли,  
Қоплонгинам бўлгин-а, алла.  
Катта бўлиб Ватанингга  
Содиқ бўлгина, алла-ё, алла.

Алла айтай, тингла болам, алла  
Гулзоримдаги гулу-лолам, алла.  
Сен кулганда юрагимга, алла  
Келмас сира ғаму-алам, алла.

Кечалари чирогимсан, алла  
Кўзим нури, қарогимсан, алла.  
Нур тўлдиридинг уйгинамга, алла  
Гулга тўла гулбоғимсан, алла.

Сочимнинг тилла тарofi, алла  
Боримнинг кумуш яроfi, алла.  
Кўзларимнинг нури, алла  
Юрагимнинг дури, алла.

Бошимдаги тожим, алла  
Кўзимдаги гавҳарим, алла.  
Суянган тоғим, алла  
Осмондаги ойим, алла.

## Эгизаклар учун

Алла болам, жоним болам  
Құзичоқларим алла, алла-ё, алла.  
Овунчоқларим, алла.  
Қараб турған қароқларим,  
Ёниб турған чироқларим, алла-ё, алла.

Тол ичидан танлаб олган,  
Тол чавконларим, алла.  
Гул ичидан исқаб олган,  
Гул райхонларим, алла, алла-ё, алла.

Бириңг ўғил, бириңг қиз  
Құшалоқларим, алла.  
Үсиб-унинг, олай баҳра  
Чақалоқларим, алла, алла-ё, алла.

Ариқ бүйі лолазор, алла-ё, алла,  
Чор атрофи мевазор, алла-ё, алла,  
Жингалак соч ўғилчам, алла-ё, алла,  
Доим бұлсин беозор, алла-ё, алла.

Ухла, ухла, Ҳилола  
Ухлади қирда лола, алла-ё, алла.  
Бас қыл энди, йиглама  
Қочиб кетар оймома, алла-ё, алла.

Ухла, ухла, Ҳилола  
Ухлаган барча бола, алла-ё, алла.  
Ухлади қирда лола,  
Сен ҳам ухла, Ҳилола, алда-ё, алда.

**Бола йиглаганда:**  
Вуй-вуй, шугинани ким урди?  
- Вуй-вуй, шунга ким лаб бурди?  
Хеч ким сенга қарамадими?  
Сочларингни тарамадими?  
Сочларингни тарайман ўзим,  
Садқангман ўзим, садқангман ўзим.

Вой, шу ўғлимга не бўлибди?  
Қўзларига ёш тўлибди.  
Вой, кўзларинг қизармасин

Дудоқларинг бўзармасин.  
Йифлама, бас дардинг олай  
Киссаңганга кишмиш солай.  
Мана қизим оппоққина  
Бошида зар қалпоққина.  
Кимлар шуни кўролмаса,  
Кўзига шўр тупроққина.

**Болани "кел-кел" деб қўлга олганда айтилади:**

Қизим, қизим, қизима  
Қизим келсин, ўзима.  
Узумини осиб ей,  
Майизини босиб ей.

**Бола қасал бўлганида:**

Дардингни олай, ўзим  
Тўрвага солай, ўзим.  
Тўрва тешилиб кетсин  
Дардинг тўкилиб кетсин.

Дардинг урсин дафтарга  
Учиб юрган капитарга.  
Эйик билан бейикка,  
Сакраб юрган кийикка.

**Кўзи оғриганда:**

Садқаман-у садқаман  
Шу қизимга садқаман,  
Қирмизчага садқаман.  
Кўзчаси оғриб қопти,  
Энди борай қайга ман.

**Бола чўмилганда, ювинганда:**

Айланайин оқчамдан  
Лаблари қаймоқчамдан.  
Искасам зомичадек  
Чўмилса гул фунчадек.  
Оймома илла,  
Қаноти тилла.  
Дилшоджон юзини  
Совуқ сувга ювма.

### **Ойни кузатганда:**

Оймомахон хилла,  
Қанотлари тилла.  
Субхонолло сизга,  
Умр берсин, бизга.

Оймомахон ҳилола,  
Қанотлари тилла.  
Кулиб боқсин  
-Раънохон қизга.  
Менинг қизим Гулойим,  
Үзи жуда мулоим.  
Эркалатсам ҳар доим  
Кулиб турсин, илойим.  
Қора, қора деманглар,  
Қоранинг жаҳли чиқади.  
Қора майиз еганда  
Қандай маза бўлади.  
Чапак-чапак,  
Пиширдик чалпак.  
Деразага қўямиз,  
Совушини кутамиз.

### **Чақалоқни биринчи бор бешикка солаётганда:**

- Шугина жоним, бир жоним,  
Бўйнимдаги маржоним.  
Худо берди севсин, деб  
Олтин бешикка кирсин, деб.  
Бундай ётадими?
  - Йўқ, йўқ!
  - Бундай ётадими?
  - Йўқ, йўқ!
  - Бундай ётадими?
  - Ҳа, ҳа!
- Бобовлари чиқсин,  
Эгалари кирсин.

### **Чақалоқни бешикдан олаётганда:**

Болам бешикдан чиқсин,  
Уйқуси бешикда қолсин.

Такур-туқур гавораси,  
Дарди дили овораси.

**Сұнгра уч марта:**

- Ўс, ўс, ўс? - дейилиб, үнг құл билан чақалоқ ётған үрни сийпаланиб, боланинг орқа бели уқаланади.

**Чақалоққа исириқ тутатғанда:**

Исириқ, исириқ,  
Чатнасин исириқ,  
Патласин исириқ,  
Боламга күз тегмасин.

**Чақалоқни илк бор чўмилтирганда:**

Сув пок, сан нопок,  
Пок сув сенга бўлсин.  
Нопокликлар бари  
Ёмонларга бўлсин.

**Боланинг илк бор тиши кўринганда:**

Баҳор келди, қиши чиқди,  
Чақалоққа тиш чиқди.  
Кичкинтой, деб ўйламанг,  
Унга ҳам юмуш чиқди.  
Овқатини чайнашга,  
Ҳар куни бир иш чиқди.

**Бола биринчи ўтирганда:**

Ўтирсин-о, ўтирсин,  
Бошини гулга тўлдирсин.  
Шугинани кўрган қизлар  
-Хушдан кетиб ўлтирсин.

**Бола оёқ чиқарганда:**

Адақ-адақ юрсин,  
Шунга тикан кирмасин.  
Кўзи каттиқ банданинг,  
Кўзи шунга тегмасин.  
Чопиб-чопиб юрганда  
Чақир шунга урмасин.  
Югуриб-югуриб юрганда  
Сира тикан кирмасин.

## **Болага янги кийим кийдирилганда:**

Сан эскию, ман янти  
Сан ўлгину, ман қолай.  
Менинг умрим минг йиллик,  
Санинг умринг бир йиллик.  
Сан бир йиллик,  
Ман минг йиллик.  
Кия-кия тұздырайлык,  
Дугоналарымдан ўздырайлык.

Ёқаси мойли бұлсин,  
Этаги лойли бұлсин.  
Майли бир йилда тұзсин,  
Үзи-чи минг йил күлсин.

## **Қизалоқнинг сочини илк бор ювиб тараганда:**

Жонимга ур, илойим,  
Кокиллари мудайим.  
Агар шуни ким ўрса,  
Дард күрмасин, илойим,

Үйин-машғулотлар. 2,5-3 ойгача бұлған болалар билан махсус үйин-машғулотлар ұтказылмайды, Бу ёшдаги болаларнинг күрув, эшитув органларини, "тетиклик комплекси"ни ва қорин билан ёттанда ҳамда катта одамнинг құлида турған пайтда бош ҳаракатларини ривожлантира борищ учун бола билан қилинадиган мұлоқотнинг ҳар бир пайтидан, масалан, ювиб-тараш, йүргаклаш, уйқудан үйғотищдан унумли фойдаланилади.

2,5-3 ойлиқдан каттароқ болаларда турли құникмаларни ривожлантириб борищ учун ҳозир этилган, ишлардан ташқари махсус үйин-машғулотлар ұтказилади. Ҳаётининг бириңчи иили мобайнида янги-янги құникмаларни пайдо қилиш учун ҳар бир бола билан алоқида, яғни индивидуал шуғулланиш керак бўлади.

Құникмаларни мустаҳкамлаш, шунингдек шодлантириш ва суюнтириш, мақсадида индувидуал үйин-машғулотлардан ташқари гурӯҳли үйин-машғулотлари деган машғулотлар ҳам ұтказилади. Бу үйин-машғулотларга 6-8 болани бирлаштиrsa бўлади.

## **2,5-3 ойликтан 5- 6 ойликкача бүлгөн болалар билан ұтказиладиган индивидуал үйин-машгүлолтар рүйхати**

1. Катталарнинг товушига ва үйинчоқларнинг овозига қулоқ солишиң күнилкесини ривожлантириш, бошни товуш манбаига (товуш келаётган томонға ва овоз чиқарадиган үйинчоқ томонига) қаратыши, құрув ва әшитув органларига тааллуқли дифференцировкани ривожлантириб бориш.

2. Болада гувраниш әхтиёжини пайдо қилиш.

3. Боланипг құқраги устида катта одам тутиб турған үйинчоқни ва бошқа вазиятларда турған үйинчоқларни құлға олиш ва тутиб туриш күнилкесини ривожлантириб бориш.

4. Эмаклашга тайёрловчи ҳаракатларни ривожлантириб бориш, қорин билан ёттанда бошни тутиб туришга ўрганиш. Агар 5-6 ойлик бола орқасидан олдига ва аксина ағдарилиб ётиб олишни үзлаштырмаган бўлса, бу ҳаракатларни маҳсус машгүлолтарда ривожлантириб бориш керак бўлади.

5. Мана шу үйин-машгүлолтардан ташқари болани катта одамнинг құлида турганида бошини тик тутишга ва құлтиғидан ушлаб турилганда тик туришга ўргатиб бориш керак.

6. Мусиқа-үйин машгүлоларини ұтказиб туриш. Құрув ва әшитув органларини ривожлантириш юзасидан ұтказиладиган үйин-машгүлолтар билан мусиқа-үйин машгүлолари аввалига индивидуал тарзда, кейинчалик эса кичикроқ болалар гуруҳи билан ұтказилади.

## **5-6 ойликтан 9-10 ойликкача бүлгөн болалар билан ұтказиладиган индивидуал үйин-машгүлолтар рүйхати**

1. Нарса ва ҳаракатларнинг номини тушуниш лаёқатини ривожлантириб бориш. Катталарнинг: "қани?" деб берган саволига жавобан маълум жойда турған үйинчоқни топишга, кейинчалик эса уни ҳар хил жойдан топиб келишга ўргатиш. Катталарнинг саволига жавобан аввал бир жойдан, кейин эса турли жойлардан иккита, сўнгра учта нарсани, масалан, кучукчадан ташқари кўғирчоқни, хўрочзани ва бошқаларни топишга ўргатиш. Бекинмачоқ ўйнаш. Оддий ҳаракатларнинг номини, масалан, "чапак-чапак", "қўлингни бер", "хайр" ва бошқа ҳаракатларнинг номини тушуниш лаёқатини ривожлантириб бориш. Бу ҳаракатларни аввал сўз билан айтиб, қўрсатиб, кейин бажаришга, тақлид қилишга, кейинчалик эса фақат сўз билан айтгандағина бажаришга ўргатиб бориш. "Бер" сўзини тушунишга ўргатиш - боланинг құлида турған үйинчоқни беришга ундаш..

2. Кулокқа чалиниб юрган товуш ва бүғинларни талаффуз эттириш, илгари боланинг ўзи талаффуз қилиб юрган товушларга тақлид эттириш, кейинчалик эса катталарнинг турли янги бўғинларни талаффуз этишига тақлид эттириш.

3. Кўрсатиб ва сўз билан тушунтириб бергандан кейин болани буюмлар билан қилинадиган оддий ҳаракатларни бажаришга ўргатиш, кейинчалик эса катталар илтимоси билан шу ҳаракатларни бажаришга, масалан, шарчани думалатишга, идиш ичидан ундаги ҳар хил ўйинчоқларни чиқариб олиб, териб қўйишга ўргатиш ва ҳоказо.

4. Ҳаракатларни ривожлантириб бориш: болани эмаклашга ўргатиш, таяниб туришга ундаш, бирор нимани ушлаб юришга ўргатиш.

Бола ҳаракатларни тегишли шароитларда мустақил, катталар иштирокисиз ўрганиб олмаган бўлса, унда ҳаракатларни ривожлантиришга мўлжалланган ўйин-машғулотларни ўтказиши керак бўлади.

5. Қизиқарли ўйинлар ўтказиб туриш - болаларда шодлик уйғотиши (масалан, "шошма-шошма", "тўхтаб тур, тўхтаб тур" ва ҳоказо).

#### **9-10 ойлиқдан 1 ёшгача бўлган болалар билан ўтказиладиган якка ўйин-машғулотлар рўйхати**

1. Катта ёшли одамлар нутқини тушуниш лаёқатини ривожлантириш. Нарсалар, ўйинчоқлар, теварак-атрофдаги одамлар ҳамда буюмлар билан қилинадиган ҳаракат номларининг сонини кўпайтириш, айтилган ўйинчоқни (масалан, қўғирчоқ, мушукча, кучукча, тойча, машина ва бошқаларни) бола биладиган 3-4 ўйинчоқ орасидан топишга ўргатиш, турли нарсалар билан бир хил ҳаракатни бажаришни ўргатиш ва ҳоказо. Катталарнинг сўз билан тушунтиришидан кейин таниш нарсаларни (қўғирчоқ, копток, машина, челакча ва бошқалар) ахтариб кўриш ва топиб бериш, уларни бошқа болаларга ва катталарга беришни ўргатиш.

2. Нарсаларнинг номини дастлабки "умумлаштириш"ни ривожлантириб бориш, ташқи кўриниши жиҳатидан фарқ қиласидиган бир номдаги ўйинчоқларни, масалан, баҳмал, пластмасса, резина ва бошқа турдаги, кучукчани катта одамнинг истагига кўра олиб беришга ўргатиш.

3. Товушларга тақлид қилдириш ва дастлабки, сўзларни (бер, ма, ол, да-да, ойи, буви ва бошқаларни) айтишга ўргатиш,

4. Нарсалар, билан кўрсатиб берилган ҳамда сўз билан тушунтириб айтилган янги ҳаракатларга, кейинчалик эса катталарнинг фақат сўзи

билин қилинадиган янги ҳаракатларга, масалан, құғирчоқни ётқизиб ухлатиш, үйнатиш, мушукчага овқат бериш, бемалол чиқадиган халқаларни үқә киргизиб, чиқариш кабиларга үргатиш.

5. Юриш күнімасини ривожлантириш. Аввалиға боланинг иккى күлидан ушлаб, сүнгра ушламасдан юришга үргатиш.

Босишига рухсат этилди 15.10.2003.

Қороз бичими. 60x34 1/16.

Офсет босма усулида босилди.

5 босма табоқ. Адади 7000 нусха.

«Сано-Стандарт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

